

А. Исманова, Т. Салимова

Адабий ўқиш 3



КУРМАНБЕК



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ЖЕЛЕГИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: *Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики*
Муз.: *Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку*

Ак мөнгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө,
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап, урпактарга берели.

Кайырма:

А. Исманова, Т. Салимова

АДАБИЙ ЎҚИШ

Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек 2013

Академик М. Т. Мамасаидов тахрири остида

*Тақризчилар: педагогика фанлари номзоди Равшанбек Турсунов,
филология фанлари номзоди Саидакбар Махсумханов.*

Исманова А. в.б.

И 87 **Адабий ўқиш:** Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик
/А. Исманова, Т. Салимова, – Б.: 2013 – 192 б.

ISBN 978-9967-31-094-0

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун “Дарсликлар яратиш маркази” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни “Марказ” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ҳш шаҳри,
Г. Айтнєв кўчаси, 25

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



– қондани ёд олинг



– изохли луғат устида ишланг



– саволларга жавоб беринг

И 4306020400-13

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз я 721

ISBN 978-9967-31-094-0

© А. Исманова, Т. Салимова, 2013
© Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги, 2013
© Дарсликлар яратиш маркази, 2013

ҚИРҒИЗИСТОН – МЕНИНГ ВАТАНИМ

МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК, ХУР ҚИРҒИЗИСТОН!



1991 йилнинг 31 августи тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Чунки шу кун Қирғизистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон килинди.

Мустақил Қирғизистон ўз герби ва байроғига эга.

Давлатимиз герби 1994 йил 14 январь куни қабул килинган. Герб муаллифлари А. Абдраев ва С. Дубанаев.

Қирғизистон Республикасининг Давлат гербида қорли тоғлар узра чараклаб турган кўш, мовий Иссиқкўл тасвирланган. Дехқончилигимизнинг ифодаси сифатида очилган пахта ва бугдой бошоқларининг сурати туширилган.

Герб марказида эркинлик, мағрурлик ва фидойилик тимсоли бўлган Оқ шунқор қанотларини ёзиб турибди.

Ушбу рамз ва тимсоллар халкимизнинг тинчлик, биродарлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзумидларини ифодалайди. Гербнинг юқори ва пастки қисмига «Қирғиз Республикаси» сўзлари битилган.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз герби бўлади.

Давлатимиз байроғи 1992 йил 5 март куни қабул қилинди. Унинг тимсолида Қирғизистон Республикаси сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлик ва миллий-маданий анъаналар акс этган.

Байроқ кизил рангли газламадан тайёрланган. Бу Ватан химояси учун бир қошиқ қони қолгунча курашга тайёрлик белгисидир.

Байроқ ўртасида қуёш нури тасвирланган. Унинг ўртасида бўз уйнинг устки қисми ифодаланган. Бу миллий маданиятимиз, тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда Мустақиллигимиз рамзидир. Қирғиз Республикасининг байроғи Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг сессиясида тасдиқланган.



Савол ва топшириқлар:

1. Мустақиллик нима? У элимизга нима берди?
2. Қирғизистон Республикасининг Давлат байроғи қачон қабул қилинган?
3. Қирғизистон Республикаси Давлат байроғининг тузилишини расмдан фойдаланиб сўзлаб беринг.
4. Бўз уйнинг устки қисми нима деб аталади?

Мақол

Юз йил қул бўлиб яшагандан
Бир кун ҳур бўлиб яшаган яхши.

Бировга қул бўлгунча,
Кўпчиликка бўйсунган яхши.

СЎЗЛАРНИ ТЎҒРИ ВА СИДИРҒА ЎҚИШНИ ЎРГАНИНГ

ЖИГАРЛАРГА ТИЛАКЛАРИМ

Мақсуд Шайхзода

Йиллар сизни кутади,
Сиз йилларни кутасиз!
Бир, икки, уч дегунча
Ўсмирликка етасиз ...
Ишларингиз беш бўлсин!
Кувонч сизга эш бўлсин!
Ҳой болалар, болалар,
Чамандаги лолалар,
Умр бўйи сўлмангиз,
Сира ҳориб-толмангиз!...
Ўргандингиз ҳисоб-сон
Гоҳо қийин, гоҳо осон.

Ҳарфларга танишсиз,
Ўқияпсиз янглишсиз,
Аммо, билинг, жигарлар,
Жуда кам бу хунарлар ...
Яна кўпроқ билмоққа
Кўпроқ билим олмоққа,
Ишни эгалламоққа,
Дунёдан «сир» олмоққа,
Тарбияли, гапи рост,
Виждони соф, беғараз
Бўлмоққа сиз интилинг!
Вазифангиз – шу, билинг!

Изоҳли луғат

беғараз [ф-т] – ўз манфаатини кўзламасдан ҳолис иш тутадиган

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ифодали ўқинг. Ўйланг, ўсмирлик нима?
2. Шеърнинг охирги бандини ўқинг ва маъносини тушунтиринг.
3. Тилак, истак нима? Сизлар бир-бирингизга қандай тилак билдирар эдингиз?
4. Шеърни ёд олинг!



Товушларни тўғри талаффуз қилинг ва тушириб қолдирмай ўқинг

ОЛТИН КУЗ

Куз... Она диёримизга олтин куз сепини ёзган. Кечалари салқин. Эрталаб шудринг туша бошлайди. Тоғлардаги қояларда қиров. Пахта далаларининг манзараси ўзгача. Лўп-пи-лўппи очилган пахталар қуёш нурида товланади. Бу манзара куз келганидан дарак беради.

Кузнинг биринчи ойларида нок, олма, шафтоли, узум, анжир ва анорлар пишади. Сабзавотлар, қовун-тарвуз сероб бўлади. Йиғим-терим ишлари бошланади.

Туёқли жониворларнинг ҳаётида ҳам ўзгаришлар бўлади. Улар кўк ўтлар билан бирга дон озукаси, ёввойи уруғлар, меваларни истеъмол қиладилар. Бу уларнинг кишга кўп куч тўплаб олишига ёрдам беради.

Куз келиб, ҳаво совий бошлаганда, турналар, чуғурчуқлар, узунқанотлар, кўққарғалар юртимиздан иссиқ томонларга учиб кетадилар.

КУЗ

Шукур Саъдулла

Фир-фир шамол елади,
Буни ҳамма билади.
Ўтиради елга юз:
– Марҳамат! Кел, олтин куз!
Мактаб борар қиз-ўғил,
Қўлда китоб, ҳамда гул.
Олтин оқар даладан,
Тонг ёришган палладан.
Қуёш тушар тафтидан,

Қўрқиб қишнинг афтидан,
Сарғаяди кўкатлар,
Барг тўқади дарахтлар.
Ҳосил йиғиб олинар,
Қишга замин солинар.



Савол ва топшириқлар:

1. Матндан куз манзарасига оид парчани топинг ва ўқинг.
2. Кузда қушлар, жониворлар ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлади.
3. Шеърни ёд олинг.

ОНА ЮРТИНГ – ОЛТИН БЕШИГИНГ

Ойдин Ҳожиева

Ватанни оқ сут берган онага қиёс қилишади. Она-Ватан, деб меҳр билан айтишади.

Биласизми, болажонлар? Сиз дунёга келмай туриб, ота-онангиз сизга бешик ясашни орзу қиладилар. Тол экадилар. Толдан чиройли бешикча ясайдилар.

Тилла бешигингиз – дастлабки Ватанингиз бўлади.

Биринчи тилингиз чиққанда, кулганингизда, илк бор «она» деганингизда мана шу тупроқ онадай севинади. Гўдак дунё эса сиз билан улғаяверади. Бешиқларингизга сизга сизга қоласиз. Катта йўлларга шошиб кетасиз. Бўйларингиз ўсиб, чинордай йигитлар бўласиз. Санавбар дарахтидай гўзал қизлар бўласиз. Ўшанда сизни аллалаб, эркалаб, юпатиб, суйиб ўстирган илк Ватанингиз, яъни тилла бешик она юртга айланганини сезиб қоласиз.

Ҳар бир қадамингизда, кулгингизда «Она юртинг – олтин бешигинг» деган мазмун ётади. Ана ўшанда сиз она юртга таянч бўласиз. Она юртингиз гуллаб, яшнайти. Ўз тақдирингизга ўзингиз эга бўласиз. Ватан сиз билан улғаяди.



Изоҳли луғат

санавбар [a] – тикка ўсадиган гўзал дарахт, қарағай

ЎЛКА

Эркин Воҳидов

Боғларингни сайр этганимда
Сен бор эдинг калбда, Ватаним.
Боғ ҳуснига шеър битганимда
Уни дастлаб сенга атадим.

Минглаб тилда мадҳингни сўзлар
Бунда ўсган ҳар битта дарахт.
Нур эмади миллионлаб кўзлар,
Кўкдан сенинг ҳуснингга қараб.

Жилмаяди ўзида йўқ шод
Янги ой ҳам кетмай қошингдан
Этак-этак олиб коинот
Юлдузларни сочар бошингда.



Савол ва топшириқлар:

1. Ўйланг, нима учун «олтин бешик» она юртга, она юрт бешикка ўхшатилаяпти?
2. Сиз она юртга қандай таянч бўласиз?
3. Нима учун шоир Э. Воҳидов дастлабки шеърини Ватанга бағишлади?
4. Шеърни ёд олинг.

Ўзбек – қирғиз бир онанинг
Эгиз жигар-пораси.
Роса эллик чақирим
Ўш – Андижон ораси.
Дўст қўлини чўзса гар,



Қиш тушгуси қаҳридан.
Яшнар ўзбек пахтаси
Норин дарё наҳридан.
Гўзал маскан – Арслонбоб
Табиатдан обида.
Тўрт фаслни кўргайсиз
Саратон офтобида.
Ҳар икки республика
Бахти бекам, фаровон.
Бир анҳордан сув ичар

Асака-ю Аравон.
Гул водийга ярашган
Зар камар Фарғонадир.
Қардошликни куйласам,
Ундан меҳрим қонадир.

Турсунбой Адашбоев таржимаси

Изоҳли лугат

наҳр [а] – дарё
маскан [а] – турар жой, яшайдиган жой, макон
обида [а] – ёдгорлик
фаровон [ф] – ҳамма нарса мўл-кўл

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Сўзлардаги товушларни тушириб қолдирмай ўқинг.
2. Ўйланг «эгиз фарзанд» кимлар?
3. Шеърдан дўстлик ифодаланган ўринларни топиб ўқинг.
4. Шеърда икки кўшни республика шаҳар ва қишлоқлари қандай ифодаланган?

КЕЧКИ ОЛМА

В. А. Сухомлинский

Кеч куз. Оля билан Нина исмли эгизак қизалоқлар олмазорда ўйнаб юришарди.

Қизалоқлар улкан олма дарахти тагига келишганида ажойиб манзарани кўриб, суюниб кетишди: сарғайган, ёлғиз барг остидан каттакон олма кўриниб турарди.

– Қанақасига қолиб кетган экан? – сўради ҳайрон бўлиб Оля.

– Ҳозир уни оламиз, – деди Нина ва олмани охишта узди.

Оля олманинг ёлғиз ўзиники бўлишини жуда-жуда хоҳларди-ю, айтишга уяларди. Шунинг учун:

– Олмани сен олақол, – деди Нинага қараб. Нина ҳам олмани ўзиники бўлишини жуда-жуда хоҳларди-ю, айтишга уяларди. Шунинг учун;

– Йўқ, сен олақол, Оля, – деб жавоб берди.

Хуллас, олма қўлдан қўлга кўп марта ўтди, лекин опсингил уни кимга тегишини ҳал этишолмади. Шунда, тўсатдан, икковининг хаёлига бир хил фикр келди. Шўх-шодон чувиллаб, уйга югуриб боришди-да, олмани оналарига беришди.

Оналарининг кўзлари севинчдан порлаб кетди. Сўнг у олмани кесди-да, икковига тенг бўлиб берди.



Савол ва топшириқлар:

1. Матндаги сўзларни тўғри ўқинг.
2. Қизалоқларнинг севинчини тасвирловчи ўринларни топинг.
3. Қизларнинг хаёлидан нима ўтди?
4. Оля ва Нинанинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилар эдингиз?

ИЛМЛИ МЕНИНГ ЯШАР

Нурмат Мақсудий

Ёлқинжон куз кунларининг бирида тоғасиникига меҳмон бўлиб борди. Тоғаси жамоа хўжалиги боғида гуруҳ бошлиғи бўлиб ишлайди. У жиянини кўриб жуда хурсанд бўлди.

– Ў-ў, Ёлқинжон, келганинг жуда яхши бўлибди-да, – деди. – Ҳали сенга жамоа хўжалиги боғини кўрсатаман.

Тоғаси Ёлқинжонни узумзорга олиб борди. Ёлқинжон жамоа хўжалиги боғини кўриб хайратда қолди. Баланд ишқомларга ўралиб чиққан хусайни, чарос ва бошқа хил тоқ новдаларида катта-катта узум бошлари олтиндай товланар эди. Ўҳ-хў, узум бошларининг катталигини қаранг! Ҳар

биттаси Ёлқинжоннинг буvasидан қолган самовардай келади-я!

– Тоға, бу узумларни қандай қилиб етиштирдингиз? – деб сўради Ёлқинжон.

– Токни қандай парвариш қилиш тўғрисида бир донгдор соҳибкор китоб ёзибди, – деди тоғаси. – Ўша соҳибкор ўзининг олтмиш йиллик тажрибасини шу китобда бир-бир баён қилибди.

Тоғаси ўша китобни ўқибди. Кейин китобдан ўрганганларини ишга солибди. Натижада кўриниб турган узумларни етиштирибди.

– Соҳибкор ким ўзи? – деб сўрабди Ёлқинжон.

– Соҳибкор деб ўз ишининг устасига айтилади, – дея жавоб берди тоғаси.

– Вой-бўй, – деди Ёлқинжон ўзича, – ўша соҳибкорнинг олтмиш йиллик ишини бирданига ўрганиб олдингизми? Унда ёшингиз қанчада бўлади?

– Асл ёшим қирқда. Агар унга соҳибкорнинг олтмиш йиллик тажрибасини қўшсанг, ёшим роппа-роса юзда бўлади.

Изоҳли луғат

донгдор – донг чиқарган, доvруғи кетган, машҳур
жамоа хўжалиги – бир қанча кишиларнинг биргалашиб
ишлайдиган хўжалиги

соҳибкор [а-ф] – ўз ишининг устаси. Узум ва бошқа
меваларни етиштирувчи уста боғбон

Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг. Сўзларни тўғри ўқишни машқ қилинг.
2. Ёлқинжон каерга борди?
3. Ёлқинжонга тоғаси нималарни ҳикоя қилиб берди?
4. Ҳикояни ролларга бўлиб ўқинг.
5. Ўйланг: китобда ток парвариши ҳақида нималар ёзилган?

Устоз дея этгайман эъзоз,
Бутун умрим, ҳаётим ичра.
Минг қилсангда устоз учун оз,
Чунки билим берган-ку кеча.

Устоз гўё сеҳргар каби,
Шогирдига калит тутган ул.
Олиб бориб хазина сари,
Яшиликка кўрсатгандир йўл.

Улуғ бўлган устоз бу юртда,
Устозларнинг ҳам устози бор.
Устозларнинг ишончин оқлаш.
Шогирд учун шараф, ифтихор!

Изоҳли луғат

хазина [а] – бойлик

ифтихор [а] – фахрланса арзийдиган иш

Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Сўзларни тўғри ўқинг.
2. Устозга бўлган ҳурматингизни ўз сўзингиз билан ифодаланг.
3. «Устоз – отангдай улуғ» ҳикматининг маъносини тушунтиринг.

Мустақил ўқиш

СУКУТНИНГ ХОСИЯТИ

Ҳикоя қилишларича, ўз даврининг машҳур ҳакими,
хамма даврларнинг ҳам доно табиби бўлмиш Лукмони

Ҳақим кунлардан бир куни ҳазрати Довуд (а.с.)нинг олдига борибди. Довуд (а.с.) одатдагидек, совут зирхли кийимлар тайёрлар, яъни темир-терсақлар орасида ишлаб ўлтурган экан.

Лукмони Ҳақим дунёга келгандан буён темирчилик устахонасига кирмаган, бундай кийимларнинг тайёрланишини кўрмаган экан. Шу боисдан бундай зирхли кийимлар қандай кийимлар эканлигини, уни кишилар қандай кийишини сўрамоқчи бўлибди. Аммо устози: «Аввал ўйла, кейин сўйла», «Сабр қил – сабрнинг таги олтин», – деб ўргатган экан. Шунга амал қилиб, сабр қилибди. Кийимнинг тайёр бўлишини кутиб турибди. Довуд (а.с.) кийимни тайёрлаб, кийиб олибди-да, шодланиб Лукмони Ҳақимга шундай дебди:

– Лукмони Ҳақим, мана кўрдингизми, мен совук темирдан қандай иссиқ кийим тайёрладим. Буни кийиб, бемалол жангга кириб, боскинчи душманнинг додини беришим мумкин.

Бу гапни эшитган Лукмони Ҳақим: «Сукут қандай буюқ акллиқдир. Устозимнинг айтганини қилиб, сукут сақладим-да, кўпол хатодан сақландим», – дебди ичида.

Довуд (а.с.) – пайғамбар, Сулаймон пайғамбарнинг отаси.

Изоҳли луғат

совут – танани найза, ўқ зарбидан сақлаш учун кийиладиган, пўлат симдан тўкилган кийим

Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Воқеанинг бош сабабини аниқланг.
2. Лукмони Ҳақимнинг ҳазрати Довуд (а.с.) ёнига боргандаги ҳолатини ўз сўзингиз билан ифодаланг.
3. «Сукутнинг хосияти» деганда нимани тушундингиз?

ТУГУНЧАДАГИ ПУЛ

Сулайман Рисбаев

Тонг саҳар. Талант мактабга кетаётган эди. Автобус бекатдан яқин орада жилгани учун, у пиёда мактаб томон йўл олди.

Бир вақт йўл четида турган тугунни кўриб қолди. Унинг ичини очган эди, бир сиқим пул чиқди. Санаб саноғига етолмади. Унинг юраги шувиллаб қўрқиб кетди. Худди бировдан пулни ўғирлаб олгандай бўлди.

Тўсатдан эгаси келиб: – «Сен қаердан ўғирлаб олдинг» – деб кекиртагидан бўғиб қолса-я!

Нима қилиш керак?



Сиз Талантнинг ўрнида бўлсангиз нима қилар эдингиз?

Талант юқори синф болаларининг келаётганини кўрди. У тугунни қўйнига бекитди. Талант пул топиб олганини кимга айтсам экан, деб ўйланди. Тугунда танга, бир сўм ёки 5 сўм эмас, анча қўп пул бор. У бу пулларни нима қилади?

У: «Отамга айтай, пулларни эгасига берар», – деб ўйланди.

У уйга келди ва отасига пулни берди. Отаси:

– Буни қаердан ўғирлаб олдинг, – деди ранги бўзариб.

– Ўғирламадим, йўлдан топиб олдим, – деди Талант.

– Қачон?

– Ҳозир.

– Қаердан?

– Бекатдан, йўл четида...

– Ростми?

– Ҳа.

Отаси дераза яқинига келиб, эшикни қарадида, ўглининг бўйнидан кучоқлади. Унинг юзидан ўпиб, кулоғига шивирлади:

– Пулни топиб олганингни биров кўрдими?

– Йўқ, ота, ҳеч ким кўрган йўқ.

– Ростми?

– Рост.

– Унда бу ҳақда ҳеч кимга айтма. Тушундингми? Мен ҳозир шаҳарга бориб, сенга кишки пальто, иссиқ этик, велосипед, чана, коньки сотиб оламан. Бу сўзларни қўллари титраб, энтикиб айтди. – Талант, мени тушундингми?

Болалар, Талантнинг отаси тўғри иш қилдими?

Иккинчи дарсга эндигина кўнғирок чалинганда дўкондаги аёл синф хонасига кириб келди. Аёл йиғлаган, кўзлари кизарган ҳолатда эди.

– Айланиб кетайин болажонларим, пул топиб олдингизларми? Мен қурмагур дўкондаги ҳамма пулни йўқотиб қўйдим... Автобусга ўтираётганимда бор эди... Айланай сизлардан ҳаммангиз гурунглашиб мактабга кетаётган эдинглар... Айтинглар, суюнчисига нимани хоҳласангизлар олиб бераман. Ўргилиб кетай сизлардан...

Аёл сўзини яқунламай туриб йиғлаб юборди.

Дўкончи холани ҳамма болалар танийди. Бу Райхон хола. Жуда яхши аёл.

Болалардан жавоб кутиб, тўхтаб қолди. Болалар, ўқитувчиси барчалари биргаликда «ким топиб олди экан» дегандай бир-бирига қараб қолдилар.

Энди нима бўлади деб ўйлайсиз? Воқеанинг қандай ҳал бўлишини хоҳлар эдингиз?

– Пулингизни мен топиб олдим, Райхон хола! – деди тура қолиб Талант, – мен топиб олган эдим...

Райхон хола югуриб келиб, Талантни бағрига босиб, ўкириб йиғлаб юборди. Худди эрталаб отаси қучоқлаб ўпганга ўхшаб кетди.

– Ҳақиқатдан ҳамми?! – деди у йиғи аралаш.

– Ҳақиқатдан ҳам. Уйга олиб бориб, отамга бериб, кейин... кейин... мактабга келдим... ҳозиргина ... менга ишона беринг.

– Отанг уйдами?


– Уйда бўлиши керак...

Райхон хола Талантни бағрига қисиб – кучиб олди. Ундан хушбўй ҳидли атир билан юз кремнинг ҳиди келиб турар эди.

Талант Райхон холани етаклаб кетди.

– Юринг, уйимизга борамиз, – деди у.

Уйга йўл олишди. Уйда нима бўлганини ким билсин? ... Отаси қаерда экан? Пулни нима килди экан?... Яна у отасига «ҳеч кимга айтмайман» деб ваъда берган бўлса, энди нима бўлади?... Талант қалтираб йўлга чиқди.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Ўйланг, воқеа нима билан тугайди?
2. Бу ҳикояда нима кадрли?
3. Ҳикояни қисмларга ажратинг ва сарлавҳа қўйинг.
4. Ҳикоядаги тимсолларга таъриф беринг.

I

Собирнинг меҳнат қилишга унчалик иштиёки йўқ. Лекин у мақсад қилган нарсаларига эришиш учун меҳнат қилишга мажбур. Мактабда у фақатгина синфдан-синфга кўчиш учун ўқийди, уй вазифаларини бажаради. Уйдаги юмушларни эса атрофдагиларга яхши бола бўлиб кўриниш учунгина қилади.

Кунлардан бирида Собир дарахт соясига чўзиларкан, унинг новдасига назар ташлади: не кўз билан кўрсинки, дарахт барглари, хил-хил пишиб ётган мевалари ва кушлар унинг кўзига сокин, бахтли кўриниб кетди. Ётиб ўзича гудрана бошлади:

– Бу дарахт ўзи ҳеч бир иш қилмайди. Унинг қиладиган иши фақат осмон, қуёш ҳамда ҳар томондан эсаётган шамолга ўзини-ўзи тутиб туриш. Шунга қарамай, унда ҳар йили ширин-шакар мевалар пишиб етилади, кушлар-чи... кушлар уни жону дилидан севиб, келиб кўнишади, самодаги булутлар бўлса ундан ўз ёғинларини аяшмайди. Мен-чи, мен бўлса йил бўйи фақат синфдан-синфга ўтай деб баҳо олиш учунгина ўқийман. Қани энди мен ҳам дарахт бўлиб қолсам!

Дарахт Собирнинг пичирлаб айтаётган бу гапларини эшитди.

– Эй, Собир! Мен сен ўйлаганчалик ишққмас, дангаса эмасман. Қани сен ҳам дарахт бўлиб кўр-чи! – деди.

Бу фикр Собирга маъкул тушди. Бир-бирига яқин қилиб иккита чоҳ қазиди, сўнгра оёқларини унга тиқиб устига тупроқ тортди ва қаддини ғоз қилиб тик тураверди. У оёқлари остидаги тупроқнинг намлигини ва ҳар сония бўйи

осмонга чўзилаётганлигини дархол ҳис этди. Яна ўзига ўзи пичирлай кетди:

– Буни қаранг-а, кишининг бўйи новча бўлиши қанчалик осон экан!

Собир турган жойида баданини нимадир худди нинадай санчиб-санчиб олаётганини сезди. Аввал оёғида, сўнгра тиззасида санчиқ турди ва сўнг эса бўйнига ўтди. Охири тоқати тоқ бўлди, чидаб туролмагач, кўз қирини тиззасига ташлади: не кўз билан кўрсинки, сон-саноксиз майда чумолилар, бири юқорига, бири пастга ўрмалашиб қувноқ ўйнашарди. Буни кўрган Собирнинг жаҳли чикди. Эгилиб қўллари билан баданидаги чумолиларни ҳайдамоқчи бўлди, бироқ буни кўриб турган дарахт унга деди:

– Сенга эгилиш ҳам, баданингдаги чумолиларни ҳайдаш учун қўлингни ишлатиш ҳам асло мумкин эмас. Дарахтлар ҳеч қачон бундай қилишмайди.

Собир бу гаплардан хижолат тортди, яна қаддини тик қилиб тураверди. Бироз вақт ўтгач, қуёш аста-секин осмонга кўтарила бошлади, унинг тафти ва ҳарорати тобора ортиб, куйдира бошлади. Куннинг қоқ ярмида Собир терга ботиб жуда чанкади. Унинг қарағай суви олдига бориб, ундан тўйиб-тўйиб ичгиси ва юзларини ювгиси келди, бироқ ёнидаги дарахтнинг дашномини эшитди:

– Дарахт сув ичгиси келганда ҳам ҳеч қачон ўз жойидан қимирламайди.

– Айт-чи, унда сен сувни қаердан ичасан?

– Кўп куч сарфлаб тупроқдан шимиб оламан.

Собир нафасини ичига ютди, ютоққанича тик қотиб тураверди.

Бироз вақт ўтгандан сўнг, у ўзининг роса ҳолдан тойганини ҳис этди. Толиққанидан оёқлари дағ-дағ титрай бошлади. Ўтирмоқчи бўлди, аммо дарахт унга қарата:

– Сенга ўтириш мумкин эмас, ахир, чиройли дарахт доимо осмонга ва шамолга бутун вужудини тикади ва ҳамма вақт ўз қоматини букмай тик тураверади, – деди.

Собир ўзини тутолмай йиглаб юборди ва дарахтга деди:

– Мен дарахт бўлишни ҳечам хоҳламайман. Менга юкланган вазифалар жудаям оғир экан. Бу қийинчиликларга чидамайман. У шундай деди-ю, тупрокдан оёқларини чиқара солиб ўзини қарағай суви томон урди. Юз-қўлларини ювиб, тўйгунча сувдан ичди.

Уни кузатиб турган дарахт кулимсираб деди: – Ҳа, тўғри, менинг меваларим ширин, аммо бу ширин-шакар мевалар мендан аччиқ сабр-тоқат, шижоат талаб этади. Лекин, шунга қарамай мен ўзимни дунёда бахтли ҳисоблайман ва ҳамиша фахрланаман!

Собир уйи томон отилди. У уйидаги ҳамма китобларни кунт билан мутолаа қила бошлади. Ўқув йили охирида фарқ пишган ширин-шарбат мевалар унинг кўзларига худди ажойибот ва ғаройиботларга тўла тушдек кўриниб товланди.

Болалар, дарахт бўлиш осон эканми?

II

Собирнинг кўзи ликопчадаги ширинликларга тушиши билан, оғзининг таноби қочди. Ҳолваларнинг мазасини кўз олдига келтира бошлади. Шунда ўзининг касаллиги, онасининг ширинликлар ейишни тақиқлаб қўйганлиги эсига тушди. У ўзини васвасага солаётган бу ҳолатдан қутилмоқ ниятида ташқарига чикиб кетди.

Ҳовлида чанқаб, унга интизор бўлиб боқаётган гулларга сув қуйди. Бу мафтункор чечакларга боқаркан, диллари завққа тўлди. Собир ўз-ўзига деди:

– Мана, гуллар бошларини ҳам қилишди, менинг бўлса ҳалиям қорним оч. Биламан, ликопчадаги ширинликлар жу-

да ҳам мазали! Ҳозир уйга кириб улардан тотиб кўраман.

Мойчечак кўзни камаштирувчи нозик бир жило бирла ўз қоматини кўтара бошлади. Буни кузатиб турган Собир, унга деди:

– Менга айтчи, эй ажойиб гул, – бошим котиб қолди-ширинликлар есам бўладими?

Собир гулга яқин бориб, уни узди, сўнгра эса «егин-емагин, егин-емагин» дея унинг баргларини юла бошлади. Гулдаги охириги баргни бармоқлари билан юлар экан, қувончи ичига сиғмай кичкириб юборди: Егин, егин. У уйга отилиб кирди ва ликопчадаги ҳолваларни паққос туширди.

Кечқурун унинг қорни оғрий бошлади. Касали яна қайталаб қолди. У аввалига, бу ҳақда онасига лом-мим демасликка аҳд қилди. Бироқ дард борган сари зўраявергач, у бор гапни онасига айтишга қарор қилди:

– Ойижон, биласизми, мен хато иш қилиб қўйдим, аниқроғи, мени бошлаб алдашди.

Она ҳайрон бўлиб сўради:

– Ким сени алдади?

– Мойчечак гули мени алдади. Мен ундан маслаҳат сўраш учун унинг баргларини юла бошладим. Охиригиси менга, ҳолваларни есанг бўлади, деб айтди.

– Эҳ, бечора мойчечак! Сен уни узиб олиб, баргларини битта қолдирмай юлиб, яна мени алдади, деб даъво қиляяпсанми? Ахир, сен ўзингни-ўзинг алдадинг-ку!

Собир жимиб қолди, ҳеч нима демади.

– Мен ўғлимнинг бунчалик тентаклигини билмаган эканман, – деди онаси.

Собир онасига эътироз билдирди:

– Йўк, йўк, ойижон! Мен тентак эмасман.

– Ўзи ақли, лекин бу ақли ишлатиш ўрнига гулларнинг баргини юлиб, улардан маслаҳат сўраган болани ким деб атаса бўлади?

– Менимча, ойижон, бундай ишни қилган бола ғирт аҳмоқ бола!

Она бу жавобдан кулиб қўйди ва унга:

– Қани, энди дарров дориларингни ичиб ол, – деб тайинлади.



Изоҳли луғат

ғудрана бошлади – ўзича гапира бошлади

само [а] – осмон, фалак

чоҳ [ф] – чуқур ўра, кудук

сония [а] – вақт ўлчови, дақиқа

мафтункор [а-ф] – кишини шайдо қиладиган, ёқимли



Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг. Собирнинг дарахт ҳақидаги ўйларини матндан топинг.
2. Дарахт билан Собирнинг суҳбатини айтиб беринг.
3. Собир мойчечакдан нимани сўради?
4. Ўйланг, Собирнинг ўрнида бўлсангиз сиз нима қилар эдингиз?
5. Ҳикояга сиз қандай сарлавҳа қўяр эдингиз?

ВАЪДА БЕРДИ

К. Ерсарин

Отаси уйда қолса, Раънонинг севинчи ичига сиғмайди. Чунки у отасини саволга тутгани-тутган. Бугун ҳам шундай бўлди.

– Дадажон, сиз нимани яхши кўрасиз, буғдойними, гулними?

– Икковини ҳам яхши кўраман. Чунки иккови ҳам одамга бирдек азиз. Хоҳласанг, шу ҳақда ҳикоя бор, айтиб бераман.

Раъно рози бўлди.

– Ўтган замонда атиргул билан буғдой бор экан. Улар қайси биримиз яхши деб талашиб қолишибди. Осмондаги қуёш бу масалани одам ечсин, деб икковини Ер юзига юборибди.

Атиргул ва буғдой ерга тушишлари билан ҳолсиз ётган одамни кўришибди. Атиргул унинг тепасига келиб муаттар хид таратибди. Нозик япроқлари билан юзларини силабди. Одам кўзини очиб, гулга қараб жилмайибди-да, яна кўзларини юмибди.

– Кўрдингми, одам менга қараб қулди! – дебди Атиргул. Буғдой эса одамнинг очликдан ўлаёзганини сезибди, унга бошоқларини тутибди. Одам бошоқларни оз-оз чайнаб қувватга кириб, ўрнидан турибди, атиргулни эса чаккасига тақиб олибди.

– Буни кўрган қуёш:

– Одам қизларимнинг кадрига етди. Бундан кейин улар Ер юзида қолсин, – деб амр қилибди. Шундан бери буғдой билан атиргул Ерда яшаб келар экан.

– Дадажон, шунинг учун буғдой ўстирганларни яхши кўрасизми?

– Оббо қизим-ей! Ахир буғдой элу юртимизнинг ризк-рўзи-ку! Ким ғаллани, уни етиштирган ғаллакорларни севмайди?

Отасининг бу гаплари Раънога жуда ёқди. Раъно катта бўлганда, ғаллакор бўлишга ваъда берди.



Изоҳли луғат


муаттар хид [а] – ёқимли хид, хушбўй




Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ичингизда ўқинг. Қайси сўзларни ўқий олмадингиз?
2. Ўқитувчингиз ёрдамида тўғри ўқишни машқ қилинг.
3. Ўйланг, атиргул ва буғдой фикри тўғрими?

Бокқа кирдим: шафтоли, узум
 Шарбатларга тўлиб пишибди.
 Олтин нашватилар, ёкут олмалар
 Узилиб тагига тушибди.
 Шафтоли дер кулиб: – Куз чоғлари
 Шарбат билан лим-лим тўламан.
 Емаган армонда, еган дармонда,
 Минг дардингга шифо бўламан.
 Ишқомлардан мўралаб дейди
 Етишган хусайни узум:
 – Хуснда тенгсизман, менга қара,
 Нақ олмосдай товланар юзим.
 Бизни тўйиб есин шу дехқонлар,
 Шаҳардаги ишчилар есин.
 Ўзимиз тер тўккан ҳалол меҳнатнинг
 Ҳосилоти, меваси десин.

 **Изоҳли луғат**

- нашвати – нокнинг сершира, сувли, сарик, қизил ёки сарғиш кўк йирик нави
 ишқом – тоқларни кўтариб қўйиш учун поя ва бағазлардан қурилган арксимон сўри
 ҳосилоти – ҳосили

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Шеърдаги сўзларни тўғри ва сидирға ўқинг.
2. «Емаган армонда, еган дармонда» гапини қандай тушунасиз? Куз меваларини сананг.
3. Ўйланг, шеърға сарлавҳа тўғри қўйилганми?
4. Шафтоли ва узум ҳақида 3 гапдан иборат эссе ёзинг.
5. Шеърни ёд олинг.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Сўз шаклини бузмай ўқиш деганда нимани тушунасиз?
2. Сўзга қайси товушларни кўшиб ўқиб бўлмайди?
3. Қайси сўзларни ўқиганингизда товушлар тушиб қолади?
4. Қайси сўзларни ўқиганингизда ортиқча товуш кўшиб оласиз?
5. Матнни тўғри ўқиш учун нима қилиш керак?
6. Қуйидаги расм дарсликдаги қайси мавзуга оид?

Мақоллар

Сабр – умр хазинаси.

Сабр этган етар муродга
Бесабр қолар уятга.



ИФОДАЛИ ҶУКИШНИ ҶУРАНИНГ

АХИЛЛИК – УЛУҒ БАХТ

(қирғиз халқ эртаги)

Қадимда донишманд бир чол ўтган экан. Унинг етти ўғли бор экан. Лекин улар оталарининг сўзига кирмас, ҳар қайси-си ўзича иш тутар экан. Катталари кичикларини дўппослаб, кичиклари катталарига қарши бўлиб юраркан.

Одамлар ақлли чолнинг ўғиллари хўп аҳмоқ бўлиб ўсяпти-да, деб, ёлғиз учратганда уларга танбеҳ беришаркан.

Кунлардан бир кун чол ўрмонга борибди-да, йўғонлиги бош бармоқдай келадиган новдалардан еттитасини қирқиб келибди. Сўнг, ўғилларини чакирибди.

– Болажонларим, – дебди у, – сизларнинг кучларингни синаб кўрмоқчиман. Мана шу еттита новдани бир даста килиб синдиришлар-чи, – дебди.

Ўғиллари навбат билан уриниб кўришибди, лекин уддасидан чиқиша олмабди. Сўнгра отаси ўғилларига биттадан новда берибди, ўғиллар уларни бирпасда синдиришибди. Шундан кейин ота ўғилларига:

– Мана, кўрдингизми, битта новдани тез синдиридингиз, дасталанганига эса кучингиз етмади. Агар бирлашиб, аҳил яшасанглар, ҳеч қандай душманнинг кучи сизларни даф килолмайди, – дебди.

Чол орадан сал ўтмай дунёдан ўтибди. Ўғиллари эса инок яшай бошлашибди. Кичиклари катталарининг сўзига кулок соладиган, ҳаммалари ишлаб, бир-бирларига кўмаклашадиган бўлишибди.

Шундан кейин қирғиз халқи «Аҳиллик – улуғ бахт» деган нақлни тез-тез такрорлайдиган бўлибди.



Изоҳли луғат

танбех беришаркан – айбини айтишаркан
 даф килолмайди – енга олмайди
 кўмаклашадиган – ёрдамлашадиган



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Эртақдан чол ва ўғиллари нутқини аниқланг.
2. Чол ўғилларининг хатоси нимада?
3. Чол новдаларни ўғилларига нима учун дасталаб берди?
4. Эртақдан қандай хулосага келдингиз?
5. «Аҳиллик – улуғ бахт» нақлининг маъносини тушунтиринг.
6. Сиз шу мазмундаги эртақни биласизми?



Матни тўхтамларга риоя қилиб ўқинг.
Тўхтам – дам олиш, / – тўхтам белгиси

АҚЛ ВА БОЙЛИК

(Ўзбек халқ эртак)

Бир чолнинг/ тўрт ўғли бор экан/ Бир куни чол/ ўғилларини олдиға чакириб/

– Ўғилларим/ мен қариб-қартайиб қолдим/ – дебди/ – орангиздан биттангиз оила бошлиғи бўлишингиз керак/ Ким ақлли ва давлатманд бўлса/ у менга меросхўр бўлади/ хар қайсингиз менга/ ақлли ва давлатли эканлигингизни кўрсатинг/

Энг катта ўғли/ зумрад кўзли олтин узук таккан қўлини узатиб/

– Мана менинг бойлигим/ бой одамда ақл ҳам бўлади/ – дебди/

Иккинчи ўғли зарбоф чопонини кийиб кўрсатибди/

– Шу пайтда мени кўрган киши/ бойлигимга ва ақлимга койил бўлади/ – дебди/

Учинчи ўғли /кумуш ва жавохирлар қадалган камарини белига боғлаб/

– Ҳеч ким умрида /бундай камарни кўрган эмас/ – дебди/

Чол бошини чайқаб/ катта ўғилларига бир нима демабди/ Кенжа ўғлига қараб/

- Нега сен индамайсан?! Сен қайси бойлигинг билан мактанасан?! – дебди/

– Менда зумрад кўзли узук ҳам йўқ/ зарбоф чопон ҳам йўқ/ кимматбаҳо камар ҳам/

Лекин меҳнаткаш кўлим бор/ ботир юрагим/ ақлли бошим бор/ – дебди/

Кенжа ўғилнинг жавоби чолга ёқибди/ бор-йўғини унга мерос қолдирадиган бўлибди/ Катта ўғилларига эса/ унинг сўзидан чиқмасликни тушунтирибди/



Изоҳли луғат

меросхўр [а] – мерос олишга ҳаққи бўлган киши, ворис

жавохирлар [а] – кимматбаҳо тошлар

зарбоф [ф] – зардан ёки зар қўшиб тўкилган мато, кимхоб



Савол ва топшириқлар:

1. Эртақни тўхтамакларга риоя қилиб ўқинг.
2. Чолнинг 4 ўғлининг жавобларини солиштиринг.
3. Сизга қайси ўғилнинг жавоби ёқди? Нима учун?
4. Эртақдан қандай хулоса чиқардингиз?

Мақол

Мол-мулк билан эмас, ақл билан бой бўл.

АЛПОМИШ

(Ўзбек халқ достонидан парча)

Қадим ўтган замонда Алпинбий деган киши ўтган экан. Унинг икки ўғли бўлган экан. Бирининг оти Бойбўри, иккинчисиники Бойсари экан. Катта бўлгач, улар уйланишибди, фарзандли бўлишибди. Бойбўрининг эгизакларига Ҳакимбек ва Қалдирғоч ойим деб, Бойсарининг қизига эса Барчиной деб исм қўйишибди...

Болалар кундан-кун ўсди. Ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига, иккидан учга кирди. Тиши чиқиб, элга эниб, тили чикканидан кейин, учовини ҳам мактабга беришди. Булар мактабда ўқиб юриб, етти ёшга кирди. Саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди. Шунда Бойбўрибой: «Энди ўғлим саводи чиқиб, мулла бўлди, унга энди шоҳлик, сипоҳлик илмини ўргатайин», – деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига тақлид қилди. У ҳам Ойбарчин кизини мактабдан чиқариб олди. «Қизимга Кўккамиш кўлида қўй соғдириб, чорвачилик ишини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин», – деди.

Ҳакимбек етти ёшга киргач, Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринждан бўлган парли ёйни олди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шу ўн тўрт ботмон ёйни кўлига ушлаб, кўтариб тортиди, тортиб кўриб, қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндек бўлиб кетди, Асқар тоғининг катта чўққиларидан бирини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди.

Буни эшитган душманлари: «Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қиладими?!» – деб хафа бўлиб ётди. Дўстларининг вақти хуш бўлиб юрди.

Шунда барча халойиқ йиғилиб келиб айтди: «Дунёдан бир кам тўксон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Охири Алпомишбек

алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшда Алпомиш от кўйилди. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп аталди.

Алпомиш қадди-қоматли, пахлавон йигит бўлиб ўсди. Барчинойга меҳр кўйди. Душманга қарши шундай кураш-дики, доврўғи тилларда дoston бўлди...



Изоҳли луғат

биринждан – бронзадан



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг, Қайси ўринларда овозни пастлатиш мумкин? Аниқланг.
2. Алпомиш «алп» деб аталишининг сабабини тушунтиринг.
3. Алпомишнинг мардлиги ифодаланган ўринларни матндан топиб ўқинг.
4. Алпомиш сизга ёқдими? Нима учун? Фикрингизни исботланг.
5. Алпомиш билан Манасни қиёсланг?

СУВ БИЛАН СУХБАТ

Зафар Диев

– Ҳой, сен, жийрон тойчамдек
Ўйнаб-ўйнаб окқан сув,
Далаларга байрамдек
Гулдан безак такқан сув;
Қулоқ солгин сўзимга,
Нега бунча шошасан?
Қаердан бу келишинг,
Қирғоқлардан тошасан?
– Яхши бола, тойчангдек
Ўйнаб-кишнаб келишим,

Қир, адирлар оралаб
Шамол каби елишим, –
Кўрасанми, ху ўша
Оппок қорли тоғлардан,
Шошиб оқиб келаман
Далалардан, боғлардан...
Далаларга байрамдек.
Гулдан безак таккан сув,
Ундай бўлса тўхтама,
Ўйнаб-кулиб оқабер,
Ғўзаларнинг кўксига!
Гулдан безак тақабер!



Изоҳли луғат

жилоланиб [а] – силлик ёки сайқалланган, пардозланган
нарсa сиртининг ялтираши

манзил – борадиган жой

безак – зийнат берувчи буюм (бу ерда ғўза кўксига
такиладиган гуллар ҳақида).



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърдаги сўзларга урғу белгисини қўйиб ўқинг.
2. Сувни қандай оқишни сўзлаб беринг.
3. Сувнинг ўсимликлар ҳаётидаги ролини биласизми?
4. Шеърни ролларга бўлиб ўқинг.
5. «Сув, гул, дала, шамол» сўзларини қирғиз, рус тилига таржима қилинг.

Топишмоқ

Ойна эмас, жимирлар,
Тек туrolмас кимирлар.

Мустакил ўқиш

ХАССА

Худойберди Тўхтабоев

Қобил бобонинг икки набираси – Шавкат билан Шухрат кўшни хонада ўйнаб ўтиришар эди. Нима бўлди-ю, икковлари баҳслашиб қолишди.

Шавкат югуриб бобосининг олдига чикди-да:

– Бобо, бобо! Ким одобли, менми ёки Шухратми? – деб сўради.

Қобил бобо ҳовлига чиқмоқчи бўлиб турган эди. Унинг кумуш халқа қадалган ҳассаси Шавкат билан Шухрат ўйнаб ўтирган уйда эди.

– Ўғлим, аввал менинг ҳассамни келтириб бер, кейин мен ўйлаб жавоб бераман, – деди набирасига.

– Йўқ аввал айтасиз! – оёқлари билан полни тепиб туриб олди Шавкат.

– Ахир, ўйлаб кўриш керак-да, – деди Қобил бобо.

– Бўлмасам ҳассангизни келтириб бермайман. – Шавкат кайсарлик билан полга ўтириб олди. – Келтириб бермайман!

Қобил бобо ҳассасини келтириш учун ўрнидан эндигина кўзгалган эди, шу пайт хонага, бобосига салом бериб, Шухрат кириб келди.

– Ўғлим, ҳассамни сен келтириб бер! – деди Шухратга бобоси.

– Хўп бўлади, бобожон! – деди Шухрат бобосининг гапи тугамасданок.

У кумуш халқа қадалган ҳассани дарров келтириб бобосига берди. Кейин ўрнидан тураётган бобосининг кўлидан ушлаб туришга ёрдамлашди.

Раҳмат ўғлим, – деб Қобил бобо набирасининг пешонасидан силади, – умринг узоқ бўлсин!

– Бобо, ким одобли? Менми ёки Шухратми, айтинг ахир!
– дер эди Шавкат ер тепсиниб.

Қобил бобо кумуш халқа қадалган хассасини дўқкилатганича ховлига чиқаркан:

– Шухрат одобли! – деб жавоб берди.



Савол ва топшириқлар:

1. Болалар, Шухрат ва Шавкатга тавсиф беринг.
2. Кимдан ўрнак оласиз?

СУҲБАТ

(Эртак)

Яйра Саъдуллаева

Бир бор экан, бир йўқ экан, сувлари тиниклигидан тагидаги тошларигача кўриниб турган ҳовузча бўйида тол билан мажнунтол ўсган экан. Улар ниҳолликдан бирга камол топган, бири ҳовузчанинг у бетида бўлса, бири бу бетида туриб кўшничилик қилишаркан. Ўтган-кетганлар уларнинг қадди-бастларига суқланиб-суқланиб қарашаркан, тағларида маза қилиб дам олиб кетишаркан. Толлар ҳам бир-бирларига қараб бўй олишаркан.

– Ўртоқ, ўртоқ, – дебди тол мажнунтолга кунлардан бир кун, – сени қачондан бери биламан. Нега доим бошингни эгиб турасан, қаддингни сира ростламайсан? Кўпинча паришон кўринасан?

– Йўғ-е, ўртоқжон, сен ўйлаганчалик паришон эмасман. Бошим эгиклиги одамларга бўлган муҳаббатимдан, уларни ҳурмат қилганимдан олдиларида бошимни эгиб тураман. Айниқса, барвақт туриб ойисига ёрдам берган болаларни кўрсам, йиғламасдан боқчасига кетаётган кичкинтойлар

ёнимдан ўтишса, хурсанд бўламан. Бошим эгиклиги яхшиларга таъзимим.

– Нега бўлмаса, кечаси ҳам бошингни кўтармайсан?

– Тунлари мен ёғду сочган юлдузларга салом бераман. Тун ҳамроҳи Оймомани қутлайман.

– Қара, шунча гапинг бор экан-ку, мен ҳамиша хомушсан, дебман.

– Мени кўриб, кишилар ором олсин, кўнгли тинчлансин, дейман. Айтмоқчи, нега сен менга ўхшаб бош эгмайсан, нукул тепага, ён-верингга қараб ўсасан?

– Мен ҳам одамларнинг кунига ярай, дейман. Новдаларим етилгач, уни кесиб оладилар.

– Тананг зирқирамайдими?

– Йўғ-е, аксинча баҳра оламан. Янги қанотлар чиқараман. Пояларим кимнингдир янги қурган уйига керак бўлади, кимнингдир токини кўтаради. Кишилар кунига ярашим бу – менинг бахтим.

Иккала ўртоқ узоқ суҳбатлашишди. Улар кишилар учун хизмат қилишларидан ғоят мамнун эдилар.



Изоҳли луғат

паришон [ф] – хаёли таркок, ўйчан



Савол ва топшириқлар:

1. Эртакни ўқинг ва ролларга бўлинг.
2. Эртак бошланиши ва тугалланишига эътибор беринг ва қайта ўқинг.
3. Тол ва мажнунтолнинг асосий сўзларини жадвалга солинг.
4. Тез ўқишни машқ қилинг.

ҚУРБАҚА ВА ЧУМОЛИ

(Масал)

Қадим битта қурбақа
Қиш куни оч қолибди.
Овқат тополмай жуда
Оёқ-қўли толибди.
– Эй дўстим Чумолибой,
Уйингга буғдой тўлгур,
Агар бўлсанг бемалол,
Қарзга ул-бул бериб тур.
Икки ҳисса ошириб
Қарзимни тўлай ёзда.
Очликдан силлам қуриб,
Ўлиб қолмай аёзда.
Раҳми келиб Чумоли
Берибди пича овқат.
Қурбақага кейин у
Дебди жиндек маслахат:
– Оғайни, сенга бир гап:
Ёзда кўп қилмай «вақ-вақ»,

Қиш ғамини ўйласанг,
Рўзғоринг бўлади ғарк.
Унинг маслахатини
Қурбақа маъқул дебди.
Чумолидан олганин
Анча вақт аяб ебди.
Қиш ўтиб, ўтиб баҳор,
Пойлаган ёз келибди.
Унинг вақ-вақасига
Ёз роса соз келибди.
Чумоли гапин тамом
Унутибди қурбақа.
Ўтказибди ҳам ёзни
Қилавериб, «вақ-вақ».
Чумоли-чи, ёз бўйи.
Қишлигини ғамлабди.
Қишга овқат йиғишни
Қурбақа ўйламабди.



Қурбақа шу ҳолича
Қишга кирибди куруқ,
Ташқари ёзмас, аёз,
Чикса, ачитар совук.
Еёлмасдан қиш гамин
Бўлибди хўб пушаймон.
Бермай Чумоли қарзин
Қурбақа ўсал-хайрон.
Яна ўтган йилгидай,
Маймун йиғлар ҳолига.

Қаранг, тағин уялмай
Борибди Чумолига:
– Ўртоқ, кечир бир сафар,
Тўлолмадим қарзимни,
Кел, келар ёз тўларман,
Яна тингла арзимни.
Афсус, Чумоли энди.
Тингламабди арзини.
Хатто хафа бўлгандан
Сўрамабди қарзини.



Изоҳли луғат

аёз – ҳавонинг очик ва аччик совук пайти, қора совук
талай – анча, кўп, кўпгина



Савол ва топшириқлар:

1. Масални урғу белгисига риоя қилиб, ролларга бўлиб ўкинг.
2. Масалнинг мазмунини айтинг.
3. Чумоли иккинчи марта қурбақанинг арзини тингламай тўғри қилдимиз?
4. Қурбақа билан чумолини тасвирланг.
5. Қурбақа ва чумоли рус ва қирғиз тилида қандай номланади? Луғат тузинг.

СҲҲҲҲ

Сиз «Манас» достони ҳақида эшитгансиз. «Манас» қирғиз халқининг энг қадимги қаҳрамонлик эпосидир. Ҳажм жиҳатидан унга тенг келадиган дoston йўқ.

Манаснинг келгуси авлодлар учун қилган 7 васиятини ҳам биласиз. Манас ўз халқини ёвуз душманлардан сақлаш учун кўп курашган. Жангларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган. Манаснинг ўғли Семетей бўлган. У ҳам отаси-

нинг йўлидан бориб, ўз халкининг озодлиги, бирлиги учун жонини ҳам аямаган. Дўстлик, қахрамонлик, адолат унинг асосий шиори бўлган.

Манаснинг невараси, Семетейнинг ўғли Сейтек бўлган. У ҳам бобоси ва отасининг ишларини давом эттирган.

Сейтеكنинг савлати отаси Семетейнинг савлатидан ҳам зўр бўлган. Мардлик, ботирликда унга тенг келадиган одам бўлмаган.

Сейтеكنинг ёвуз душмани бўлган Сарибой ҳам Сейтектан енгилиб, унинг қахрамонлигига қойил қолиб шундай дейди:

Сахий кирғиз элига	Арслон эдим, нолидим,
Темир дарвоза каби	Чопиб юриб йиқилдим,
Қалқон экан эр Сейтек.	Кураш бошлаб буқилдим,
Толмас эдим, ҳоридим,	Бугун жангдан қувилдим.

Ана шундай: Сейтек душманларига қирон келтирувчи, боскинчиларни тиз чўктирувчи мард ўғлон бўлган.



Изоҳли луғат

мислсиз – ўхшаши йўқ, бекиёс
қалқон – кўксини тутиб ҳимоя қилмоқ
қирон келтирувчи – душманларни кийратувчи, йўқ
килувчи



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Қайси ўринларда овозни баландлатиш мумкин? Аниқланг.
2. «Манас» эпоси ҳақида нималарни биласиз?
3. «Сейтек» кимнинг набираси бўлган?
4. Сейтеكنинг мардлиги ифодаланган ўринларни матндан топиб ўқинг.
5. «Элига қалқон Сейтек» мавзусида 5 гапдан иборат эссе ёзинг.



ЧУМЧУҚЧА

(Эртак)

Малик Муродов

Бор экану, йўқ экан. Бир уйнинг бўғотида чумчуқ оиласи яшаркан. Полопонлар дўппига ўхшаган инда ота-оналарини пойлаб ётишаркан. Ота билан она галма-гал овқат ташишар экан...

Чумчуқ болалари аста-секин майин пар чиқаришибди. Кейин қалин патлар кийиб олишибди. Бир кун энг катта чумчуқ бола таваккал қилиб инидан сакраб ерга тушибди. Унинг ҳеч қаери оғримабди. Чунки у секин тушибди. Унинг секин тушишига қанотлари ёрдам берибди. Унинг ўз ҳолича овқат еётганини кўриб ота-онаси хурсанд бўлибди. Буни кўрган бошқа чумчуқ болалари ҳам инидан тушиб келишибди. Ота-онаси улар олдида «чирик-чирик-чирик» деб парвона бўлибди. Бу «чирик-чирик» дегани – яшанглар, болаларим», – дегани экан.

Шу тарзда орадан бир неча кун ўтибди.

Бир куни Аҳмад деган бола қўлида рогатка билан келиб қолибди. У текканга тегиб, тегмаганга кесак отар экан.

Аҳмаднинг дарахтда шохдан шохга кўниб, курт-кумурска териб, яйраб ўйнаб юрган чумчуқларни кўриб ғаши келибди. Чўнтагидан рогаткасини олибди-да она чумчуқни мўлжаллаб тош учирибди. Буни энг катта чумчуқ бола сезиб қолибди. У кўксини қалқон қилиб, онасини тўсибди. Лекин тош зарбидан шу заҳоти питирлаб йиқилибди.

Аҳмад севиниб: «Тегди, тегди!» – деб кичкирибди. Лекин ўзига қараб ириллаб келаётган итни кўриб қочиб қолибди. Она чумчуқ боласи олдида гир-гир айланибди. Боласининг бир оёғи синган экан, Чумчуқча бир неча бор «чирик-

чирик» дебди. Бу: «Онажон, сиз мени дунёга келтирдингиз, боқдингиз, ўстирдингиз. Сиз учун жонимни беришга тайёрман», – дегани экан.

Шу пайт ит чумчуқчани аста лабига қисибди-да, эгаси Раҳимжоннинг олдига олиб борибди. Раҳимжон дарров чумчуқчанинг оёғига чўп боғлабди. Яшикка солиб бокибди. Она чумчуқ ҳам овқат келтириб турибди. Ҳозир чумчуқча тузалиб кетганмиш. Энди у ўзи мустакил яшармиш. Лекин ҳар куни онасига салом бериб, Раҳимжонга раҳмат айтиб ўтишни сира унутмасмиш.



Изоҳли луғат

бўғот – камиш солиб ёпилган томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми

полопон – паррандаларнинг ҳали пат ва канот чиқармаган болалари

калкон қилмоқ – ёвнинг ҳужумидан ҳимоя қилмоқ



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ичингизда ўқинг. Қайси ўринларда нафас олишни аниқланг.
2. Чумчуқча онасига қандай миннатдорчилик билдирди? Матидан шу ўринни ўқинг.
3. Аҳмадга қандай баҳо берасиз?

КАКЛИКНИНГ УЯСИ

Сооронбай Жусуев

Кеча ўтин кўтариб,
Келди Бектур шодланиб,
Қишлоқдаги болаларга,
Шундай деди мактаниб:
Какликнинг уясини,
Излаб топдим мен охир.

Бироқ тухумларини,
Олмай келдим мен hozир.
Оқ дока бойланган,
Хивич санчиб қўйганман.
Эртага у уяни,
Топиб оларман осон.

Товуқнинг тухумларин,
Кўп еб кўнгилга тегди.
Какликнинг тухумларин,
Кўринглар эрта ейман.

Биз Болтабек иккимиз –
Яширинча югурдик.
Бектур айтган жойга тез,
Тонгда шошиб етдик биз.

Оқ докали хивични,
Бошқа жойга сайганмиз.
Биз Бектурни уядан,
Адаштириб қўйганмиз.

Тухумларнинг ҳаммасин,
Каклик очиб чикқандир.
Тошдан тошга сакрашиб,
Эркин сайраб юргандир.



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Ўйланг Бектурнинг каклик тухумларига белги қўйгани тўғрими?
2. «Чумчук» хикоясидаги Аҳмад билан Бектурни солиштиринг.
3. Сиз Болтабек ўрнида бўлсангиз нима қилар эдингиз?

СОЙ СУВИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Зоҳир Аълам

Бир бор экан, бир йўк экан, қадим замонда бир дехқон бўлган экан. У бойнинг зулмидан қочиб, бола-чақаси билан тоғнинг этагига келиб жойлашибди. Тоғнинг усти дарахтзор экан, ёнидаги сойдан эса шарқираб сув оқар экан. Дехқон дарров тўрт танобча ерни хайдабди, сойдан сув олиб суғориб, экин экибди. Кейин эса тоғдаги дарахтларни кесиб уй қурибди. Ҳовли теварагини четан девор билан ўраб олибди. Дарахтларнинг анча-мунчасини бозорда пуллабди.

Шу орада бир йил ўтибди.

Келаси баҳорда дехқон ерини хайдаб, суғормокчи бўлган экан, қараса, сойда сув йўк эмиш.

– Эй сой, менга сув бер, экиними суғорай, – дебди дехқон сойга.

– Мен сувни сенга қаердан олиб бераман? Яхшиси, ёмғир ва қордан сўра. – жавоб қилибди сой.

Дехқон ёмғирдан сув сўраган экан, у шундай деб жавоб берибди:

– Эй одам! Менинг сувим нима бўларди? Бир шариллаб тушади-ю, тезда оқади-кетади. Сойга хайқириб оқадиган сувни қор беради. Сен ўшанинг олдига бор!

Дехқон қорнинг олдига борибди.

– Эй қор! – дебди. – Сен сойга сув бер. Мен экиними суғорай.

Бу гапни эшитиб қорнинг аччиғи келибди. Қошларини чимириб шундай дебди:

– Ёмғир ҳам, мен ҳам бу йил меъёрида ёғдик. Лекин намни ушлаб турадиган дарахтларни ўзинг кесиб кетдинг. Қорларимни тақсимлаш – дарахтларнинг иши.

Дарахт бўлмаса, кишда ёққан қор баҳорда эриб оқиб кетади. Сойга сув келмаганига ўзинг айбдорсан.

Дехқон ўйлаб туриб, қорнинг гапи ростлигига ишонч ҳосил қилибди. Кейин уйига қайтибди-да. Бир талай кўчат келтириб, тоққа экиб ташлабди. Улар тез ўсиб, катта-катта дарахтларга айланибди.

Шундан кейин сойдан ёз бўйи сув оқадиган бўлибди. Дехқон эса хоҳлаган пайтда экинини суғориб, бола-чақаси билан яхши ҳаёт кечирибди.



Изоҳли луғат

таноб [а] – турли ерларда турлича қийматга эга бўлган ер ўлчови

четан девор – тол, тут новдаларидан ясалган девор



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Гапларни ўқийтганда нафас тақсимлашни ўрганинг.
2. Сой сувининг қуриб қолиш сабабини аниқланг?
3. Дехқон сойга қандай қилиб сув келтирди?
4. Эртақда иштирок этган тимсолларни аниқланг ва ролларга бўлиб ўқинг.
5. Ўйланг, дарахтларнинг яна қандай хусусияти бор?

Мустақил ўқиш

КЎЧАТ ЎТҚАЗ

Сафар Барноев

Турли-турли ниҳолга
Боғимиз тўлсин десанг,
Шарбат тўла мевалар
Яна мўл бўлсин десанг,
Кўчат ўтқаз!

Ёшлигининг энг азиз –
Қимматли дамларида,

Гул унсин десанг агар –
Босган кадамларингда –
Кўчат ўтказ!

Дўстларинг хавас билан
Сендан олсинлар ўрнак.
Ҳар гунча ёшлигингдан –
Берсинлар десанг дарак,
Кўчат ўтказ!



Сўзларни бурро талаффуз қилинг

МАҚОЛЛАР ВА ТОПИШМОҚЛАР

* * *

Дўст ачитиб гапирар,
Душман – кулдириб.

* * *

Олтин - кумушнинг эскиси бўлмас.

* * *

Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келганча тера олсанг бас.

* * *

Тилсиз, ақл ўргатар.

* * *

Сандик тўла писта-бодом,
Очиб кўр, бўлсанг одам.
Хосияти кўп, олам-олам,
Териб ол уни ҳар дам.

* * *

Олмасанг ярим нафас,
Йўлдан ўтгани қўймас.



Савол ва топшириқлар:

1. Мақолларни ўқинг, мазмунига кўра гуруҳланг.
2. Топишмоқларни ўқинг ва жавобини топинг.
3. Мевалар, нарса-буюмлар хақида топишмоқ тўқинг.



Тимсоллар ҳолатини оҳанг ёрдамида акс эттиринг

ОДОБЛИ ТУРҒУН

Ойбек

Мақтабидан келарди Турғун,
Папка тўла китоб, дафтари
Ер лой эди, йўли ҳам узун,
Лекин дадил босар илгари.
Жуда хурсанд борарди Турғун,
Чунки ёзув, ўқув, ҳисобдан
«Беш» баҳони олганди бугун.
Фикрин узмас у китобидан.
Турғун бирдан кўрди шу йўлда.
Мункиллаган бир чол борарди,
Бир кўлида хасса, бир кўлида
Тугуни бор – каловланарди.

Салом берди ҳам деди Турғун:
– Тугунни мен элтай бобожон.
Чол қаради ва кулди бир зум:
Кўтарасан? Қара, йўл ёмон.
Турғун кулиб гапирди шу дам:
– Ёшман, бобо, кучим қайнайди,
Оёқларим ҳамма вақт илдам,
Лойни, сувни писанд килмайди.
Чол тутқизди тугунни шу чоғ,
Кўлтиқлади Турғунжон маҳкам.

Бир эшикда тўхтади бобо,
 Тугунини олмасдан бурун
 Қўлин очиб у килди дуо:
 – Яша, ўғлим. Умр кўр узун
 Ибн Сино каби олим бўл,
 Отангга ҳам, онангга раҳмат!
 Шунда Турғун қовуштирди қўл:
 – Хайр, бобо, арзимас хизмат.
 Кейин чопди ўз уйи томон.
 – Ўғлим, нега кеч қолдинг бугун?–
 Деб сўради она меҳрибон.
 Айтиб берди ўз ишин Турғун.
 Қучиб, ўпиб сўзлади она:
 – Ҳурмат қилгин ҳар бир кексани.
 Ёрдамингни ҳеч вақт аяма,
 Шунда кўпроқ севаман сени.



Изоҳли луғат

- мункиллаган – қарилик натижасида кучдан кетиб мункай-
 моқ, букчайиб қолмоқ
 илдам – тез ҳаракат қиладиган, бошқалардан тезроқ
 юрадиган, чаққон
 қовуштирмоқ – қўлни, беш панжани бирин-устун кесиш-
 тирган ҳолда тутмоқ

Абу Али ибн Сино – бухоролик машҳур олим (980–1037)



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ролларга бўлиб ўқинг ва мазмунини айтиб беринг. Кекса чол ҳолатини оҳанг орқали кўрсатинг.
2. «Хурсанд, илдам, инок, кекса» сўзларини бошқа қайси сўзлар билан алмаштириш мумкин.
3. Сиз кексаларга ёрдам берганмисиз?

ОҚҚУШ, ЧЎРТАН БАЛИҚ ВА ҚИСҚИЧБАҚА

(Масал)

Иван Крылов

Ўртоқлар ўзаро бўлмаса иноқ,
Уларнинг ишлари ўнгмайди мутлақ.
Иш ўрнига фақат ортади ташвиш...
Бир кун қисқичбақа, Чўртан ва Оккуш
Юкли аравани тортмоқ истади.
Унга учов қўшилиб, юра бошлади:
Зўр бериб уринди ҳарчанд уч ўртоқ,
Арава енгилу, силжимас бироқ!



Сабаб: Оккуш кўкка қиларди парвоз,
Қисқичбақа ортга тисланар оз-оз.
Чўртан балик сувга шўнғиш пайида.
Ким ҳақу, ким ноҳақ – ҳукм этмаймиз.
Лекин юк кўзғалмас жойидан хануз!



Изоҳли луғат

мутлак [а] – асло, ҳеч, сира
 харчанд [ф] – ҳар қанча, кучи бориҷа
 тисланмоқ – орқаси билан юрмоқ
 хануз [ф] – шу вақтгача, ҳозиргача



Савол ва топшириқлар:

1. Масални ўз сўзингиз билан ҳикоя қилиб бering.
2. Масални қисмларга ажратинг ва сўзланг.
3. Оккуш, чўртан балиқ ва қисқичбақа аравани жойидан кўзғата олиш учун нима қилиш керак эди?
4. Ноаҳиллик қандай оқибатларга олиб келади?
5. Масал қаҳрамонларининг рус, қирғиз тилидаги номларини айтинг. Луғат тузинг.

БОЛАМ

Бердақ

Талтаймагин эрка бўлиб,
 Йиғламагин тўлиб-тўлиб,
 Қолмасин оч, рангинг сўлиб,
 Мард бўл ёшлиқдан, эй болам!

Ёмон бўлиб тушма кўзга,
 Доғ қўндирма оппок юзга,
 Учма асло ёлғон сўзга,
 Ёмондан қоч, ёшдан болам!

Ишла, манглайдан оқсин тер,
 Яхши-ёмонни синаб юр,
 Яхшиларга қўлингни бер,
 Шунда йўлинг бўлар, болам!

Ёмонларга ҳеч сир айтма,
 Сўз келганда, сўздан қайтма.

Дўстингни асло мунғайтма,
Шунда бахтинг кулар, болам!

Элни қошингдан қочирма,
Йўқ деб, борингни яширма,
Кувлик, шумлик йўлига кирма,
Оқкўнгил бўл доим, болам!

Отангдан панду насиҳат:
Қўлдан келса, бўл боҳиммат,
Бировлар қилмасин уят,
Эртангни кўп ўйла, болам!



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ифодали ўкинг.
2. Шеърдаги насиҳатларни ажратиб ёзинг?
3. Ота-онангиз сизга қандай насиҳат қилади. Уларга амал қиласизми?

Бўлим юзасидан такрорлаш:

1. Тўхтам нима?
2. Матнни ўқишда қачон овоз пастлатилади?
3. Урғу белгиси сўзларга қандай қўйилади?
4. Урғу белгиси қўйилган бўғинлар қандай ўқилади?
5. Нафас қандай таксимланади?
6. Мақол ва топишмоқларни ифодали айтинг.
7. Ўртоғингиз билан диалог тузинг.
8. Ёд олган шеърингизни ифодали айтинг.

МАТН МАЗМУНИНИ ТУШУНИБ ЎЎҚИНГ, ИДРОК ҚИЛИНГ, ҚИСМЛАРГА БЎЛИНГ



Матнни идрок қилиш – матннинг бошланиши, асосий нуқтаси ва якуини белгилаш

КИТОБ

Малик Муродов

Ўтган замонда бир подшо вазиру уламоларини ёнига чақирибди. Подшо уларга: «Дунёда энг зўр, керакли ва ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нима?» – деб савол берибди.

Кишилар у дейишибди, бу дейишибди. Бирови дунёда энг зўр – қилич деса, иккинчиси – энг керакли – нон, дебди. Учинчиси эса ҳамма нарсадан хабар берувчи нарса – ойнаи жаҳон, дебди.

– Уч кун муҳлат бераман, – дебди подшо ҳеч кимнинг жавоби ёкмаганлигидан дарғазаб бўлиб.

Қўшни подшоликда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшар экан. Ундан вазирнинг хабари бор экан. Вазир подшонинг саволларига шу донишманд жавоб бера олишига ақли етибди ва уни излаб топибди. Унга подшонинг саволларини айтибди.

Донишманд ҳеч иккиланмай: – Китоб, дебди.

Чунки китоб билим беради. Дунёдаги энг қудратли нарса эса билимдир, – дебди.

Донишманднинг жавоби подшога ҳам маъқул тушибди.



Изоҳли луғат

уламолар [а] – олим, олимлар
дарғазаб бўлмоқ [а] – газаби келмоқ



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг, мазмунини айтинг.

2. Подшонинг истагини аниқланг?
3. Матндан донишманднинг жавобини топинг ва ўқинг.
4. Подшонинг саволига сиз нима деб жавоб қилган бўлардингиз?
5. Уйингизда китоб ҳақида мақол, топишмоқлар ёзиб келинг.

КИТОБ

Али Токомбаев

Билмаганим билдирган,
 Мурғак дилга нур берган,
 Оқ булут қанотида
 Ойга томон учирган –
 Китоб менинг дўстимдир,
 Ундан онгим ўстирдим.

Ҳаёт учун шайлаган,
 Тилим бурро айлаган,
 Бошим кўкка етकिзиб,
 Ҳиммат билан сийлаган –
 Китоб менинг дўстимдир,
 Ундан онгим ўстирдим.

Илм хазинасидан
 Баҳра топдим эрк билан.
 Урушларга чек қўйиб,
 Тўғри йўлни кўрсатган –
 Китоб менинг дўстимдир,
 Ундан онгим ўстирдим.

Қўлдош Мирзо таржимаси



Изоҳли луғат

мурғак [а] – нимжон, ҳали қувватга кирмаган
 бурро – аниқ, равшан, ўткир, бийрон
 ҳиммат – яхшилик, ёрдам, саҳоват
 баҳра [ф] – фойда, манфаат, наф



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърнинг тиниш белгиларига эътибор бериб, ифодали ўқинг.

2. Шеърнинг бошланиши ва якунини аниқланг.

3. Шеър мазмунини айттинг.

САХИЙЛИК

Абдулла Авлоний

Бир кишининг Саид исмли ўғли бор эди. Отаси ҳар кун мактабда таом олиб емак учун ўн тийин пул берур эди. Бир кун мактабга кетуб борганда, бир фақир киши йўлукуб:

– Ўғлим, икки кундан бери очман. Таом олиб ей десам, устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўк. Бир оз оқчанг бўлса, берсанг. Савоб топура эдинг, – деди.

Саид фақирнинг сўзига тоқатсиз бўлиб, ҳолига раҳми келуб, отаси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир бу ёш Саиднинг қилган шафқату марҳаматига офарин қилуб, йиғлай-йиғлай дуолар қилиб кетди. Саид ул кун ўзи оч қолса ҳам, очлиғини ҳеч кимга билдурмай сабру қаноат ила ўткарди. Мактабдан озод бўлуб, отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд бўлуб дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар кун йиғирма тийиндан берурга ваъда қилди. Саодатлик Саид отаси берган йиғирма тийиннинг ўн тийинини еб, бешини фақирларга беруб, бешини йиғуб, тездан бой бўлуб кетди.



Изоҳли луғат

йўликмок – дуч келмок, учрамок

чакмон – жун матодан тикилган эркакча узун тўн

фақир [а] – камбағал, қашшоқ

офарин [ф] – мамнунликни ифодаловчи олқиш сўзи,
тақсин, тасанно

қаноат [а] – озга ёки бориға кўниш, бори билан
кифояланиш



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Воқеа бош сабабини аниқланг.

2. Саиднинг сахийлиги сизда қандай таассурот қолдирди?
3. Сиз ҳам сахий бўла оласизми?

Мустақил ўқиш

ОЧКЎЗЛИК

Абдулла Авлоний

Бир бола кўчада йиғлаб ўлтуруб эрди. Ўтуб-кетуб турғон кишилардан бири: «Ўғлим, сенга нима бўлди? Не учун мунча йиғларсан?» – деб сўради. Бола: «Бир тийин оқчам бор эди, йўқотиб қўйдим. Шунинг учун йиғларман», – деди. У кишининг болага раҳми келуб: «Мана, ўғлум, оқчанг йўқолган бўлса, ман санга бошқасини берурман», – деб чўнтагидан бир тийин чикоруб берди. Бола оқчани олуб, яна аввалгидан ортук йиғламоққа бошлади.

Ул киши: «Дағи нимага йиғларсан?» – деса, бола: «Ох, отажон! Агар ўз оқчам йўқолмаган бўлса эди. Ҳозир оқчам икки тийин бўлур эди», – деди.



Кўзинг оч бўлмасун, ўғлим кўзинг оч,
Қаноатсиз кишини ухлатуб, қоч.



Изоҳли луғат

оқча – пул

қаноатсиз – озга, бориға сабр қилмайдиган, кўп талаб қиладиган, чидамсиз



Савол ва топшириқлар:

1. Бола нима учун йиғлади?
2. Бола билан йўловчининг суҳбатини матндан топиб ўқинг.
3. Очкўзлик ҳақида қандай мақоллар биласиз?
4. «Очкўзлик – келтирар бахтсизлик» мавзусида эссе ёзинг.

БАХИЛЛИК

Абдулла Авлоний

Бир бахил кишининг уйига бир неча яқин дўстлари меҳмон бўлиб келди. Ул бахил меҳмонларни зиёфат қилмак ўрнига, беҳуда сўзларни сўзлаб ўлтурди. Орадан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чақириб:

– Бор, таом пишган бўлса, олиб кел! – деди. Шу вақт хизматчи бир табок устида пишган хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчига боқиб:

– Бошини нима қилдинг? – деди.

Хизматчи: – Нима қилур эдим, ташладим.

Бахил: – Нодон! Киши хўрознинг бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товукнинг оёғини ташласа, ман бориб олар эдим.

Бош деган аъзоларнинг хўжасидур. Ул боши ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби саналган тили, энг улуғ аъзоларидан мияси, икки шахло кўзлари барчаси бошида эди. Бор, топиб кел! Биз емасак, меҳмонларга едурумиз! – деди.

Кўрдингизми. Бу бахил киши ҳеч нарсага арзимайдиган бир хўроз бошидан бир неча хосиятлар баён қилиб, ўзининг қандай киши эканлигини билдирди.



Изоҳли луғат

беҳуда [ф] – фойдасиз, бефойда, бекорчи

табоқ [а] – товоқ

нодон [ф] – илм-маърифатдан хабари йўқ, фаҳм-фаросати паст



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Воқеа нимадан бошланди? Бахилнинг сўзларини ўқинг.
2. Бахил меҳмонларни қандай кутиб олди?
3. Келтирилган таом устидаги суҳбат ҳақида фикрингизни баён қилинг.

ЭРКИН УЯЛИБ ҚОЛДИ

Ўткир Рашид

Эркинжоннинг бувисини
Кўзойнаги бузилди.
Гажак илгич симининг
Бир томони узилди.

Эркинжонни чакириб,
Деди бувиси: «Болам,
Ойнагимни кўриб бер,
Кам бўлмагин сира ҳам».

Эркин деди: «Мен сизга
Кўзойнакчи устами?
Ойнак тузатиш бўлса,
Чақиринг-да Ўктамни.

Бундай майда ишларни
Буюрманг, мен ўқувчи.
Мен ахир ойнаксозмас.
Бўлмоқчиман учувчи».

Деди бувиси: «Болам,
Майли учувчи ҳам бўл.
Лекин уканг ўктамдай
Шундай ишларни ҳам бил».

Эркин шу чоқ ойнакни
Аста қўлига олди.
Бироқ симни улолмай
Жуда уялиб қолди.

Шунда бувиси деди:
– Олдин кичик ишни бил.
Уни уддалаб, кейин
Каттасини орзу қил!



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг.
2. Шеърдан Эркинжон билан бувисининг суҳбати ифодаланган ўринларни топинг.
3. Эркинжоннинг хатоси нимада?
4. Шеър асосида кирғиз-рус-ўзбек тилида луғат тузинг.



Матннинг асосий нуқтаси – воқеа сабабининг кучайиши

ТАЪЗИМ

Т. Расулов

Хассасини дўқиллатиб келаётган Қосим бобо болалар тўп ўйнаётган майдончада бир оз тўхтаб қолди. У оппоқ соқо-

лини силаб, кичкинтойларнинг терлаб-пишиб чопаётганига ҳавасланиб қараб турди. Шу пайт тўп тепаётган болалардан бирининг апил-тапил нон еяётганини кўрди; уч-тўрт увок тушганида, унинг ўсик, оппоқ қошлари чимирилди. Бобо ўша томонга бориб, ердаги нон увокларини тера бошлади. Фарход зийрак бола эмасми, буни кўриб, бир зум котиб қолди-да, сўнг ўртоғига қараб кичкирди:

– Зокир, тўхта!.. Тўхта деяпман!..

Зокир Фарходнинг овозини эшитиб, таққа тўхтади. Фарход унга Қосим бобони кўрсатди. Ҳаммалари Қосим бобони ўраб олишди.

– Нима қиялпсиз, бобожон? – деди Зокир ачиниб.

– Бирор нарсангизни йўкотдингизми?

Бобо Зокирга қараб кулиб қўйди.

– Ҳеч нима йўкотганим йўк, бўтам. Нон увокларини теряпман...

Зокир жон ҳолатда бўйнини ичига тортиб, қўлида қолган бир тишлам нонни орқасига беркитган эди, Фарходнинг жаҳли чиқди.

– Ўйнаётганда ҳам нон ейдими одам! – деди худди катталардек.

– Нонни уйда ўтириб ейиш керак.

Зокирнинг кулоқларигача кизариб кетди:

– Бобожон, сиз... эгилманг, увокларни... ўзим териб оламан.

Бобо жилмайиб қўйди.

– Эгилаётганим йўк, бўтам, мен нон увокларига таъзим қиялпман. Ахир нон қанча одамларнинг меҳнати, пешона тери билан бунёд бўлган... мен ўша одамларга раҳмат айтиб, таъзим қиялпман.

Бобонинг бу гапидан болалар таъсирланиб кетишди, ердан увок кидира бошлашди...



Изоҳли луғат

чимирилмок – қош-қовокни йиғмок, буриштирмок
таъсирланмок – кишини тўлқинлантирадиган,
хаяжонга соладиган, кучли таассурот



Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг. Бобо билан Зокирнинг суҳбатини аниқланг.
2. Нима учун Қосим бобонинг қошлари чимирилди?
3. «...Мен нон увокларига таъзим қиляпман» гапининг маъносини тушунтириб беринг.
4. Нон хақида 4 қатор шеър ёзинг.

Мақол

Нонни кўрсанг, тезда ол,
Кўзга сурт, кўйнингга сол.

Дон аяган донга етар
Нон аяган – нонга.

Бир бошок дон –
Бир сават нон.

УЙГА МЕҲМОН КЕЛСА

Эрмамат Жумаев

Уйга меҳмон келсалар
(Хох ёш, қари-кексалар),
Ўрнингдан тур, бер салом,
Хуш келибсиз, де болам.
Уйда йўқ бўлса онанг,
Бўлиб қолма хангу-манг.
Келади, дегин ойим,
Сўзлашиб тур мулойим.

Кўлин ювдир, сочик тут,
Кўрпача сол, яхши кут.
Дастурхонингни тузат,
Ширинлик кўй, нон ушат.
Чой куйиб, узатиб тур,
Хурсанд кил, сўзлашиб тур.
Шунда ойинг келиб қолса,
Сендан шод бўлар роса.



Ота-онангга раҳмат
Айтар меҳмон, албатта.
Сўнг сенга олқиш айтиб,
Меҳмонлар кетар қайтиб.



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Меҳмонни кутиб олиш учун айтилган насиҳатни топиб ўқинг.
2. Сиз меҳмонларни қандай кутиб оласиз?
3. Меҳмондорчилик удумларини биласизми?

АРСЛОН БИЛАН ИТ

Лев Толстой

Лондондаги хайвонот боғида ёввойи хайвонларни кўриш хаки учун томошабинлардан пул ё бўлмаса ёввойи хайвонларга овқатлик учун ит ва мушуклар олар эдилар.

Бир киши ёввойи хайвонларни кўргиси келиб, кўчадан бир кучукчани тутиб олди-да, уни хайвонот боғига олиб келди. У кишини томоша қилгани бокка киргизиб юбордилар, итни эса арслоннинг олдига егани ташладилар. Ит катакнинг бир бурчагига тикилиб олди. Арслон бўлса ит олдига келиб, хидлаб кўрди.

Ит осмонга қараб ётиб олди-да, панжаларини юқори кўтариб думини ликиллата бошлади. Арслон панжаси билан уни туртиб ағдариб юборди. Ит сакраб ўрнидан турди-да, арслонга қараб орқа панжасига таяниб ўтириб олди.

Арслон итга қараб калласини у ёқдан бу ёқка чайқар, лекин унга тегмас эди.

Хўжайин арслонга бир парча гўшт ташлади. Арслон гўштнинг бир парчасини узиб еб, қолганини итга ирғитди.

Кечқурун арслон ухлаганда ит унга яқин келиб, калласини арслоннинг панжасига кўйиб ётди.

Шундан бошлаб ит билан арслон бир катакда туриша бошлади. Арслон итга сира тегмас. Ит билан бирга овқатланар, бирга ухлар ва баъзи вақтларда у билан ўйнашар ҳам эди.

Бир куни итнинг эгаси хайвонот боғига келиб итини таниб қолди. У итнинг эгаси эканлигини айтди ва хайвонот боғининг хўжайинидан ўз итини қайтариб беришни сўради. Хўжайин итни қайтариб бермоқчи бўлиб, уйчанинг эшигини очиб итни чақирди. Шу вақт арслон қаттиқ ўкириб юборди ва итни чиқармади.

Шундай қилиб, арслон билан ит бир йил бир қафасда яшашди.

Бир йилдан сўнг ит касал бўлиб, ўлиб қолди. Ит ўлгандан кейин арслон овқат ҳам емай қўйди. У итни хидлар ва панжалари билан силар эди.

Арслон итнинг ўлганини сезгандан сўнг ўрнидан сакраб турди, думи билан ўзини икки ёнга уриб, деворларга ташланди, панжара ва полларни кемира бошлади. У кун бўйи қафас панжараларига ўзини уриб йиғлади. Сўнгра ўлган итнинг олдига ётиб жим бўлиб қолди. Хўжайин итнинг ўлигини олиб ташламоқчи бўл-ди. Лекин арслон ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди.

Хўжайин арслоннинг олдига бошқа бир ит қўйилса, қайғусини унутар, деб ўйлади-да тирик бир итни қафасга қўйиб юборди. Арслон бу итни шу ондаёқ майда-майда қилиб ташлади. Сўнгра у ўлган итни ўз панжалари орасига олиб беш кун ётди.

Олтинчи кун эса ўзи ҳам ўлиб қолди.



Изоҳли луғат

чайқамоқ – у ён бу ён тебратмоқ
ўқирмоқ – бақирмоқ, бўқирмоқ
кемирмоқ – ғажимоқ



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Арслон ва ит дўстлигини аниқланг.
2. Матндан арслоннинг ҳолатини тасвирловчи ўринларни ўқинг. Матннинг якунини топдингизми?
3. Арслон ва ит дўстлигини қандай баҳолайсиз?
4. «Қуёш ҳавони иситар, дўстлик қалбни» мақолини изоҳланг.

Бу кенг, ёруғ оламда
 Бир иш бор ҳар одамга.
 Учувчи кўкда юрар –
 Йўловчи ташиб турар.
 Балиқчини сув кутар,
 Сувдан у балиқ тутар.
 «Тез ёрдам»ига миниб
 Доктор ўтирмас тиниб.
 Кончи тоққа қўл солар,
 Сийму зар тортиб олар...
 Уларга эл раҳмат дер,
 Тер тўккан кандини ер.
 Аммо не қилса Аҳмад
 Ҳеч ким демайди раҳмат.
 «Раҳмат» – бу меҳнатингга,
 Азобу заҳматингга.
 Чунки тахта ташимас,
 Кўмир, пахта ташимас,
 Меҳнатни ҳеч хушламас,
 Иш этагин ушламас.
 Бошини қашиб юрар,
 Фақат... гап ташиб юрар.



Изоҳли луғат

кўкда – осмонда
 сийму зар – табиий бойликлар, қимматбаҳо тошлар
 заҳмат [а] – оғир, машаққатли меҳнат
 хушламас – дангаса, ишёкмас



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Ҳар бир касб эгалари тасвирланган ўринларни аниқланг.
2. Ўйланг, Аҳмаднинг хатоси нимада?
3. Нима учун Аҳмадга ҳеч ким «рахмат» демайди?
4. «Гап ташиб юрар» деганда нимани тушунасиз?
5. Сиз қайси касбни эгалламоқчисиз?

Бўлим юзасидан такрорлаш:

1. Матнни қандай идрок қилиш мумкин?
2. Танлаб ўқиш нима?
3. Матн бошланмасини айтинг.
4. Матннинг асосий нуқтасини айтинг.
5. Матн якуни нима?
6. Қуйидаги расм қайси матнга оид эканлигини аниқланг.



МАТН ВА МАТН ҚИСМЛАРИГА САРЛАВҲА ҚЎЙИШНИ ЎРГАНИНГ

ЧАВҒОН

Раҳмат Азизхўжаев

Ўйин қизиб турган пайтда Теша чавгонини синдириб қўйди. Командаси ютказиб турганда бир алами икки бўлди... Бош қашлаб туриб, муюлишдаги скамейкада ўтирган чолга кўзи тушди. Боя ўша ердан ўтаётганда ҳам чолнинг қўлидаги боши қайрилган ҳассасига ҳавас билан қараб ўтган эди. Югурди...

– Жон бува. Ҳассангизни бериб турунг. Дўппим дарахтга илиниб қолди, келинг... – шошиб сўради Теша.

Чол, коптокни ушлашга шайланган дарбозабондек қиёфада турган Тешага тикилиб туриб мийиғида куларкан, бош чайкаб деди:

– Салом қани, ўғлим, саломни едингми? Аввал салом бергин, кейин сўрагин-да.

– Хўп, салом, бува, энди бера қолинг...

– Ахир, дўппинг, мен буёқдаман деб чўнтагингдан мўралаб турибди-ку.

– Дўппимас, бува, ҳалиги... – Теша шолғомдай кизариб кетди, – ахир, ахир ойимлар сизни яхши чол, дейдилар-ку!

– Ҳа ойинг деса дебди, аммо сен яхшигина муғомбир экансан. Ма, ол, бироқ ёлғон сўзлама! – деди бобо.

Теша маъқуллади шекилли, қўлларини кўксига қўйиб, чолнинг табаррук ҳассасини олганича югуриб кетди.



Изоҳли луғат

муғомбир [а] – алдоқчилик билан иш кўрувчи, айёр
табаррук [а] – эсдалик, ёдгорлик бўлиб қолган



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқинг. Чол ва Теша суҳбатини аниқланг.
2. Сиз Тешанинг ўрнида бўлганингизда ўзингизни қандай тутган бўлар эдингиз?
3. Сарлавҳа нима? Сиз матнга қандай сарлавҳа қўйган бўлардингиз? Ролларга бўлиб ўқинг.

Мустақил ўқиш

ҚАЛАМНИНГ ЎКИНЧИ

Шухрат

Қалам дейди: – Мени чизма
Девор, тошга.
Ахир менинг хизматим бор
Бутун бошқа.
Кишиларнинг қарғишига
Қўйма мени.
Шундай кийнаб, исроф этсанг,
Суйма мени!
Яхши ният, орзу билан
Қўлингга ол,
Қоғозга ёз, гар истасанг,
Суратлар сол.
Хуснихат ёз, хизматингга
Мен ҳозирман.
«Беш» олганда: «Раҳмат», десанг,
Мен арзирман.
Мени севсанг кийнама ҳеч,
Этма исроф.
Мен дўстингман юраги кенг,
Нияти соф!



Матни қисмларга ажратиш – матндаги асосий ўринларни белгилаш

РЎЗБОР ДАФТАРИ

Абдулжашид Зокиров

Бола бувиси билан бозорга борди. Вой-бу, одам жуда кўп. Қоп-қоп картошка, сабзи, пиёзлар. Яна бир томонда туршак, майиз, бир ёқда нонлар, яна бир тарафда узум, олма, анор.

Бир чеккага ўтиб дам олиб турганларида: – Юртимизда тўкинчилик. Нимани истасанг, мана, бозордан топасан, – деди бувиси.

– Бувижон, ўзи бозор дегани нима?

– Одамлар бир-бири билан савдо-сотик қиладиган жой, болам.

– Радио-телевизорда ҳар доим «бозор» сўзи ёнига «иктисод» сўзини кўшиб айтишади. Ўзи иктисод нима дегани экан?

Бувиси тушунтирди. Катта бир олимнинг айтишича, иктисод инсоннинг яшаш учун керак бўлган нарсаларга эҳтиёжи, уларнинг таъминланиши экан.

Бозор иктисоди бўлса, жуда катта жараён экан. У бизга ўхшаш оилаларни, бутун юртнинг ҳаётини, одамларнинг ишлашини, бозордаги олди-сотди, ҳамма-хаммасини ўз ичига оларкан. Иктисоднинг ўз қонун-қоидалари, тартиби бўларкан. Шунга бўйсунмаса, у издан чиқиб кетаркан. Бозор иктисодида пул катта хизмат қилади. Одамлар ва катта-катта корхоналарнинг бир-бирлари билан савдо-сотик қилишларига пул воситачи бўларкан. Пул жуда қимматли қоғоз экан. Қизик, тиллови ҳам, ёки оддий тузни ҳам пулга сотиб олишаркан.

Баъзилар орага пулни аралаштирмай, нарсани-нарсага тенгма-тенг алмаштиришлари ҳам мумкин экан. Бу «бартер» усули экан.

Бувижониси набирасининг кўлига бир китоб тутқазди. Унда ёзилишича, «бартер» аслида инглизча сўз бўлиб, товарларни пулсиз алмаштириш дегани экан. Бундай иш усули кўпроқ давлат микёсида ёки катта-катта корхоналарда қўлланилар экан.

Бола ўша китобдан «товар», «бизнес» сўзларининг маъносини билиб олибди.

«Товар» дегани бозорга олиб чиқиладиган меҳнат маҳсули экан.

«Бизнес» инглизча сўз бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланиш маъносини билдиради. Ёки пул топиш ниятида бирорта иш билан машғул бўлиш деган мазмунни ҳам билдирар экан.



Изоҳли луғат

эхтиёж [а] – талаб, ҳожат, зарурат
таъминламоқ [а] – топиб, етказиб бермоқ
жараён [а] – иш-ҳаракатнинг бориши, ривож, оқими
воситачи – боғловчи
микёсида [а] – кўламида



Савол ва топшириқлар:

1. Матни қисмларга ажратинг ва сарлавҳа қўйинг.
2. Бозор, иқтисод сўзларини тушундингизми?
3. Бозор иқтисодида пулнинг хизмати ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Бартер, товар, бизнес сўзларининг маъносини сўзлаб беринг. Пул нима?

Гуппа-гуппа ёғар қор,
Гўё кўкда ини бор.
Томлар оппок, ер оппок,
Шох новдалар арғимчок.
Қарға қағ-қағ этади,
Кўнглини чоғ этади.



Ол чанангни, эй Фиёс!
Чана отмок кандай соз!
Майли, вақти кўп ёғсин
Келганида навбахор,
Сув бўлади беғубор.
Ариқ тўлиб оқади,
Дала, кирга ёқади.
Лола шундан, гул шундан,
Бойчечак, сумбул шундан.
Майли, ёғсин оппок қор,

Оёқлари пайпоқ қор,
 Қишнинг кўрки оқ қордир,
 Ёғмаса қиш бекордир.
 Ёғсин энди беармон,
 Беармону шўҳ-шодон!
 Олам кийсин оқ либос,
 Оқ либоси қандай соз!
 Оқ йўл сенга, оппоқ қиш,
 Ҳимматингга минг олқиш.



Изоҳли луғат

беғубор [ф.т., а] – чанг-ғубордан холи, соф, мусаффо, тоза
 кўрк – чирой, хусн, гўзаллик
 либос [а] – кийим, уст-бош
 ҳиммат [а] – ёрдам, саховат, олижаноблик



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Сиз шеърга қандай сарлавҳа қўйган бўлардингиз?
2. Шеърда қиш манзараси қандай тасвирланган? Шу сатрларни топинг ва ўқинг.
3. Шеър мазмуни асосида гап тузинг.

ҚИШ ЭРТАГИ

А. Аҳмедова

I

Ҳаво кундан-кун совий бошлади. Дарахтлар баргларини тўкиб, яп-яланғоч бўлиб қолди. Ўтлар ҳам қовжираб қуриди. Совуқдан кўрққан қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетдилар.

Совуқдан дир-дир қалтирашаётган типратикан, кизилиштон, қуён бир жойга йиғилишиб суҳбат қуришди.

– Мен қиладиган иш қолмади, энди дам оламан. Бугун

эрта қор ёғиб, ҳамма ёқ пўстинга ўралади. Дарахтдаги қолган қурт-кумурсақаларни совуқнинг ўзи ҳам тинчитади, – деди қизилиштон.

– Нималар деясан, хой ўрмон шифокори? – деди унга қуён.

– Наҳотки энди ҳеч кимга керагинг бўлмаса?

– Вой, вой, вой! Шунақа ҳам совуқ бўладими? Энди қаерда жон сақлаймиз? – деб бароқдум тулки келиб қолди. У айёр кўзларини қизилиштонга тикиб қишдан зорланди. Тулкини кўрган қуённинг жони-пони чиқиб кетди.

Шу пайт қизилиштоннинг хаёлига бир фикр келиб қолди.

– Келинглар, бир бошпана ясайлик. Қишга керакли ҳамма нарсани уйга ташиб оламиз-да, яшайверамиз.

– Яхши таклиф. Лекин сизларнинг қишга ғамлаганларингизни биз, тулкилар, ея олмаймиз. Бизга товук, қуён, қуш гўшти керак, – деди-да, тулки кўзларини яна сурбетларча қизилиштонга қадади. Қуён эса ўз номини эшитиб, юраги орқасига тортиб кетди. Сал нарирокка, қуюқроқ буталарнинг орасига кириб олди. Қизилиштон ҳам қалтираб, қўниб турган бутоғига маҳкамроқ ёпишиб олди ва:

– Егулик хақида кейин ўйлаб кўрамиз. Ҳозир бошпана масаласини ҳал қилайлик, – деб қуёнга ўғирилди.

Қуён эса турган жойида йўқ эди.

– Ҳой калтадум, қаёқка кетдинг?

– Мен, мен... Бу ер-да-ман! – кўркувдан тили айланмаётган қуён буталар орасидан мўралади.

– Нима гап, тукларинг сиздек бўлиб қолибди?

– Ҳеч нарса, – деди қуён қалтираб.

– Бор, ҳамма қуёнларни бир жойга тўпла. Қишлоқ учун бошпана топамиз.

Сизнингча, бошпанада бу ҳайвонлар бирга яшай оладими?

II

Куёнлар йиғилишди. Тулки ҳам айёр дўстлари билан шу ерга тўпланган эди. Улар биргаликда бошпана қидира бошлашди. Олдинда типратикан, орқасида тулкилар, энг орқада куёнлар борар эди.

Тулкилардан бири бошқасининг кулоғига шивирлади:

– Қорним роса очди-да, кел, мана бу куёнлардан бир-иккитасини маза қилиб туширайлик.

– Йўк, йўк, бир оз чидаш керак. Кейин ҳаммаси ўзимизники бўлади, – деди бошқа Тулки.

Ҳайвонлар охири бир ғор топишди. Ғор кичикроқ экан, бу куёнларга ёқиб тушди.

– Яхши жой экан, фақат биз сиғамиз, болалари билан типратиканга ҳам жой топилиб қолади. Бироқ тулкихоним билан дўстлари ўзларига бошқа бирор жой топишлари керак, шекилли, – деди куён.

Куёнларнинг гапига тулкиларнинг жаҳли чиқди. Аммо жаҳли чикканини сездирмади.

– Ғорни биз ҳам излашганмиз. Куёнлар бир оз сиқилишса, жой ҳаммамизга етиб қолади, – деди Тулкивой.

– Яхшиси, ғорга сизлар кириб кўринглар, сиғсанглар сизларники, – деди куён. Бу гап тулкиларга ёқиб тушди. Улар ғорга киришди. Қанча сиқилишмасин тулкиларнинг ҳаммаси ғорга сиғмади. Буни кўрган типратикан тулкиларга қараб:

– Куённинг гапи тўғри. Сизлар ўзингизга жой топишларингиз керак, бошқа илож йўк, – деди.

Тулкилар бошқа жой топа олади деб ўйлайсизми?

III

Тулкилар бошқа чора тополмадилар. Тўпланишиб шивир-шивир бошладилар. Тулкиларнинг бири:

– Бирга турсак яхши бўларди, ҳар қалай, оч қолмасдик. Хохлаганда қуёнлардан бирини тутиб ейиш мумкин бўларди. Энди нима қилдик? – деди.

– Рози бўлаверайлик. Ҳозирча топган-тутганларини ғорга ташиб, эшикни бекитиб ўтиришаверсин. Бирдан хужум қиламиз, ҳаммасини қўлга туширамиз, – деди иккинчи Тулки.

Маслаҳатга берилиб кетган тулкилар тепадаги дарахтда қизилиштон турганини билмай қолдилар. Ўрмон шифокори тулкиларнинг хийласидан типратиканни хабардор қилди. Буни эшитган қуёнлар кўркиб кетишди.

– Бекорга шивирлашмаётган экан-да! – деди типратикан қизилиштонга раҳмат айтиб. – Яхшиям бизни хабардор қилдинг. Бечора қуёнлар айёрларнинг қўлига тушишига сал қолибди-я!

IV

Типратикан қуёнларни қутқариш йўлини ўйлай бошлади.

Типратикан қуёнлардан бирини ғорга киритди. Туйнук бор-йўқлигини билиб чиқишни айтди. Қуён ташқарига очилган кичикрок туйнук борлигини билиб чиқди.

Шу пайт бароқдум келиб:

– Биз розимиз. Майли, бу бошпана қуён дўстларимизга бўла қолсин. Биз ташқарида ғорни кўриқлаб яшайверамиз, – деди.

Қуёнлар рози бўлишибди. Типратикан қуёнларга туйнукдан тезроқ чиқиб кетишни ишора билан тушунтирди.

Қуёнлар ғорга кира бошладилар. Шу заҳоти тулкилар ҳам ғор томон кела бошладилар. Қираверишда турган типратикан тулкиларни тўхтатибди:

– Ие, бароқдум, қаёкка?

– Кўрайлик-чи, ўзлари сиғишибдимикан?

– Бунча шошилмасанглар? Аввал улар жойларини тузатиб олишсин. Кейин кирарсизлар.

Куёнлар яширин йўлдан чикиб кета бошлабдилар. Куёнларнинг охиргиси чикиб бўлгач, қизилиштон типратиканга кўз қисибди. Типратикан тулкиларга ғорга киришга рухсат берибди.

Тулкилар бир-бирларини босиб-янчиб ичкарига отилибдилар. Бироқ у ерда ҳеч ким йўқ экан. Алданган оч тулкилар ғазаб билан ташқарига чиқишибди. Бу хийлани типратикан топганини дарҳол билишибди. Улар типратиканга ташланишибди. Типратикан эса ғужанак бўлиб олиб, улар томонга думалабди. Хуллас, айёр бароқдум ва унинг дўстларининг хийласи амалга ошмабди. Шарманда бўлиб жўнаб қолибдилар.

– Яшавор, типратикан оғайни! – дебди қизилиштон.
– Сенинг доно маслахатинг куёнларни сақлаб колди.

– Ҳа, дўстим, сен ҳам катта ёрдам қилдинг, – миннатдорчилик билдирибди типратикан. – Агар биз бирлашмаганимизда айёрлар устидан ғалаба қилолмас эдик.



Изоҳли луғат

бошпана – турар жой

дарҳол [ф-а] – тездан, тез, дарров, бир онда

бароқ [турк-усм ф] – юнги узун, калин ва жингалак



Савол ва топшириқлар:

1. Эртақдаги асосий фикрни аниқланг. Эртақда иштирок этадиган қушлар ва ҳайвонларни санаб кўрсатинг.
2. Улар ҳақида нималарни биласиз?
3. Типратикан куёнларни қандай қутқарди?
4. Нима учун тулкилар ўз мақсадларига эриша олмади?
5. Ҳар бирингиз эртақ қисмларига мустақил сарлавҳа

кўйинг ва саволлар тузинг. Кўйган сарлавхаларингизни муҳокама қилинг.

6. Эртак қаҳрамонларининг рус ва қирғиз тилидаги номларини ёзинг.

ЧАНА

Ёқут Раҳимова

Дилшоднинг чанаси бор. У бошқа болаларнинг енгил чаналарига сира ўхшамайди: катта ва бақувват, хақиқий чана. Ўзининг айтишича, дадаси уни бир пайтлар Дилшод билан укасига маҳсус ясаггириб келган экан. Шундан бери ҳар йили қишда ака-ука бу чанада маза қилиб учишади.

Мана, бугун тун билан гупиллаб қор ёғиб чиқди. Дилшод эрталаб туриб, ховлига қараса, ҳаммаёк оппок қор билан қопланибди.

– Ур-ре, – деб севинганидан бақириб юборди Дилшод.

– Энди мазза қилиб чана учаман.

У апил-тапил нонушта қилди-да, иссик кийиниб, ўтинхона бурчагида ётган чанасини судраб, кўчага шошилди. Кўча шўх ва қувноқ болалар билан тўла эди. Биринчи қор ёғди, ахир!

– Ур-ре! Дилшод чанасини олиб чиқди! Ҳозир бизлар ҳам мазза қилиб, чана учамиз! – дея қичқиришди болалар уни ўраб.

Бу гапдан Дилшод ғурурланиб кетди. Чанасини судраб, гўё уларнинг гапини эшитмагандек, болаларнинг олдидан гердайиб ўтиб кетди ва бир ўзи уча бошлади.

Болалар, Дилшод тўғри қилдими?

Буни кўрган болалар ҳам индамай, ундан нари кетишди-да, тепаликда ялтироқ яхмалак ясаб, ўзлари уча бошлашди. Улар бир-бирларининг этакларидан ушлаб. «Поезд» бўлиб

олишган, тепаликдан сирпаниб тушишаркан, бир-бирларига урилиб кетишар, кийкириб, корга думалашарди. Чаналари бўлмаса ҳам, болаларнинг ўйинлари кизигандан кизиб кетди. Улар қувонганларидан бир-бирларининг устларига йикилиб, сирпанчикдан учишар, югуриб яна тепаликка чиқишар, яна бир-бирларига мингашиб, кийкиришганча пастга тушишарди...

Дилшод бир ўзи чанасида роса у ёқдан бу ёққа учди. Охири зерикди. Чана учиш ҳам кўнглига тегди. У чарчаб, чанасини судраганича, кийкириб ўйнаётган болаларнинг олдиларидан ўтди. У ҳозир болалардан биронтасининг: «Мени ҳам учир», – деб ялинишини кутарди. Аммо болалар худди Дилшод йўқдай, унга парво қилмай шўх-шодон кийкиришганича яхмалак учиш билан овора эдилар. Лекин «ажойиб, энг зўр» чананинг эгаси бўлган Дилшод, барибир, кимдир менга эътибор беради, деб кутарди. Аммо болалар ундан чана сўрашни гўё хаёлларига ҳам келтиришмасди. Улар шундай ҳам мазза қилишаётган эди.

Агар дунёда тенги йўқ чананг бўлса ҳам кеккайиб, ўртоқларингдан ажралиб, бир четда ёлғиз қолишдан ёмони йўқ экан!

Охири ёлғиз совқотиб туриш Дилшоднинг жонига тегди ва унинг ўзи болаларга ялинишга мажбур бўлди.

– Ҳой, болалар, қани кимни чанамда учуриб келай? – деб бақирди уларга қараб.

– Ҳеч кимни! Ўзинг учавер чанангда, – деди телпагини бостириб кийиб олган чайиргина бола.

– Биз шундай ҳам зерикаётганимиз йўқ. Мазза қилиямиз?

Улар «поезд» бўлиб, яна яхмалак учишда давом этишди. Дилшоднинг қувноқ ва бахтиёр болаларга қараб туриб ҳаваси келиб кетди. Чунки улар ростдан ҳам мазза қилиб ўйнашаётган эди. Шунинг учун чаналари бўлмаса ҳам, зерикишмаётганди.

– Мен ҳам яхмалагингларда битта учай, – деб ялинди у болалар олдига бориб. – Би-и-тта уча қолай, мени ҳам кўшинглар.

– Ва-а-а!.. – болалар хохолаб кулиб юборишди. Улар Дилшоднинг гапига кулишдими ё «поезд»лари қорга ағанаб кетгани учун кулишдими, билиб бўлмасди.

– Агар мени ҳам учирсанглар, чанамни сизларга берардим. Яхмалақдан ҳаммамиз галма-галдан учардик, – деди Дилшод.

– Бўпти, – дейишди болалар кўниб. – Келсанг, келақол. Биз қизганмаймиз. Майли, хоҳлаганингча учавер, яхмалақ ҳамманики. Чананинг эса кераги йўқ. Шундай ҳам хурсандмиз.

У болаларнинг рози бўлишганидан қувонди.

Бир зумда кўнгли ҳам болаларнинг юзларидек ёришиб кетди.

«Ўртоқларинг билан бирга бўлиш қандай яхши! Энди ҳеч қачон улардан ажралмайман. Ҳеч нарсани болалардан қизганмайман!» – дея ўзига аҳд қилди Дилшод.



Изоҳли лугат

чайиргина – пишиккина

яхмалақ – муз билан қопланган сирпанчик

кеккаймоқ – гавдани тик, фоз тутиб, гердаймоқ



Савол ва топшириқлар:

1. Маттни ўқинг. Қисмларга мустақил ажратинг.
2. Болалар нимага хафа бўлдилар?
3. Дилшод ўз хатосини қачон тушунди?
4. Матндан Дилшоднинг қизганчилиги ифодаланган ўринларни топиб ўқинг.
5. Сиз Дилшодга ўхшаган болаларни учратганмисиз?

ШОҲ ВА ШОИР

Бобур Мирзо Андижонда туғилган.

Узоқ йиллар Ҳиндистонда шоҳлик қилган. Бизга кўп китоб ёзиб қолдирган. Шунинг учун ҳам Бобур Мирзони шоҳ ва шоир дейишади.

Бобур ва кабутар

Мирзо Бобур ёшлигидан зийрак бола бўлиб ўсибди. Бир куни Умаршайх сарой аёнлари билан қасрда ўтирган экан. Бир кабутар учиб келиб айвон пештоқига қўнибди. У «ғулу, ғулу, ғулу» килаверибди. Умаршайх аёнларидан: «Кабутар не дейдур? – деб сўраб қолибди. Анчадан буён уруш кўрмаган аёнлар: «Олий ҳазрат, кабутар, қиличларни қиндан чиқариб, жанг қилмоқ керак, дейдур», – дебдилар.

Гапга қўшилмай, бир чеккада жим ўтирган Мирзо Бобур: «Йўк, кабутар ундай демайду. Балки у қовун сайлига чакирибдур. Жонивор хушхабар келтирибдур», – дебди.

Умаршайх кабутарни тутиб келтиришни буюрибди. Уни тутиб оёғидаги мис халқани олиб қарашса, ичидан бир хат чиқибди. Хатда: «Олий ҳазрат, қовун айни пишди. Келиб қўл уриб берсалар», – деб ёзилган эмиш.

Ёш Мирзо Бобурнинг хушёрлиги, топқирлигига қойил қолган Умаршайх аёнларига қараб: «қилични эмас, ақл-идрокни ишга солмоқ лозимдир. Хабар қилинглар, барча қовун сайлига отлансин», – деб фармон берибди.

Изоҳли луғат

ҳазрат – шоҳ, хон сингари юкори мансабли кишиларни улуғловчи сўз

аёнлар – шоҳ саройидаги амалдорлар



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг, матнга қўйилган сарлавха мосми? Сиз қандай сарлавха қўйган бўлардингиз?
2. Умаршайх билан аёнлари суҳбатини топинг ва ўқинг?
3. Мати асосида ўзингиз режа тузиб иншо ёзинг.

ХИКМАТЛАР

Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
 Инонмагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.
 Ота-она, қариндош, қаён кетти, фикр кил.
 Тўрт аёғлиқ чўбин от бир кун санга етаро.

Аҳмад Яссавий

Ҳар кимки, вафо қилса вафо топқусидур,
 Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур,
 Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ харгиз,
 Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Захриддин Бобур

Халқ ичинда сен золимлик номин олма,
 Ожизларга зулм кўрсатиб, жонин олма.
 Очлигингдан ўлганда ҳам зинҳор, зинҳор,
 Чумолининг оғзидаги донин олма.

Мирзо Бедил



Изоҳли луғат

бешак – [ф] шаксиз, шубҳасиз
 чўбин от – чувур, хашаки от, бу ерда тобут маъносида



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикматларни ўқинг. Барчангиз биргаликда ҳикматларга сарлавха қўйинг.
2. Ҳикматларни тўхтамларга риоя қилиб ифодали ўқишни ўрганинг.

3. Ўқитувчингиз ёрдамида ҳикматлар мазмунини ўрганинг.
4. Ўзингиз ёқтирган ҳикматни ёд олинг.



Матнга сўроқ ёки дарак гап шаклида режа тузилади

ИБН СИНОНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Табибларнинг табиби Ибн Сино кунлардан бир куни қаттиқ оғриб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Ибн Синонинг шогирдлари, энг яқин дўст-биродарлари йиғилишибди. Улар яхши сўз айтиб, улуғ табибнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишибди. Шогирдлари устозларини дори-дармонлар билан даволашга киришибдилар.

Ибн Сино дўст-биродарларига раҳматлар айтиб, шогирдларига эса бундай дебди:

– Эй шогирдларим, менинг куним битган кўринадир. Шу боисдан мени даволайман, деб беҳуда ҳаракат қилманглар. Борди-ю куним битиб, вафот этсам, йиғи-сиғи қилиб ўтирманглар. Фақат ҳақимга дуо қилиб, онда-сонда қабримни зиёрат қилсанглар бас. Ва яна устоз оламдан ўтди, энди табобат оқсайди, деб ҳам қайғурманглар.

Ўрнимга беш зўр табибни қолдириб кетмоқдаман. Шу табибларнинг маслаҳатларига ўзингизлар ҳам доим амал қилинглар. Бошқаларни ҳам уларга даъват этинглар, – дебди.

Шунда Ибн Синонинг шогирдларидан бири:

– Устоз, сиз айтган табиблар қимлар? – деб сўрабди.

Ибн Сино:

– Мен қолдириб кетаётган зўр табибларнинг бири-тозалик. Иккинчиси – парҳез. Учинчиси – бадантарбиядир. Ва қолган иккиси мизож билан қайфиятдир. Доимо покиза, озода бўлишликни унутманг. Кўринган овқатни еявермаслик, апил-тапил овқатланмаслик, овқатланишда парҳез

меъерини билишлик лозим. Бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмаслик, мизожни унутмаслик, кайфиятни яхши тутишга ҳаракат қилиш керак. Мана шу айтганларимга амал қилинса, касалланиш у ёқда турсин, бевакт ўлим ҳам орқага чекинади.



Изоҳли луғат

пархез – [ф] соғлиққа тўғри келмайдиган овкатлардан ўзини тийиш ва унинг тартиби
мизож – [а] киши аъзосининг ўзига хос талаби



Савол ва топшириқлар:

1. Матдни ўқинг. Сўроқ гап шаклида режа тузинг.
2. Ибн Сино шогирдларига нималар ҳақида сўзлади?
3. Ибн Сино қолдирган табибларни матндан топинг ва ўкиб беринг.
4. Ҳикоядан қандай хулоса чиқардингиз?

Мустақил ўқиш

МЕНГА ОЗГИНА СУВ БЕР

Болаларига тарбия бермаган отанинг бошига тузилган ишлар

Бир вақтлар бир маҳаллада бадавлат одам яшар эди. Бу одамнинг иккита ўғли бўлиб, улар танतिक болалар эдилар.

Қўшниларида бири кекса, оқил, яхши ахлокли, ҳаммага меҳрибон зот эди. Бир кун оппоқ соқолли, кекса одам болаларнинг отасига:

– Қўшни, шу ўғилларингизга бироз дин дарсини бердирсангиз сиз учун жуда яхши ва хайрли бўлади. Диний тарбия олган болалар гўзал ахлокли бўладилар. Кейин менга раҳмат дейсиз. Мен кексайиб қолган, аччиқ-чучукни тотиган, тажрибали одамман. Сиз ҳали ёшсиз, тажрибангиз

ҳар ҳолда оз. Болаларингизга дин ўргатувчи устоз топинг, уларга ахлоқ, одоб, тарбия, дин, фазилат дарсини берсин. Шундан кейин сиз роҳат кўрасиз ва менга раҳматлар айтиб эслаб юрасиз, – деди.

Болаларнинг отаси бадавлат бўлса ҳам ҳаётий тажрибаси оз, бир мунча пули бўлгани билан акли унча ўткир, фахми кучли бўлмаган бир одам эди. Чунки у ҳали ёш эди. Аммо бироз дунё тўплаган эди. Шул сабабдан у аччиқ-чучукни тотган, кекса кўшни насихатларига бундай жавоб берди:

– Мен фарзандларимга кўп давлат тўпладим. Бул мерос уларга бемалол етади. Дин дарсларига, ахлоқ дарсларига эҳтиёжлари йўқ.

Орадан ўн-ўн беш йил ўтди. Бир кун ўғиллари билан биргаликда дастурхон атрофида ўтириб ул одам:

– Ўғлим, менга озгина сув бергин, – деди. Кичик ўғил отасига:

– Ота! Сув олдингизда турибди, ана пақир, ана чўмич, – деди.

Укасининг отасига қилган бу муомаласини тўнғич ўғли кўпол деб ўйлади шекилли:

– Ота, сен бу ўғлингнинг феъли, ахлоқи қандайлигини яхши биласан. Унга айтиб ўтирмай, шундай туриб ёнинг-даги челақдан чўмичда сув олиб ича қол-да, менга ҳам бир чўмичда сув бер, – деди.



Савол ва топшириқлар:

1. Ота танлаган йўл тўғрими?
2. Илм ва бойлик ҳақида фикр юритинг.

МИРЗО УЛУҒБЕК

Мирзо Улуғбек ҳам подшоҳ, ҳам олим эдилар. У киши Амир Темурнинг невараси бўлган.

Мирзо Улуғбек 15 ёшидан бошлаб Мовароуннаҳрда подшолик қилганлар. 40 йиллик подшолик даврида кўп савоб ишларни амалга оширган. Самарқандда расадхона қурдирган. Расадхонада осмон, ой, юлдузлар кузатишган.

Шунинг учун у кишини буюк мунажжим, олим ва шоҳ дейишади.

УЛУҒБЕКНИ СЎРОҚЛАР

Эргаш Шодмоний

Улуғбекни сўроқлайди
Бутун борлик, фазо, ер.
Самовотлар таъзим айлаб,
Мунажжимга раҳмат, дер.

Улуғбекни сўроқлайди
Бутун борлик, коинот.
Коинотга нарвон қўйиб,
Минг юлдузга қўйган от.

Улуғбекни сўроқлайди
Бутун борлик, ой, қуёш.
Зухал, Зухро, Муштарий ҳам
Улуғ зотга эгар бош.

Улуғбекни сўроқлайди
Бобокалон Темирхон.
Бобо рухин ёдга олиб,
Юрт сўраган у ҳар он.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

фазо [а] – ҳамма томонга чексиз йўналган бўшлиқ
самовот [а] – осмон, фалак, коинот
коинот [а] – бутун борлик, еру-осмон, олам

расадхона [а] – осмон жисмларини кузатувчи жой,
обсерватория

мунажжим [а] - юлдузларни, уларнинг сирларини ўрганув-
чи киши

Зухал (Меркурий) }
Зухро (Венера) } – сайёраларнинг номлари
Муштарий (Марс) }



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг ва мазмунини айтинг.
2. Мирзо Улуғбек ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Шеърни ёд олинг.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Матндаги асосий ўринларни қандай белгилайсиз?
Мисол келтиринг (эرتак, ҳикоя, шеър мисолида).
2. Матнни қисмларга қандай ажратамиз?
3. Ўқиган матнларингиздаги сарлавҳанинг мослигини
изоҳланг.
4. Матнга режа қайси шаклда тузилади.
5. Мустақил ўқиган матнларингизга режа тузинг ва
синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.
6. Қуйидаги расмлар асосида ҳикоя ёзинг ва уларга
сарлавҳа қўйинг.

Мақол

Бир каттанинг гапига кир,
Бир – кичикнинг.

* * *

Дарахтдан мева оламан десанг,
Ниҳоллигидан парвариш қил.

Куйидаги расмлар асосида хикоя ёзинг ва уларга сарлавҳа қўйинг.



МАТНИ ҚАЙТА ҲИКОЯ ҚИЛИНГ



Қайта ҳикоялаш – матнинг маълум қисмини тасвирлаш

ТОШКЕНТ

Эркин Маликов

Жуда қадимда Тошкент бошқача аталарди. Ўшанда ҳам ҳозиргидек Шарқ дарвозаси вазифасини бажарарди. Ҳар томондан келган савдо қарвонлари унда тўхтаб, кейин яна йўлга чиқишарди. Шаҳар кенгайиб, унинг атрофидаги ерлар ўзлаштирилиб, Чоч деган вилоят ташкил топди. Тошкент унинг маркази бўлди. Уни узок вақт гоҳ Чоч, гоҳ Шош деб юришди.

Одамлари душманлардан сақланиш учун шаҳар атрофини тош деворлар билан ўрашди. Шаҳарга кириб чиқадиган улкан дарвозалар қуриб, соқчилар қўйишди. Самарқанд дарвоза, Чигатой дарвозалар ўша даврлардан қолган. Дарвозаларини, деворларини сайёҳлар «Бу ер Тошқалъа, Тошминор экан», деб тарих саҳифаларига ёзиб қолдиришган. Бу номлар кейинчалик Тошкент деган номни келтириб чиқарган.

Тошкент ўтмишда оддий меҳнатқашлар шаҳри бўлган. Шаҳар кўчалари эгри-бугри, паст-баланд, тор ва қоронғи эди. Кўчаларда ёзда чанг, тўзондан, кишда лойдан юриб бўлмасди.

Хонадонларда электр йўк эди. Каталакдай тор ва зах уйларда одамлар қора чироқ ёки шам ёкиб ўтирардилар.

Ерлар омов билан ҳайдаларди. Ариқлар эса кетмон билан олинарди. Сув етишмас, экинлар қовжираб қолар, ер намсизликдан ёрилиб кетарди. Ҳосил кам бўлиб, одамлар ярим оч-ярим яланғоч кун кечиришарди.

Саноат корхоналари деярли йўқ эди. Кийим-кечак тайёрлаш учун чархда ип йигирилиб, оддий дастгоҳда қўл кучи билан бўз тўқиларди.

Одамлар бир шаҳардан иккинчи ерга бориш учун жуда қийналардилар. Кўпинча от-араваларда, пиёда юрардилар.

Чор ҳукумати халқнинг ҳаёти ва эҳтиёжи учун зарур бўлган ободончилик ишларига эътибор бермас эди.



Изоҳли луғат

моч – ер хайдайдиган темир тишли ёғоч асбоб
арх [ф] – ип йигирадиган дукли, дастакли асбоб



Савол ва топшириқлар:

- I. Матни ўқинг.
- II. Қуйидаги режа асосида қайта ҳикоя қилинг.
 1. Қадимий Чоч шаҳри.
 2. «Тошминор» ёки «Тошқалъа»нинг қурилиши.
 3. Тошкентнинг ўтмиши.
- III. Тошкентнинг ҳозирги манзарасини тасвирланг.

ДОНОЛАРНИНГ ДОНОСИ

Бобомиз Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 феввалида Ҳирот шаҳрида дунёга келганлар. Болалик чоғларидаёқ ҳамма-нинг эътиборига тушганлар. Энг аввало одобли бўлганлар. Кўп китоб ўқиганлар. Заҳилари ўткирлигидан минглаб мисра ғазалларни ёд билганлар. Кичиклигида ёзган шеърларига устозлари ҳам қойил қолишган. Она тилини яхши билганлар. Форс ва араб тилларини ҳам пухта ўрганганлар.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Кўклам кунларининг бирида Султон Ҳусайн саройда ёлғиз ўтиравериб, зеркиб кетибди-да, анча вақтдан бери

Мир Алишердан дарак бўлмади, бориб холидан бир хабар олиб келай деб, дўсти яшайдиган маҳаллага йўл олибди.

Бориб караса, Мир Алишер енг шимариб боғида ишлаётган экан. Буни кўрган Султон Ҳусайн отидан тушиб, дўсти билан сўрашгач:

– Ҳорманг, дўстим! Нега шоирлар мажлисида кўринмай колдингиз десам, боғбонликни пеша қилибсиз-да! – дебди. Мир Алишер ҳам белбоғи билан пешонасидан терини артар экан:

– Кўклам келса кўчат эк.

– Деган экан машойихлар. Шу боғдаги қуриган олмаларни кўпориб ташлаб, уч-тўрт туп ёнғоқ экаяпман, – деб жавоб берибди.

– Эй дўстим-ей, қариган чоғингизда боғ қилишингизнинг сизга нима кераги бор.

– Ахир? Сиз билан мен ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган бўлсак, бу ёнғоқларингиз қачон ҳосилга киради-ю, сиз қачон мевасидан ейсиз? Охир умрингизда мана шу боғдаги меваларнинг борига каноат қилиб, соя-салқинда тинчгина ғазал битиб ўтиравермайсизми?

– Дўстим, яхшидан боғ қолади, деган нақлни эшитганмисиз? Мен бу кўчатларни ўзим учун эмас, мана шу маҳалламиз кўчаларини чангитиб юрган болакайлар, балким уларнинг ҳам болалари учун экаяпман. Бир кун келиб, шу кўчатларнинг ҳар бири азим дарахт бўлиб, ҳосил бера бошласа, одамлар унинг мевасидан татиб кўришганда, «Бу боғ Мир Алишердан қолган!» – дейишса, шунинг ўзи менга ҳар қандай неъматдан лаззатлироқдир, – деб жавоб берибди.

Бу гапларни эшитган Султон Ҳусайн Мир Алишернинг саховатига қойил қолиб унга бир ҳамён тилла чиқариб берибди. Мир Алишер тиллага қараб туриб:

– Ана кўрдингизми, дўстим! Экаётган кўчатларим ҳозирданок ҳосил бера бошлади, – дея қулиб қўйибди. Султон

Хусайн Мир Алишернинг ҳозиржавоблигига яна бир бор қойил қолган экан.



Изоҳли луғат

пеша [ф.т] – иш, машғулот, касб, ҳунар
қўпормоқ – тағ-туғи, томири билан суғурмоқ, ағдармоқ



Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг. Берилган саволлар асосида режа тузинг ва мазмунини сўзланг:
 - а) Султон Ҳусайн қаерга йўл олди?
 - б) Мир Алишер нима қилаётган экан?
 - в) Султон Ҳусайн Мир Алишерга нима деб танбех берди?
 - г) Мир Алишер қандай жавоб берди?

НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-катра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Оламда ғамсиз ўтай десанг,
Илму ҳунар ўрган.

* * *

Айтар сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.

* * *

Чин сўзни ёлғонга чулғама,
Чин айта оладиган тилни ёлғонга булғама.

Бир тезучар кабутар бор экан. У узоқ-узоқларга учиб борар эди. Кунлардан бир куни бир подшоҳ уни тутиб олибди ва кафасга камаб қўйибди. Қафас жуда чиройли экан. Кабутарга дон ва сув беришибди. Лекин кабутар донни емабди, сувдан ичмабди. Чунки у жуда хафа экан. Кўзларини юмиб, осмонда мазза қилиб учиб юрган кунларини эслаб, йиғлабди. Фалакнинг гардиши билан бечора куш кўп йиллар кафасда кийналибди. Бир куни кафаснинг эшиги очик қолган экан, кабутар пайтдан фойдаланиб кочиб кетибди. У осмонга чиқиб, хурсанд бўлганидан гир-гир айланибди. Кейин ўз уйи томон учиб кетибди. Кабутар бир неча кунлик йўлни бирпасда босиб ўтибди. Уйига етиб келибди... қараса, уйчаси бузилиб, вайрон бўлган экан.

Кабутар каттиқ хафа бўлибди. Аммо қайтиб подшоҳни-кига бормабди. «Подшоҳнинг кафасида нима қиламан? У ер менга бегона. Бу ер эса бузилган, вайрона бўлса ҳам, ўз уйимдир», – дебди кабутар ўзига-ўзи. У ўз уйини тузатишга киришибди.

Кушнинг хатти-харакатларига яхшилаб қарасангиз, у чиройли кафасдан кўра тиканли вайрона, бузилган бўлса ҳам ўз уйини қанчалик яхши кўришини билиб оласиз.

Изоҳли луғат

вайрона [ф-т] – хароба

Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Мустақил режа тузинг. Тузган режаларингизни муҳокама қилинг ва режа асосида сўзланг.
2. Кабутарнинг 2 ҳолати тасвирланган ўринларни аниқланг.
3. Сизнингча «олтин қафас» яхшими, вайрона уйми?

ОҒИЛОНА ЖАВОБ

Ривоят

Алишер Навоий Хуросон ҳокими Хусайн Бойқаро саройида бош вазир экан. Подшо ҳамма вақт Навоийнинг маслаҳатларига кулоқ солар эди.

Кунлардан бир куни Хусайн Бойқаро эрталаб саройга кириш олдидан Навоийга кўриниш берибди-да, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Навоий ҳам худди ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Хусайн Бойқаро бошини чайқабди-да, саройга кирмай, изига қайтибди.

Воқеани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари бу имо-ишоранинг сабабини сўрашибди. Навоий бу жумбоқни ечишни уларнинг ўзларига ҳавола қилибди.

Шогирдлар ўйлаб-ўйлаб топишолмабди.

Шогирдлардан бири Навоийни гапга солиш мақсадида сиёҳдонни ағдариб юборибди: Шунда Навоий:

– Абдулатиф, хаёлингиз нега бунча паришон бўлиб қолди? Сиёҳдон ағдарилди-ку, – дебди.

– Кечиринг, устоз, – узр сўрабди Абдулатиф, – халиги муаммонинг сабабини ўйлаб...

Навоий: «Бошга балони нима келтиради?» – деб сўраб эди, «Тил», деб жавоб қилдим.

Шогирдлари Навоийнинг зукколигига қойил қилишибди.

Изоҳли луғат

жумбоқ – топишмоқ, ечилмаган муаммо

муаммо [а] – ҳал қилиниши лозим бўлган нарса

зукко [а] – ақлли, заковатли



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Ўқитувчингиз тузган режа матн мазмунига мос эканлигини аниқланг.
2. Хусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасидаги суҳбатни топиб ўқинг.
3. Навоий билан шогирди ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни айтиб беринг.
4. Навоийнинг зукколигини қайси сўзидан билиб олдингиз?

ҚАРҒА ВА ЧУМЧУҚ

Жўрабой Қурашев

(Масал)

Қарға айтар Чумчукка:

– Мендек дунё кезмайсан.

Чопиб доим курукка,

Сайр не – гаштин сезмайсан.

Чумчук айтар уриб дўк

Кўнгилдаги таънасин.

– Сенда муқим ватан йўқ,

Ҳатто юртдан тонасан.

Мен чидайман бериб дош,

Юртим ёзу кишига.

Бўлмадинг ҳеч эл-юртдош:

Орзунг ёт халқ ишига.

Сезган бўлиб бир имо,

Қарға учди нарёқка.

Ватан ҳисси доимо

Бегона бу саяқка.



Изоҳли лугат

таъна [а] – танбех

муқим [а] – доимий турувчи, туб жойли

саёқ – дайди



Савол ва топшириқлар:

1. Масалнинг ҳар бир банди мазмунини ўз сўзингиз билан қайта ҳикоя қилинг.
2. «Саёқ» сўзини қандай тушундингиз? Унинг ўрнида яна қандай сўз ишлатиш мумкин?
3. Шеър мазмунини шу мазмундаги масалга қиёсланг.
4. Сиз ватанингизни бошқа юртга алмаштирасизми?

Мустақил ўқиш

БОЛАРИ ВА ПАШША

Бир пашша учиб кетаётиб Арини кўриб қолиб:

– Дўстим, қаердан келаяпсан, – деди.

Ари:

– Қирдан келаяпман. Бир оз бол йиғдим. Уй ясамоқ учун мум ҳам ҳозирлаб келдим, – деди.

Пашша:

– Оҳ, биродар! Бир бошинг учун мунча ҳаракат қилурсан. Нима бўлади, сен ҳам мен каби роҳатда яшасанг. Мен яшаш учун ҳеч қийналмайман. Одамлар тайёрлаган дастурхонлардан ҳар хил таомларни еб-ичиб умр ўтказаман. Баъзан сен тўплаган болингдан ҳам тўйгунимча ейман, – деди.

Ари пашшанинг сўзларига жавобан деди.

– Оҳ дўстим! Машаққатсиз таомда лаззат бўладими? Одамлар сени супрадан қуварлар, ўлдирарлар. Сен оламда ўғрилар каби умр ўтказасан. Охирида бир ўргимчакка лўқма бўласан. Аммо мен тайёрлаган мумдан одамлар фойдаланадилар.

Хисса: Мехнатнинг охири роҳат, ялқовликнинг охири хўрликдир.



Изоҳли луғат

бол – асал

мум [а] – асалари ўзи ишлаб чиқариб ўзига уя курадиган
сакичсимон модда

машаққатсиз [ф-т] – қийинчиликсиз, заҳматсиз



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Ари ва пашша сўзларини аниқланг. Сўнг ролларга бўлиб ўқинг.
2. Ари қандай лукмани улуғлаяпти?
3. Матн мазмунини кенгайтиринг.

Ёқубжон Шукуров – ўшлик ёзувчи.
У болалар учун «Қуёш болалари»,
«Бахт», «Биринчи парвоз» ва
«Қасос» сингари асарлар ёзди.

ҚАДРДОН ПАРТА

Танаффус пайтида синфга шляпасини қўлига ушлаган оқ кийимли бир йигит кириб келди-да, болалар билан сўраш-гач, атрофни диққат билан кузата бошлади. У доска, девор ва деразаларни кўздан кечиргач, ўртадаги бир парта ёнига келиб, унга тикилганича туриб қолди. Унинг кулимсираган юзи, бирор жойи тўсатдан оғриб қолгандек, бирдан ўзгариб кетди. Синфдаги болалар ҳайрон бўлиб, у йигитга қараб қолишди.

– Мана бу партада ким ўтиради? – сўради йигит.

– Мен ўтираман, нима эди, амаки? – деди таажжуб билан йигитга яқин келган юмалок юзли бола.

– Исмингиз нима?

– Турғун.

– Турғун, бу нима қилганинг, ука? – йигит унга парта устидаги пичоқ билан ўйилган ва чизилган жойларни кўрсатди.

Турғун нима дейишини билмай ерга қаради. Партадаги чизилган жойларга кўз қирини ташлаб қизарди.

Турғуннинг синфдошлари гоҳ унга, гоҳ йигитга қараб, жим туриб қолишди. Улар нотаниш йигитнинг ким эканини билишга кизиқишар эди.

Йигит – мактабни битириб кетган ўқувчилардан эди. У шу мактабда роса ўн йил ўқиган, Турғуннинг синфида, Турғун ўтирган партада узок йиллар ўтириб, ўнинчи синфни битириб кетган эди. У партани пичоқ билан ўйиш нари турсин, хатто қалам билан ҳам чизмаган эди.

Йигит Москвада беш йил ўқиб, инженер бўлиб келди. У, бугун ўзининг жонажон ўқитувчилари, мактаби ва синфини кўргани келган эди.

– Укажон, наҳотки ҳар куни ўтириб илм оладиган партангни шунча ёмон тутсанг? – деди йигит ачиниб.

Парта атрофида давра олган болалар чурк этмай, партага тикилишганича жим туришар эди. Турғун ўз хатосини тушунди. У: «Амаки, мен иккинчи марта бундай номаъкулчилик қилмайман!» «Жонажон мактабим мулкини кўз қорачиғимдек сақлайман» демоқчи бўлди. Лекин айта олмади.

Йигит «хайр», – деб синфдан нохуш чиқа бошлади. Турғун эса унинг орқасидан шошилиб икки-уч қадам ташлади-ю, йигитдан қандай кечирим сўрашни билмай, хижолат бўлиб тўхтади. У, жойидан жилмай, ерга қараганича афсусланиб турарди...



Изоҳли луғат

таажжуб [а] – кишини ҳайратлантирадиган, ғалати,
 ажабланарли
 инженер – муҳандис
 мулк [а] – мол-дунё, бойлик



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқинг. Қисмларга ажратинг ва сарлавҳа қўйинг.
2. Режа асосида инженер йиғит ва Турғуннинг суҳбатини айтинг.
3. Турғун нотаниш йиғитдан қандай кечирим сўраши керак эди?
4. Сиз мактаб ва уйингиздаги жихозларни қандай сақлайсиз?



Матни кенгайтириш – матн мазмунини шахсий фикр билан тўлиқлаш

ҚЎБИЗ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Қирғиз халқ оғзаки ижодида қўбизнинг пайдо бўлиши ҳақида шундай ривоят бор. Қадим-қадим замонда Қамбаркан деган мерган яшаган экан. У замонларда қирғизлар овчилик билан тирикчилик қилишар эди. Қамбаркан овда топиб келган ўлжаларини барча овулдошларига улашар экан.

Кунларнинг бирида у овдан қайтар экан, ўрмондан келаётган ёқимли садони эшитиб қолибди.

– Бу қандай товуш экан? Шундай ҳам оҳангдор садо бўладими? – деб ҳайрон бўлибди ва садо келган жойга борибди.

Дарахт бутоғига илашиб қолган қандайдир жониворнинг ичагидан садо чиқаётган эди. Бунни кўрган Қамбаркан уйига келиб, чолғу асбоби ясабди. Унга, қўйнинг ичагини қуритиб, тор қилиб тортибди, чертган экан, куй чикибди.

Қамбаркан ясаган ўша мусиқа асбоби «қўбиз» дейилибди. Ўша қўбизда янграган биринчи куй «Қамбаркан» деб аталибди. «Куйларнинг боши – Қамбаркан» деган гап шундан қолган экан.



Изоҳли лугат

мерган [мўғ] – ўқни беҳато урадиган пойлоқчи
овул – кишлок



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг ва кенгайтириб қайта ҳикоя қилинг.
2. Матни ўқиб қўбиз ҳақида нима билиб олдингиз?
3. Яна қандай чолғу асбобларни биласиз?
4. Ўзбек халқ чолғу асбоблари ҳақида ривоят биласизми?

ҚЎБИЗ ТИНГЛАБ

Турсунбой Адашбоев

Қўбиз чертар Нурали
Бастакор, жуда уста.
...Сўкмок йўлдай буралиб
Тутун ўрлар охиста.

Тўрғай унга ҳамоханг,
Кўк токида чулдираб.
Табиатда ўзга ранг,
Тинди момогулдирак.

Дехқон ерга гиргиттон,
Дон тозалар пароғда.
Тулки чўчиб бургутдан,
Қочар кўзи алағда.

Ин излайди кўк турна,
Жўр беркинар шувокка.

Отда чакмон бўктирма,
Кимдир шошар улокка.

Тиниб кетди чуғурчиқ,
Балки оҳанг эшитар.
Онам-чи, кўлда урчуқ,
Хуржунга ип пишитар.

Тоғда қор ола чалпок,
Гўё ёстик куроғи.
Чунки кийган оқ қалпок
Анқир арча буроғи.

Қўбиз тинди. Мен шу чок,
Олқишладим сўнгни дам.
Куй бўлиб она қишлоқ,
Ўтди кўзим ўнгидан...



Изоҳли луғат

пароғ – катта ғалвир

бурок – арча хиди



Савол ва топшириқлар:


1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Шеър мазмунини айтинг.
3. Сиз қандай куйни ёқтирасиз?

ОҚ ҚАЛПОҚ

Турсунбой Адашбоев

«Асрлардан-асрларга
Ўтиб келган оқ қалпок,
Насллардан-наслларга
Етиб келган оқ қалпок».
Оқ қалпоқнинг оқ қисми,

Онамнинг оқ сочидир.
Қоясидан қор кетмас,
Олатоғнинг бошидир.
Оқ қалпоққа кўк жиға,
Тиқиб берган парвонам.
– Бу нимани англатар?
– Буми жаннат Фарғонам.
Чўғдек кизил хошияси,
Акси эрур қуёшнинг.
Ўз табаррук ўрни бор,
Ҳар учала қиёснинг.
Оқ қалпоғим бор экан,
Гард қўнмайди қошимга.
Ўзбегимнинг дўпписидай,
Мағрур турар бошимда.
Асрлардан-асрларга,
Ўтиб борар оқ қалпоқ.
Насллардан-наслларга,
Етиб борар оқ қалпоқ.



Изоҳли луғат

қоя – тик тоғ

жиға [ф-т] – бош қийимга тақиладиган зийнат буюми

табаррук [а] – ҳурматли, мўътабар

гард [ф-т] – чанг, тўзон, зарра



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни тўхтамларга риоя қилиб ифодали ўқинг.
2. Қуйидаги топшириқлар асосида матн мазмунини кенгайтиринг:
 - а) оқ қалпоқ тасвирланган ўринларни аниқланг.
 - б) ўзбек дўпписини тасвирланг.
 - в) ўзбек дўпписи билан оқ қалпоқ ўртасида қандай ўхшашлик бор?

ЖИМЖИЛОҚ

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кампир билан чолнинг жимжилоқдай келадиган ўғли бўлган экан. Оти ҳам Жимжилоқ экан. Нима бўпти-ю, бир куни бу болани кашкир ютиб юборибди. Йўқ, ундан ҳам олдин уни туя еб қўйган экан. Воқеа бундай бўпти: Жимжилоқ откулоқ баргининг соясида ухлаб ётган экан, ўша ерда ўтлаб юрган туя болани баргга қўшиб ямлаб юборибди. «Туя ютганини билмайди, кавшанганини биллади», деган матал ўшандан қолган.

Жимжилоқ туянинг қорнида ётиб, бор овози билан чинкириб, ёрдам сўрапти. Чол билан кампир бу овозни эшитиб қолиб, туяни сўйишибди-да, қорнидан Жимжилоқни чиқариб олишибди.

Бир куни елиб-йўртиб келаётган оч бўри Жимжилоқни учратиб қолибди.

– Зиғирдай бўлиб олиб, мунча ликкиллайсан, кимсан ўзи? Икки ямлаб бир ютайми? – дебди бўри.

– Йўқ, менга тегма, – дебди Жимжилоқ, – ўзингга қийин бўлади, ит қилиб қўяман сени.

– Гапинг бунча бетайин, бўрини ит бўлганини ким айтди сенга ўзи? Мана шу гапинг учун сени ейман, – дебди-да, бўри болани ютиб юборибди. Жимжилоқ бўрининг чап ичагига ҳам юк бўлмабди. Кейин нима егани эсидан чиқиб кетибди. Шу-шу бўри бўлганига пушаймон бўла бошлабди. Қорни очиб отарга яқинлашиши биланоқ Жимжилоқ бўри қорнида туриб, бор овози билан: «Эй чўпон, ухлама! Мен ўғри бўриман, қўйларингни кийратгани келяпман», – деб жар солар экан. Қолдан тойган бўри ерга ағанабди, ўзининг қорин-биқинини жаҳл билан уқалай бошлабди. Жимжилоққа нима? Қайтанга ундан баттар авжига чиқармиш:

– Эй, қўйчивонлар, чопинглар бу томонга, мени саваланглар! Чўпонлар бўрининг олдида ҳозир у нозир бўлишибди. Бўри эса думини қисиб қочиб қолишдан бошқа иложи қолмабди. Ҳамма ҳайронмиш. Бу қандай сир бўлди ўзи? Чунки қочиб кетаётган бўри ҳадеб: «Мени қувиб етинглар», – деб бақирармиш.

Бўри, бир амаллаб, қутилишга қутилибди-ю, лекин қорнини ҳеч нарса билан тўйдиролмабди.

Шундай қилиб, бўри қаерга бормасин, Жимжилок ҳаммани оғоҳ қилаверибди. Бўрининг тоқати тоқ бўлибди. Озиб кетганидан эти бориб устихонига ёпишибди. «Энди нима қилсам экан, ўз бошимга фалокатни сотиб олдим-ку, қайга бормай, энди менга тинчлик йўқ», – деб йиғламоқдан бери бўлибди.

Жимжилок бўлса, секингина унинг қорнидан: «Тошматга бор, қўйлари семиз! Бойматга бор итлари қари! Эрматга бор, қўйчивонлари уйқучи», – деб овоз чиқариб қўярмиш. Бўри охири хиққиллаб, йиғлаб: «Гапларингга кириб бўлман, ундан кўра бирор одамниқига бориб ит бўлиб олганим яхши», дебди. Шундай қилиб, бўри ит бўлиб қолган экан.



Изоҳли луғат

зиғирдай – зиғир, кичкина ўсимлик донаси
отар – қўйлар подаси, йирик тўда
қашқир – бўри



Савол ва топшириқлар:

1. Эртақдаги Жимжилок ҳақидаги тушунчангизни айтинг.
2. Бўри билан Жимжилок суҳбатини матндан топиб ўқинг.
3. Эртақ ҳақидаги фикрингизни баён қилинг.
4. Сиз «Жимжилок» ҳақида қандай эртақ тўқиган бўлардингиз?

БИР БЎРИ ҲАҚИДА

Масал

Ориф Одилхонов

Ҳоким экан бир кичкина
Ўрмонда бўри.
У ўйларкан ўрмонда йўк,
Деб мендан зўри.

Дағдаға, дўк қиларкан хўп
Йиғиб ҳаммани.
«Мен билмайман сизлар тугул,
Тоға-аммани».

Баъзан эса тулкиларнинг
Гапига кириб.
Қўйдек юввош ҳайвонларни
Кетаркан кириб.

Йиллар ўтиб тулкини ҳам
Суриб қўйибди.
Кези келса Шоқол дўстин
Кўзин ўйибди.

Бора-бора ёғ босиб денг
Қонли кўзлари,
Фақат энса қотирибди
Унинг сўзлари.

Қоплон, сиртлон юз ўгириб
Оқибат ёлғиз.
Ёрдам бер деб ёлборибди
Чўкиб итга тиз...

Қилмишига яраша ул
Жазо олибди.

Ибрат бўлиб биз тўқиган
Масал қолибди.

Изоҳли луғат

дағдаға [а] – дўқ-пўписа

энса – бошнинг орқа томони, ножўя гапдан аччиғи келмок
тиз чўкмок – чўк тушмок

Савол ва топириклар:

1. Масални диққат билан ўқинг ва мазмунини айтинг.
2. Бўри қандай тимсол сифатида тасвирланган?
Сифатларини сананг.
3. Ожизларга зўрлик қилишни қандай баҳолайсиз?
4. Масалдан хулоса чиқаринг ва эссе ёзинг.

Матни тўлиқ айтиш – матнинг барча қисмини ҳикоя қилиш

МАҚТАНЧОҚ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қалин ўрмон ичида, катта кўл ёқасида мақтанчоқ тошбақа бўлган экан. У бирон хавф-хатар сезилиши билан ўтлоқ ёки бутазорларга тезроқ яшириниб олишга ҳаракат қиладиган қўшнилари қурбақа, калтакесак ва илонлар устидан қулиб, уларни масхаралаб юрар экан.

Тошбақанинг ўзига нима, бирор хавф сездими, кўл ва оёқларини қосади ичига тортиб олса бас. Бундай кўрғон ичидан тортиб чиқариб бўлмас!

Қурбақа билан калтакесак душманларидан қочаётиб, тошбақадан паноҳ сўраган пайтлари ҳам бўлган. Лекин тошбақа ҳеч қачон уларга ёрдам қўлини чўзмаган.

– Сизлар билан нима ишим бор, қандай хоҳласангиз шундай қочаверинг, менга эса ҳеч ким тегмайди! – деб гердаяркан мақтанчоқ.

Бора - бора у билан хеч ким гаплашмайдиган бўлибди, ёрдам ҳам сўрамай кўйишибди.

Мактанчок зерика бошлабди: Гаплашадиган одам йўқ, севинч ва қайғуларини ким билан баҳам кўришни билмабди, кўшниларнинг олдига ялиниб боришга бўйни ёр бермабди.

Тошбақа ёлғиз ўзи яшайвераркану, лекин бир куни унинг бошига кулфат тушиб қолибди. Мева-чева излаб тепаликка чиққан экан, қайтаётганда нобоп йиқилиб, чалқанча тушиб қолибди. Шу ётганича кўлларини ночор қимирлатар, ўзини ўнглаб ололмас, калта кўллари ерга тегмас эмиш.

У шу аҳволда бир-икки кун ётибди. Қуёш киздирибди, ёмғир бўктирибди, очлик ва ташналик азоб берибди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлиб, кўшниларини ёрдамга чакирибди.

Калтакесак, қурбақа ва илонлар тўпланиб келишиб, тошбакани ночор аҳволда кўришибди-ю, бир оғиз ҳам гапирмай, ишга киришиб кетишибди: бири тошбақа остидаги ерни қазий бошлади. Иккинчиси ўнглаш осон бўлиши учун тупроқ ва майда тошларни ташишга киришибди. Илон эса, қаердандир чувалчанг топиб келиб, мадор бўлсин дея тошбаканинг оғзига солибди.

Ниҳоят ортиқча тупроқ қазиб олингач, ким қўли билан, ким елкаси билан тошбакага ёпишибди ва уни ўнглаб, оёкка турғазлашибди.

Тошбақа ҳатто раҳмат ҳам демай, буталар орасига ўрма-лаб кетибди: аввалги қилиқлари ва мактанчоклиги учун роса хижолат чекибди.

Шундан бери тошбакани хеч ким кўрмабди.

Орадан бир неча ой ўтгач, «Олис ўрмонда ғоят сахий Тошбақа пайдо бўлибди, кимки унинг ёрдамига муҳтож бўлса, жон-дили билан кўмаклашармиш» деган хабар кўшниларнинг қулоғига етибди. Ҳайратланидиган жойи йўқ. Ахир эзгу ишлар ҳақидаги хабар олис-олисларга ҳам етиб боради-да!



Изоҳли луғат

паноҳ [ф-т] – сақлаш, химоя қилиш қобилиятига эга бўлган кимса, химоя, ҳомий



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Режа тузинг. Ҳар бир қисмни тўлик айтинг. Режа тузишда қуйидаги саволлардан фойдаланинг:
 - а) мактанчоқ тошбақа нима учун гердайиб юрар эди?
 - б) унинг бошига қандай фалокат тушди?
 - в) тошбақа ўзининг хатосини қачон тушунди?
2. Сизнингча тошбақа мактаниб тўғри қилдими?

Мустақил ўқиш

АВВАЛ ЎЙЛАШ КЕРАК

Неъмат Рўзимухаммедов

Юртимизда бир донишманд яшар экан. Донишманд бир куни боғда сайр қилиб юрса, бир одам ўрик еб, данакларини қарс-қурс қилиб тиши билан чақаётганмиш.

Донишманд тўхтабди-да: «Эй, биродари азиз, нима учун сиз гавҳарни тошга алмаштираяпсиз?», – дебди. Йўловчи кўзларини бакрайтириб, донишманд нима деганига тушунмабди-да, қаҳ-қахлаб кулибди:

– «Сиз ғалати одам экансиз, нахотки мен тентак бўлсаму гавҳарни тошга алмаштираман! Гавҳар-а? Гавҳар!» Донишманд гапи ерда қолганига хафа бўлиб индамасдан кетибди.

Кун, хафта, ой ўтибди. Бояги йўловчининг тиши қаттиқ оғрибди. У тунлари мижжа қокмасмиш, юзи пуфакдек шишиб, кизарибди. Уйқусиз тунлари ўйлаб-ўйлаб, донишманднинг сўзлари эсига тушибди. «Ўша куни қарияни бекор хафа

қилган эканман. У ҳақ гапни айтган экан. Балки давосини ҳам айтар», деб, донишманднинг олдига борибди-да, салом берибди. Донишманд унинг юзига тикилиб туриб: «Гавхарни тошга алмаштирганингиз юзингизнинг шишганидан маълум. Данак дея тишингиздан айрилибсиз. Тўғри, данак ҳам табиатнинг ноз-неъматидир, лекин уни чақишга тиш эмас, тош керак! Аввал айтганимда кулган эдингиз!» – дебди.

«Энди нима қилиш керак?» – деб сўрабди йўловчи. Донишманд: «Нима қилишингизни аввал ўйлаш керак эди. Энди эса оғриқ тишни олиб ташлаш керак!» – дебди.



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Матни қисқартириб сўзлашга тайёрланинг.
2. Йўловчи азоб чекмаслиги учун нима қилиши лозим эди?
3. Донишманднинг жавобини қайта ўқинг, у тўғри сўзладими?
4. Сиз матндан қандай хулоса чиқардингиз?

ТУЛКИ ВА УЗУМ

Иван Крылов

Оч тулки узумзор бир боққа кирди,
Ишқомларда узумлар ётарди пишиб,
Шингиллар ёқутда товланар эди,
Ҳар бири тулкининг кўзин куйдириб.
Шуниси ёмонда: узум кўп баланд,
Оч тулки уринди, суринди ҳарчанд.
Иштаҳаси қарнай, оқди сўлақай,
Узумлар хўп ширин, худди асалдай.
Бекорга овора бўлиб бир соат,
Қайтаркан, аламдан деди:

– На хожат!

Кўрими яхши-ю, ўзи нордон, гўр,
Битта ҳам етилган донаси йўқдир.
Еганинг билан ҳам тиш камашадир.

Изоҳли луғат

ишком – сўртак, валиш
харчанд [ф-т] – хар қанча
гўр [ф-т] – пишиб етилмаган, хом

Савол ва топшириқлар:

1. Масални ўқинг. Режа тузинг. Ўз сўзингиз билан масал мазмунини айтиб беринг.
2. Тулки узумни нима учун ея олмади?
3. Тулки пишган узумни нима сабабдан хом деб айтди?
4. Узумзор кўриниши тасвирланган ўринни қайта ўқинг.
5. Тулкининг қандай сифатлари яққол кўринади?
6. Масал мазмуни асосида расм чизинг.

ҚАЛДИРҒОЧ ҲИММАТИ

(Ривоят)

Нух пайғамбар даврида ёғингарчилик бўлиб, ҳамма ёқни сув босиб кетибди. Одамлар, ҳайвонлар, дов-дарахтлару тоғу тошлар ҳам сув остида қолибди. Шунда Нух пайғамбар бир кема ясабди. Унга дунёдаги жамики ҳашарот, парранда ва ҳайвонлардан бир жуфтдан олиб: «Бирон бир жойда қуруклик қолгандир», – деб йўлга чикибди. Уммонга айланган ер юзида сузиб кетаётса, сичқон курмағурнинг китмирилиги тутиб, кемани тешиб қўйибди. Тешикдан сув кириб, кема ичи сувга тўла бошлабди. Нух қараб турса, кемага сув тўлиб ундагилар сувга фарқ бўладиган, шунда у:

– Кимда-ким тешикни тўсиб, сувни тўхтатиб қолса, дунёдаги энг ширин гўштни унга тақдим этаман, – дебди. Шунда илон:

– Буни мен бажараман, – дебди-да кулча бўлиб тешикка ётиб олибди. Сув тўхтабди. Нух пайғамбар янглишмаган экан. Бир жойда куруклик қолган экан, ўша жойга етиб боришибди. Шунда илон:

– Нух, айтганингни бажар энди, – дебди. Нух пайғамбар «Дунёдаги энг ширин гўштни билиб келинг-лар»,– деб, у кушни у ёкка, бу кушни бу ёкка юборибди. Қалдирғочни ҳам бир ёкка жўнатибди. Илон уч кўчанинг бошида кулча тушиб, уларни пойлаб ётибди. Бир пайт кушлардан бири келиб қолибди:

– Дунёдаги энг ширин гўшт нима экан? – деб сўрабди.

– Тошбақанинг гўшти экан, – дебди куш. Илон:

– Йўқ, у сенинг гўштинг, – деб чангал солиб, унинг ўзини ютиб юборибди. Кейин ари учиб келибди. Илон аридан: Дунёда энг ширин гўшт кимники экан? – деб сўрабди.

– Дунёда энг ширин гўшт итники экан, – деб жавоб берибди ари. Илон бир чанг солиб, унинг тилини узиб олибди. Бир пайт қалдирғоч учиб келибди. Илон:

– Қани, сен айт-чи, дунёда энг ширин, тотли гўшт кимники экан? – дебди.

Қалдирғоч ҳамма паррандаю дарранда ичида одамнинг гўшти энг ширинлигини билар экан. «Илонга одам гўшти ширин десам, у бутун умр одамзоднинг гўшти билан овқатланади, шундан кейин оламда одамзод қолмайди»,– деб ўйланибди-да унга қараб...



– Қурбаканинг гўшти дунёдаги энг ширин, тотли гўшт экан, – дебди. Илон:

– Ёлғон айтасан, – деб сапчиб унга ташланган экан, қалдирғоч эпчиллик қилиб, қочиб кетибди. Илоннинг оғзи унинг думига теккан экан, қалдирғочнинг думи айрилиб, очик қайчига ўхшаб қолибди. Шу-шу унинг думи қайчисимон эмиш. Одамзодни ўзига дўст–ошна қилиб олибди. Қалдирғочнинг одамлар уйига ин қуриши, улардан кўрқмаслиги шундан эмиш. Илон бўлса, ҳар доим ундан қасдини олиш ниятида юрармиш. Инини бузиб, тухуми ё боласини еб кўйиши ҳам шундан эмиш.



Изоҳли луғат

тақдим этаман [а] – тавсия этилган, тақлиф этилган
қитмир [а] – ўтакетган фитначи, доғули, ғаламис
тотли – мазали



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Ривоятда иштирок этган образларни айтинг.
2. Сизнингча қалдирғочнинг илонга жавоби тўғрими?
3. Сиз ривоятдан қандай хулоса чиқардингиз?
4. Нима учун қалдирғоч одамлар уйига ин қуради?
5. Ривоят асосида расм чизинг ва расм асосида ҳикоя қилинг.

ХҲРОЗ ИЛА БҲРИ

Бир бўри дарахт устида ўтирган хўрозни кўриб, тутиб емак учун дарахт остига келди. Ҳийла бирла бечора хўрозни дарахтдан туширмоқчи бўлди: «Эй, хўроз ўрток! Мен сенга бир яхши хабар келтурдум. Ҳайвонлар ила қушлар орасида сулҳ бўлди. Бир-бирига зулм қилмасга, бири иккинчисини тутиб емасга қарор берилди. Кел, биродар, пастга туш, бир-биримизга дўст бўлиб, бирга ўйнашайлик», – деди. Хўроз

бўрининг сўзига алданадурғон даражада нодон ва аҳмоқ бўлмаганидан бўрига боқуб дедики:

– Дўстим сўзинг ростдур, тўғридур. Лекин бир оз сабр қил. Сандан бошқа икки ит ҳам келдилар, ҳаммамиз бирга ўйнашурмиз, – деди.

Бўри хўроздан бу сўзни эшитган замон думини орқасига кўюб, қоча бошлади. Хўроз: «Хой биродар, нима учун қочурсан, орада сулх бор-ку?» – деса,

Бўри: – Ох дўстим! Бу золим итлар сулхни бузғонга ўхшайдур, – деб қочуб кетди. Хўроз орқасидан:

«Қуқк... куриин... куу...» – деб қичқириб қолди.

Ақл эгаси хийлага алданмагай,
Хийлагарнинг хийласи бошин егай.
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,
Фаҳм этар ҳар кишики, бўлса хушёр.

Изоҳли луғат

сулх [а] – уришувчи томонлар ўртасидаги ярашув
зулм [а] – жабр, шафқатсиз эзиш, истибдод
биродар [ф-т] – ака-ука, оға-ини

Савол ва топшириқлар:

1. Бўри нима мақсадда хўрознинг ёнига келди?
2. Бўрининг хийласи ифодаланган ўринларни матндан топиб ўқинг.
3. Хўрознинг хушёрлиги акс эттирилган ўринларни ўз сўзингиз билан айтиб беринг.
4. Масални ролларга бўлиб ўқинг.
5. Матнни қисмларга ажратинг, ҳикоя қилинг.

Басра шаҳрида бир хасис киши бор эди. У нодонлик билан олтин, кумуш йиғишга муккасидан кетган эди. Ҳотам Той саховат ва карам кўрсатишда қанча ном қозонган бўлса, у динор ва дирҳам йиғишда ундан машҳурроқ эди. Ушбу хасис ва пасткаш киши кўп машаққат чекиб, битта-битталаб олтин йиғар эди. У катта бир хазина тўплагач, уларни ер тагига кўмди. Бу очкўз яна шунга тенг келадиган бойликни тўнига гир айлантириб тикиб олган эди. Яширган беҳисоб олтинлари ўша шум ҳирсли кишининг кўзига ҳатто кундуз кунлари ҳам осмонда ярақлаган юлдузлар каби кўринар эди. У ўзида, танимга қувват, танимга қувватгина эмас, балки жонимга сихат ҳам ана шу бойликларим туфайли, деб ўйларди.

Иттифоқо, бир куни у савдо-сотик қилиш учун дарё соҳилига келди. У ерда савдо қилган молидан тушган ҳаром пулларга таом олиб еди. Шундан сўнг кўлини ювмоқчи бўлиб дарё лабига энгашди. Аммо тўнига тиккан олтинлари оғирлик қилиб, уни сувга тортиб кетди. Хасис киши ана шу ёмон феъли туфайли дарёга чўка бошлади. У сувдан чикмоқчи бўлиб, изтироб билан чунон талпинар, биров келиб кутқарар, деган умидда бақириб-чакирар эди. Аммо одамлар ёрдамга етиб келгунга қадар у дарё тубига чўкиб бўлди. Чунки унинг олтиндан бўлган лангари беҳад оғир эдики, шу сабабли у сув тубида садаф ичидаги гавҳардек мангу тик туриб қолди.

Унинг жонига офат етказган нарса, ўзи йиккан сийму зар эди. Шунингдек, унинг яшириб қўйган хазинаси ҳам талон-тарож бўлди. Олтин-кумуш оқибатда ана шундай мудҳиш воқеа билан тугади. Сен бундай жирканч ишлардан қўлингни

торт! Уларга зинҳор майл кўрсатма, чунки бу фано денгизи – дунё доимо даҳшатли тўлқин ичидадир.



Изоҳли луғат

хасис [а] – кизғанчик
карам [а] – мурувват, химмат, марҳамат
хазина [а] – бойлик
соҳил [а] – қирғоқ
сийму зар – олтин-кумуш
фано [а] – йўк бўлиб кетиш, ўлиш



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқинг.
2. Матнни қисмларга ажратинг ва сарлавҳа қўйинг, режа тузинг.
3. Режа асосида қисқартириб ҳикоя қилинг.
4. Ҳотам Тойи ким бўлган? Уни хасис кишига киёсланг.
5. Сиз бой бўлишни хоҳлайсизми? Бойлигингизни қандай сарфлар эдингиз?

ОЙНАДАГИ ҚУРБАҚА

Ёруғ жаҳонда Рожер деган кучукча яшарди. Уззу кун ойнага қарагани-қараган эди.

– Рожер, марҳамат қилиб ойнага қарашни бас қилчи!– дерди онаси.

Рожер эса эшитишни ҳам истамасди.

Рожер ойнага қарар экан: Мен энг чиройли кучукман,– деб думларини ликилллатиб қўярди.

Кунлардан бирида Рожер ўйнагани кўчага чиқиб кетганди. Онаси девордаги ойнани олиб, бўш ойна раҳининг ўзини осиб қўйди. Сўнгра ховлиси атрофидаги кўлмакда яшаётган қурбақани чақирди ва ундан ойна раҳига чиқиб туришини илтимос қилди.

Рожер уйга келибоқ ойнага чопди. Хўш, у ойнада нимани кўрди?

Йўқ, йўқ, бу мен эмас, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас! – дея акиллади Рожер ва ойнага қаради. – О, вов-вов, унинг бармоқлари бунча беўхшов! Худди қурбаканикига ўхшайди-я! Ахир, у қурбака эмас, энг чиройли кучукча-ку! Вой, таскара Рожер!

– Агар қурбака бўлсам, кўлмакда яшашим керак,– дея ўйлади Рожер. – Япроқларни кема килиб пашша тутаман. Суяк-ку яхшию... қурбака бўлгач, начора.

У кўлмак томон чопиб кетди. У ерда япроққа ўтириб олиб кута бошлади. Ахир, у қурбака эмасди-да! Барглар уни кўтаролмай Рожер билан бирга сувга шўнғий бошлади. Рожер бурнигача сувга ботиб кетди. Шу пайт кўлмакдан бир қурбака сакраб чиқди.

– Вақ-вак! Нима қиляпсан бу ерда, эси паст кучукча?

– Мен кучукчага ўхшайманми? – хайрон бўлди Рожер ва сувдан бошини чиқарди. – Ҳақиқий кучукчага-я?

– Яна нимага бўлмаса? Ойнага караганмисан, сувдан чиқиб аксингга қара-чи ўзи? Вақ-вак! Вой, ношуд кучукча-ей!

Рожер кирғоққа чиқди-да, сувга қаради: Вов-вов, мен кучукчаман! У думларини ликиллади, ирғишлаб уйига жўнади. Энди у ойнага қарадими, йўқми? Ким билади-а, болалар?

Русчадан Ю. Жўраев таржимаси

ИЗОҲЛИ ДУГАТ

уззу кун – ҳар куни, кун бўйи

таскара – хунук, беўхшов

ношуд – яроқсиз, кўлидан иш келмайдиган

ойнанинг рахи – ойнанинг рамкаси



Савол ва топшириқлар:

1. Эртакни қайта ҳикоя қилинг.
2. Кучукча мактанган ва афсусланган ўринларни аниқланг?
3. Қурбақа кучукчага қандай дашном берди?
4. Сизнингча Рожер ойнага қарайдими?

АССАЛОМ, БАҲОР!

БАҲОР КЕЛДИ ЎРТОҚЛАР

Зафар Диёр

Бахмал ёпиб йўлларга,
 Адир, дала, чўлларга
 Гуллар олиб қўлларга,
 Баҳор келди, ўртоқлар!..

Атрофимиз чаман-боғ,
 Зарварақ тўн кийди тоғ,
 Ҳар жонлининг кайфи чоғ:
 – Баҳор келди, ўртоқлар!..

Қуёш сепар нурларин,
 Ерга заррин дурларин,
 Эркалатиб ҳурларин:
 – Баҳор келди, ўртоқлар!..

Баҳоримиз энг асл,
 Энг асл – олтин фасл,
 Биз қўйнида шод насл,
 Баҳор келди ўртоқлар!



Изоҳли луғат

чаман [ф-т] – гулзор, гулшан

зарварақ [ф-т] – зардек нурафшон, зарҳал

наво [ф-т] – куй, мусиқа, оҳанг, хониш
кўк – бу ерда осмон маъносида



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ифодали ўқинг. Дам олиш ўринларини белгиланг.
2. Ҳар бир бандда баҳор тасвирланган ўринларни ўз сўзингиз билан айтинг.
3. 2-5-бандларни ўқиганда кўз олдингизга қандай манзара келди?
4. «Баҳор манзараси» мавзусида расм чизинг.

Мустақил ўқиш

СУМАЛАК – ЎТТИЗ МАЛАК

Сумалак – биби Фотиманинг таомлари экан. Бир куни у кишининг болалари оч қолибдилар. Овқат пишириб берай десалар, уйларида қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ экан. Ўшанда киш чиқиб, энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган вақт экан. Биби Фотима ҳовлисининг бир четида кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар, қарасалар, ўша кўкариб, майсалаб қолган экан. Дарров шу майсадан ўриб келиб, майдалаб қозонга солиб, супрадан қоқиштириб олинган бир сиким унни ҳам қўшиб, яхшилаб аралаштириб, устидан сув қуйиб, қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозонни қовлаб ўтиргандан кейин ўфилларига қўшилиб биби Фотима ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, қозонни ўттизта фаришта қовлаб, таом пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан. Чунки сумалак – ўттиз малак деганидир.



Савол ва топшириқлар:

1. Сиз сумалак хақида қандай ривоят биласиз?
2. Сумалак қандай тайёрланади?

МЕҲНАТ ДАРСИДА

Арслон Расул

Биз дарсда хавас билан,
 Қўл урдик кўп ишларга.
 Одилжон Аваз билан,
 Ин ясади кушларга.

Баходиржон ҳам аста
 Ишни роса боп қилди.
 Эринмай даста-даста
 Куракларга соп қилди.

Деворий рўзномага,
 Норжон ясар ромни ҳам
 Ҳашар қилиб ўзимиз,
 Тузатамиз томни ҳам.

Ботир, Боки, Рўзининг
 Қўлидан кўп иш келар.
 Раис ака сўзини
 Кутсак, совуқ киш келар.

Ваъдасини жим тинглаймиз,
 Ўйлар ёлғиз даласин.
 Биз ўзимиз ўнглаймиз,
 Мактабимиз чаласин.



Изоҳли луғат

курак – ёғочдан ясалган асбоб



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни тўхтамларга риоя қилиб ифодали ўқинг.
2. Болалар меҳнат дарсида нималар ясадилар?
3. Шеър мазмунини айтинг.
4. Сиз меҳнат дарсида нималар ясашни ўргангансиз?

КИМ ОЙИСИНИ ҚАНДАЙ ЯХШИ КЎРАДИ?

Собит Ғофуров

Ўғил болаларми ёки қизларми, бари бир, ўз оналарини турлича яхши кўришар экан. Улар бу ҳақда шундай ёзишибди.

Усмон: «Мен ойимни икки кўзим билан яхши кўраман, чунки улар мени, акамни, опамни тукқанлар».

Илёс: «Мен ойимларнинг айтганларини доимо бажараман. Бу уларни яхши кўрганим бўлади».

Холиданинг фикрича, у ойисини «овқат қилиб бергани, ювиб-тарагани, ўрин солиб бергани, дарс тайёрлаганда ёрдам бергани учун» яхши кўрар экан.

Иброҳим: «Ойим мени яхши кўрганлари учун ҳам уларни яхши кўраман» деб ёзган бўлса, Муҳаббат деган киз: «Мен ойимларни яхши кўрганим учун уларга қарашаман», деб ёзибди.

Нигоранинг гапи қизик: «Ойимни фақат мен эмас, кўп болалар, ота-оналар яхши кўришади. Менинг ойим болалар врачлари бўлиб ишлайдилар».

Зухра: «Ойим доим айтганимни қиладилар. Шунинг учун ойимни яхши кўраман» деган гапни айтган бўлса, Гулнора: «Мен қилишим лозим бўлган ишни ўзимча билиб бажараман. Буни ойим кўриб: «Барака топ, она қизим», деб кўядилар. Мен ойимни шунақасига яхши кўраман».

Исроилнинг ёзишича:

«Мен ойимнинг яхши кўришларига лойиқ иш қилганимча

йўк. Ҳозирча ахтараяпман, қидираяпман», деган бўлса, Хасанники куйидагича: «Чорак баҳоларим пасаймаса ойимни яхши кўрган бўлиб чиқаман»...

Сизнингча, ойисини чиндан яхши кўрадиган бола ким?

Сиз ойингизни яхши кўришда шу болалар ичидан кимга ўхшагингиз келади?



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Мазмунини айтинг.
2. Матндан болаларнинг онаси ҳақидаги фикрларини ўқинг.
3. Ўйланг, болаларнинг оналари ҳақидаги фикрлари тўғрими?
4. Сиз онангизни нима учун яхши кўрасиз?

ОТА - ОНА ДУОСИ

Сафо Очил

Олмасам гар кўнглим тўлмас,
Ота - онам дуосини.
Олмасам гар йўлим бўлмас,
Ота - онам дуосини.

Қайда бўлмай йўқлагайман,
Меҳрин асраб сақлагайман,
Ахир, қандай оклагайман,
Ота - онам дуосини.

Умрим бўйи ғамин ейман,
Сўзин дурга алиштирмам,
Сийму зардан ортиқ дерман,
Ота - онам дуосини.

Сафо Очил, холин сўргим,
Мудом бошим эгиб тургум,

Қанча бўлса ҳам оз кўргум,
Ота - онам дуосини.



Изоҳли луғат

дуо [а] – тилак тилаш, илтижо

мудом [а] – ҳамма вақт, доимо, ҳамиша, тўхтовсиз



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳайлаб кўринг, шеър ким хакида?
2. Ота-она хакидаги ўринларни қайта ўқинг.
Мазмунини айтинг.
3. «Кўнглим тўлмас» иборасини изоҳланг.
4. Шоир ота-она дуоси кадрини нима билан ўлчаяпти?
5. Шеърни ифодали ўқинг.

ҚАЙТАР ДУНЁ

(Афсона)

Илгари одамлар ота-онаси қариса, Фиёсинга тириклай сандиққа солиб элтиб, ташлаб келишар экан. Бир марта биров қариб қолган отасини сандиққа солиб орқалаб Фиёсинга элтиб ташлагани жўнаб, йўлда чарчаб, сандиқни бир тошга қўйиб, дам олиб ўтирса, сандиқ ичидаги отаси: – «Қилмиш қилабер муш, олдинга келсин бир муш!» – дебди. Шунда ўғли бу сўзни эшитиб, отасига: Ота бу нима деганингиз? – дебди. Отаси: ўғлим, «қилмиш қилабер муш, олдинга келсин бир муш!» Мен ҳам бир вақтлар отамни сандиққа солиб орқалаб шу тошга келиб дам олиб ўтирганимда отам сандиқнинг ичида туриб: – «Қилмиш қилабер муш, олдинга келсин бир муш!» – деган эди. Ўша кун бугун олдимга келиб шу тошда дам олиб ўтирибсан. Бир кун сенинг ҳам ўғлинг сени ҳам сандиққа солиб кўтариб келиб, шу тошда дам олади деб шу сўзни айтаётирман», – дебди.

Отасидан шу сўзни эшитган йигит таъсирланиб, отасини Фиёсинга элтиб ташлашдан воз кечиб, сандикни уйга қайтариб олиб келиб, сандикнинг остидан тешик килиб, хар замонда сандикка овқат ташлаб қўйиб, тешикдан ахлат тушса пастга олиб ташлаб ҳеч кимга билдирмай, отасини асрай берибди.

Шу орада кўп вақтлар ўтиб кетиб, бир йили ҳаводан нам келмай кўрбулоқлар кўрланиб қурий бошлабди. Сувга ташна одамлар қаердан қудук қазиса сув чиқмас эмиш. Одамлар шу аҳволдан жуда ташвишда қолибдилар. Бир куни ҳалиги отасини яшириб асраб ётган йигит: «Қани? шу тўғрисида отамдан бир маслаҳат сўраб кўрайчи?» – деб, отаси ётган сандикнинг олдига келиб: «Ота, ҳаводан ёмғир ёғмай, кўрбулоқлар қуриб кетди. Энди халқ қаерданки мўлжаллаб қудук қазиса, сув топмаётир. Ҳамма сувга ташна. Сизнинг ёшингиз улуғ, умрнинг тажрибаларини кўрган одамсиз, мабодо бирор суви яқин ер бўлса айтинг. Токи халойиқ сувсизликдан ҳалок бўлмасин», – дебди. Отаси сандикнинг ичидан туриб: – «Биялар тушда туёғи билан тирнаб ётаётган ерни ковлаб кўринглар, чунки биялар ўша ковлаётган еридан наф олиб ташна бўлмай юради», – дебди. Йигит отасидан бу сўзни эшитиб, халойиқ билан бияларнинг тушда туёғи билан ерни тирнаб ётадиган жойини ковлаб кўрибди, вақирлаб бир булок сув отилиб чиқиб кетибди. Шунда халойиқ ҳалиги йигитдан:

– Ҳой, сен бу ернинг остида булок суви борлигини қандай билдинг? – деб сўрабдилар.

Йигит отасини Фиёсинга элтиб ташламай, йўлдан қайтариб келиб, элдан яширин сандикка солиб асраб боқиб ётганини ва сувни қандай килиб топиш кераклигини отасидан эшитганини халойиққа айтиб берибди. Бу хабар подшоҳнинг ҳам қулоғига етиб, қари одамларнинг ҳаётий

тажрибалари ва ибратли гаплари элга керак бўлар экан деб шундай қарор чиқарибди:

– «Энди шу бугундан бошлаб ҳеч ким ота-онаси қариса ҳам Фиёсинга олиб бориб ташламасин! Балки, уларнинг ўзлари ўлгандан кейин иззат-икром билан сағана солиб, ўша сағанага элтиб қўйишсин. Подшоҳнинг қарорига бўйсунмаган кишиларнинг боши ўлимда, моли талонда бўлсин!».

Шундан буёғига ҳеч ким ота-онаси қариса ҳам Фиёсинга элтиб тириклайин ташламай, балки ўзлари ажали етиб ўлганларидан кейин иззат-икромлар билан сағанага элтиб кўмадиган бўлибдилар.

М. Жўраевнинг «Боболардан қолган нақллар» тўпламидан олинди.



Изоҳли луғат

бия – боласи бор байтал
сағана [ф-т] – макбара



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Ролларга бўлиб қайта ўқинг.
2. Қисмларга ажратинг ва асосий воқеаларни белгиланг.
3. Мати мазмунини қисқартириб ҳикоя қилинг.
4. «Қилмиш қилабер муш, олдингга келса бир муш» иборасини қандай тушундингиз?



Ижодий қайта ҳикоя қилиш – ўз фикрлари билан мати мазмунига муносабат билдириш

ҲАМАЛ

Шавкат Раҳмон

Эриб битди поёнсиз қорлар,
Яна қўхна замин туллади.

Водийдаги улкан ўриклар
Бир кечада оппок гуллади.

Оқ булутлар ерга кўндими,
Мўъжизалар бўлдими содир?
Оҳ, нақадар ажойиб тунда
Оқ машъала экилган водий.

Энди сафсар кечаларда оқ
Машъалалар тутиб, улуғвор
Кенгликларда кезар чиройли
Кундузларни ахтариб баҳор.



Изоҳли луғат

поёнсиз [ф-т] – чегараси йўқ, кенг
кўҳна [ф-т] – қадимий
тулламоқ – янгидан уйғонмоқ
мўъжиза [а] – ғайритабиий, илохий ҳодиса
машъала [а] – ёкиладиган машъал
сафсар – оч-бинафша ранг



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Сарлавҳа мазмунини изоҳланг.
2. Шеърда қандай манзара тасвирланган?
3. Шеър мазмуни асосида баҳорни тасвирланг.
4. «Яна кўҳна замин туллади» иборасини қандай тушундингиз?
5. «Замин, чиройли, поёнсиз» сўзлари ўрнида яна қайси сўзларни ишлатиш мумкин? Шеърни ёд олинг.

БАҲОР ЁМҒИРИ

Турар Қожомбердиев

Япроқчалар шивираб,
Ёмғир куйди дупираб.

Уй-уйлардан ёш болалар
Югуриб чиқди жовдираб.

Бўйин тенглаб теракка,
Оппоқимиз Тўлака:
– Тўкил олтин, тўкил! – дер, –
Тўкин элга барака!

Ёмғир сувин кўлига
Тўсиб олиб қорақиз:
– Олтин эмас, бу сув, – дер, –
Мана ота қарангиз.

Бул ёмғирнинг кучини
Куз бўлсин-чи қорақиз,
Олтин бошоқ буғдойни,
Йиққанда биз биламиз.



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг.
2. Шеър мазмунини ўз сўзингиз билан қайта ҳикояланг.
3. Ш. Раҳмоннинг «Ҳамал» шеъри билан
Т. Кожомбердиевнинг «Баҳор» шеърини қиёсланг.

МЕХРИГИЁ

Қўлдош Мирзо

Икки кундирки, Бўстонбек бобоси билан асаларичининг чодирда ухлайди. Эринмаган бобоси меҳригиё топиш иштиёкида бу ерга келди. Меҳригиё қаёқда! Бу ерларда чой ўт, тоғ райҳонлари, кийик ўт сероб экан. Исирикни айтмайсизми, қаёққа борманг, оёғингиз тагидан чиқади. Барра бўлиб ғунчалаб ётибди. Исирик, меҳригиёни одам оёғи етмаган жойда кўкаради девди... Буларнинг биронтасидан олмайди, Бўстонбекка ҳам юлдирмайди. Юлишнинг фурса-

ти бор эмиш. Бобосига меҳригиё бўлса, қариган чоғимда топиб олсам дейди. Бу кўкат кечаси чироқ бўлиб ёнармиш. Кундузи таниб олиш қийин экан. Бошқа ўтлардан фарк қилмас экан-да... Кеча кечаси икки жойда гумон қилинган ўтга латта боғлашган эди. Қани, бугун ўша ўтларни топиб келишади-ку.

Чала-ярим ухлаганидан боши карахт Бўстонбек ўрнидан тургиси келмай, шуларни ўйлаб ётар эди. Уйларидан бошқа жойда, ўргангуча, шунақа, икки-уч кунга қадар ухлай олмайди. Шундай қусури бор. Меҳригиёнинг иштиёкида юрагига жўш кирди-да, жойидан турди. Топишсин-чи, меҳригиёмикин? Меҳригиё қандай кўкат бўларкин?

Бобоси аллақачон дала оралаб кетган эди. Бўстонбек уни аранг топиб олди. Қалин ўтлар ичра чопар экан, шудрингдан шими тиззасигача шалаббо бўлиб кетди. Бир маҳал бобосининг овозини эшитиб қолди.

– Мен бу ёқдаман, Бўстонбек. – «...тон-бек-бек», – деб тоғлар акси-садо берди, Ҳамдам ота харсанг тошда ўтирар эди.

Бўстонбек ёнбағирликка кўтарилгунча, хансираб қолди. Бобосига яқинлашганда, виш-ш, виш-ш этган товушдан чўчиб тўхтади. Ундан беш метр нарида бир жуфт илон бош кўтарганича аланглаб турар эди. Бир зум тили лол қотди-да, сўнг тистарилиб:

– Бобо, илон!... – деди. Шошганича бориб бобосининг кучоғига отилди. – Илон! Иккита илон! Ҳов ана! – қўли билан кўрсатди.

Бобоси ўрнидан турди.

– Виш-ш, виш-ш, деди.

– Биз бормиз деб сенга айтишган-да. Шундай, жониворлар ўзларидан нишон беришади. Сен тегмасанг, улар зиён етказишмайди. Оббў, уришяпти-ку. Илонлар, худди хўрозлар чўкилашгандек, тумшукларини бир-бирига уришар

эди. Ўнг келиб қолса, қаддини кўтариб, бир-бирининг бўйнига мисоли камчидек савалайди.

– Катта илонлар экан. Нима бўлдийкин. Ажабо, – ўзича сўзланар эди Ҳамдам ота. – Яна бир илон бор экан. Ҳўв ана, тошнинг тепасида. Уни кўрмаган экансан.

– Қурол ишлатиш номардлик бўлади. Тишлашиш, захар отиш-илонлар учун номардлик. Фирромлик одамлардан чиққан, ярокни орқа қилиш ҳам бизда бор. «Қуёвлар жанги» экан бу, болам.

Бобо билан невара жангни марок билан кузатишди. Илонлар бунча чиройли, жилвадор бўлмаса! Пўстидаги безакларни айтинг. Бобоси кўрсатган Бокий мачитининг накшларидан қолишмайди-я. Бувиси қийиқларга тикадиган кашталарга ўхшайди...

Илонларнинг бири енгилди, аста нари кетди. Голиб илон эса жангни кузатиб ётган ҳакам – учинчи илон томон йўл олди.

Ҳамдам ота аста ўрнидан турди. Хомушгина борар экан, Бўстонбек сўради:

– Меҳриғёни топдингизми, бобо?

Бобосининг чехраси тундлашди.

– Йўқ. – Унинг товуши бўғиқ чиқди.

– Наҳотки тополмасак!? – Алам билан деди Бўстонбек.



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқинг. Маъносини тушунмаган сўзларингизни аниқланг ва «изоҳли луғат»дан билиб олинг.
2. Матидан табиат тасвирланган ўринларни аниқланг.
3. Илонлар олишуви тасвирланган ўринни аниқланг.

Мирзоҳид Мирзараҳимов – ўшлик ёзувчи. Болалар учун «Кичкина деманг бизни» драматик асарини, «Бобом ҳақида ҳикоялар» тўпламини ёзган.

ЧИРОҚ

Яқинда бобом билан яна бозорга тушдик. Дандон канд, куртоб, иккита қовун олиб чиқиб келаётсак темирчилар дўконлари олдида бир кампир олдига шишаси синик қиркинчи осма чироқ кўйиб ўтирибди. Бобом караб-қараб бир неча кадам ўтди-ю, кейин бирдан орқасига қайтди. Нима қиларкин десам ўша кампир қаршисида тўхтаб, осма чироқни кўлига олиб, айлантириб кўра бошлади.

– Сотасизми? – сўради у бошига дока рўмол солиб, юзини тўсиб ўтирган кампирдан.

Кампир нимадир деб минғирлади.

– Қанча сўрайсиз?

– Ўзингиз билиб бераверинг, – деди кампир паст овозда, электр ёқиб, унинг кераги бўлмай қолди. Бекор ётгандан кўра бировнинг корига ярар деб олиб тушгандим.

– Яхши қилибсиз. Шамол бўлди, электримиз ўчиб қолади. Анчадан бери излаб юргандим, – у битта ўн сўмлик узатди, – етадимми?

Кампирнинг пул ушлаган бармоқлари титради.

– Озроқ берсангиз ҳам бўлар, – деди у калтираб, – ўзи эски, шишаси ҳам синик.

– Эски бўлса ҳам топилганини айтинг, – деди бобом севиниб, – хўп, барака топинг.

Чироқни олиб йўлга тушдик. Бобомнинг чиндан ҳам қувонаётганини кўриб ажабландим. Уйда бир эмас, иккита чироғимиз бор. Иккаласи ҳам ишлатилмай ертўлада ётади. Бобом яна буни нима қилади?

Энди ўн-ўн беш қадам юргандик, биров елкасидан тортиди. Қарасам, бояги кампир. Қўлида пул, увок бармоқлари титраб турибди.

Ўйланг, нима учун кампир бобо билан набирани тўхтатди?

– Нима бўлди, – хайрон бўлди бобом.

– Сотмайман, – деди кампир йиғлагудек бўлиб, – илтимос қайтариб беринг.

– Нима, озми? – пулга ишора қилиб бобом, – майли, яна кўшай бўлмаса.



– Йўқ, йўқ, – кампир йиғлаб юборди.

– Сизга нима бўлди. Нимага йиғлайсиз?

– Кечиринг, – деди кампир, – сизни алдаб гуноҳга ботдим, чирок тешик эди.

Нимагадир бобом янада хурсанд бўлиб кетганга ўхшади.

– Э, шунгами, ҳечқиси йўқ, майли, қалайлатиб оларман.

– Бўлмаса мана бунга қалайлатарсиз, – кампир уч сом қайтим узатди. – Рози бўлинг.

– Минг марта розиман, – деди бобом, истар-истамас қайтимни оларкан.

Йўл бўйи шишаси синик, тешик чироқ нимага бунча зарурлигини билолмай хунобим ошар, бунинг устига бобомнинг қувончи мени яна ҳам хайратлантирарди. Охир уйга яқинлашганда сўрадим.

– Бобо, уни нимага олдингиз? Ўзи тешик, шишаси синик бўлса.

– Савоб учун, болам.

Ўлай агар, ҳеч нарса тушунмадим. Ўша чироқ ҳозир ҳам томда чанг босиб ётибди.



Изоҳли луғат

дандон канд [ф-т] – ширинлик

қалайлатмоқ – металл қисмларни бир-бирига қавшар-
ламоқ, ёпиштирмоқ



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ролларга бўлиб ўқинг.
2. Нима учун кампирнинг қўллари титради?
3. Бобонинг «савоб учун, болам» гапини тушундингизми?
4. Ҳикояни қисмларга бўлинг, режа тузинг ва тўлиқ қайта ҳикоя қилинг. Бобо, кампир тимсолини қиёсланг.
5. «Савоб иш» ҳақида ўзингиз ҳам ҳикоя айтинг.

ҚИШЛОҒИМИНИНГ ҚИШИ

Олимжон Холдор

Борлиқ ухлар, пичирлаб,
Элаб-элаб ёғар қор.
Оппоқ капалакларда
Бир қарашма, бир ноз бор.

Борлик чойшаб ёпинган,
Тоғларга хол чекилмиш.
Жилғаларга гўёки,
Олма гули тўкилмиш.

Унинг жилолаларида,
Кўнглимнинг оклиги бор.
Хаёлимда ўтмишдан –
Эртак сўйлаб ёғар қор.

ЖАЛА

Чакмок чакиб, момакалдирок,
Еру кўкни ларзага солди.
Жала куйиб яйловда, бирок,
Қочмокқа жой топилмай колди.

Биз шалоббо бўлдик бирпасда,
Баданларга ёпишди кўйлак.
Жала тингач, тоғ тепасида
Пайдо бўлди олтин камалак.
Яна бирдан ёришди осмон,
Қуёш ўтли нафасин сочди.
Дил ўртаган ғашлик ногахон,
Ит кувгандай кайгадур қочди.

Изоҳли луғат

борлик – бутун олам, мавжудот

жилға – тоғдан оқиб тушаётган кичкина дарёча

ғашлик – бирор нарсадан ташвишланиш, безовталиқ,
таъби хиралиқ, хафалиқ

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳар иккала шеърни тўхтамларга риоя қилиб ўқинг.
2. Шеърларда қайси фасллар тасвирланган, қиёсланг.

3. Мазмунини сўзланг.

4. Ҳар икки шеърдан бирини ёд олинг.

ЖАННАТИ ОДАМЛАР

Худойберди Тўхтабоев

Эрка чолнинг кимлигини ҳам, у киши менга бобо бўлишини ҳам ҳеч ким билмайди. Билмасликлари ҳам мумкин, ахир у жаннати зотнинг оламдан ўтганига неча-неча йиллар бўлди-ку...

Ёши етмишларга бориб қолган, новча бўйли, тик қомадли, тарашадек қотма, чўзиқ юзли, серзарда ва энг муҳими тиниб-тинчимас бир инсон эди...



Сутга тўймаган қўзи онасининг орқасидан қолмаганидек, эрта-кеч бобомнинг ортидан эргашиб юрардим. Ҳатто тунда ҳам бир ўринда ётардик. Ётишим билан бармоқларим билан соқолларини тараб, эртақ айтиб берасиз дея, қийин-қистовга олар эдим...

- Бир куни эрталаб катта кўк эшагимизни етаклаб чиқиб:
- Қани, оркамга мингашчи, – деб қолдилар.
 - Қаёққа борамиз? – дея сўрайман севиниб.
 - Қашқаркишлоқдан ўрик кўчат олиб келамиз.
 - Ўрик кўчат ўзимизда бор-ку?
 - У бошқаси, ўғлим.
 - Қанақаси?
 - Бас, энди жим кет...

Шу йўсин Қашқарга бориб бир кучоқ майда кўчат олиб қайтдик... Ниҳолларни адир томонда сахни бир танобча келадиган дўнгликка экиб тугатдик.

Раҳматли бобом ўша йили ҳам, кейинги пайтларда ҳам хуржуннинг икки кўзига икки кўзани солиб тепаликка сув ташигани-ташиган эди. Мени қанчалик суюб эркаласа, ниҳолларини ҳам то ҳосилга киргунча ана шундай эркалагани хали ҳам эсимда.

Демак, деб ўйлайман, йигитчалар даврасида ўтирга-нимда бобожоним аллақачон оламдан ўтиб кетган бўлса ҳам, унинг номи шундайлигича ўзи эккан ниҳолларига ўтиб, ниҳоллар киёфасида ҳамон яшаб келаётган экан-да. Раҳматли, дарахт эксанг жаннати бўласан, дерди. Эҳтимол жаннати ҳам бўлгандир, арвоҳи шод-шод учиб юргандир...

Шуларни ўйлаб, қувончимни ичимга сиғдиролмай, энтика-энтика ўрнимдан туриб кетдим... бобом эккан ўрикларни кўргим келиб. Шошилиб адирга жўнадим.

*Х.Тўхтабоевнинг «Жаннати одамлар»
қиссасидан нарча*

Изоҳли луғат

бир таноб - 1/6 дан 1/2 гектаргача бўлган ер
хуржун [ф-т] – юк солинадиган икки кўзли қон



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқинг, сарлавҳа қўйинг. 2-синфда ўқиган қайси ҳикоя ёдингизга тушди?
2. Чолнинг ташқи кўриниши тасвирланган ўринларни кўрсатинг.
3. Матндан чолнинг меҳнатсеварлигини билдирувчи ўринларни топиб қайта ўқинг.
4. «Дарахт эксанг, жаннати бўласан» иборасини сиз қандай тушундингиз?
5. Матн мазмунига мос мақоллар биласизми?

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Наврўз – «янги кун» деган маънони билдиради. Баҳорнинг бошланиши, табиатнинг жонланиши наврўз деб қабул қилинган.

Наврўз байрамида миллий ўйинлар ва катта томошалар ўтказилади.

Наврўзнинг «шоҳона» таоми сумалақдир. Сумалақ энг тотли ва шифобахш таомдир.

Наврўз – дехқонлар учун меҳнат мавсумининг бошланишидир. Бободехқонлар:

«Ҳамал келди – амал келди,
Еримизга жамол келди» –

дея бежиз айтишмаган.



Савол ва топшириқлар:

1. Матнни ўқиб, Наврўз байрами ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Сумалақ қандай тайёрланади?
3. «Ҳамал келди – амал келди» иборасини изоҳлаб беринг.
4. Яна қандай баҳорий байрамларни биласиз?
5. Матн мазмунини кенгайтиринг.

БЕРУНИЙНИНГ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ

(Ривоят)

Беруний йилига икка мартагина дам олар экан. Биринчиси Наврӯз байрами бошланган куни, иккинчиси, буғдойга биринчи ўроқ тушганда.

Дилларни хушнуд этиб, Наврӯзи олам келган куни эрта тонгданок ўринларидан туриб, ювиниб-тараниб, яхши либосларни кийиб, кариндош-уруғларни, кейин ёру-биродарларни зиёрат қилиб, ҳаммадан хабар олар эканлар. Улар билан бирга бўлиб, суҳбатлашар, хазил-мутойиба қилар, аскиялар айтишар эканлар. Кейин то кош қорайгунча кўш кўшишар, ерга биринчи омов солишда қатнашар, ниҳол экишаркан... ҳол-аҳвол сўраганларга:

– Дам олиб, ҳаёт лаззатини тотиб кўрмоқдаман, – деб жавоб берар эканлар.

Бошқоққа биринчи ўроқ тушган куни ҳам дехқонча либос кийиб олиб, қўлларига ўроқ тутиб, азондан то кечгача буғдой ўрар. Уни чархлар эканлар. Кўрган-кетганлар: «Ҳорманг», – деганда: «Бор бўлинг», – деб жавоб берар эканлар. Қаранг-а, улуғ аллома мутолаа, китоб ёзиш, тажриба ўтказишдан йилига икки кун вақт ажратиб, азондан то кечгача кўш кўшиб, шудғор қилишни, ўроқ ўришни ўзи учун дам олиш деб билар эканлар.

Ҳа, Беруний: «Бир дақиқа вақтни беҳуда ўтказганим – ҳалок бўлганим», – дер эканлар.



Изоҳли луғат

либос [а] – кийим, уст-бош

мутолаа [а] – диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш



Савол ва топшириқлар:

1. Вақтдан унумли фойдаланиш ҳақида нималарни билиб олдингиз?

2. Сиз вақтдан қандай фойдаланасиз?
3. Вақт ҳақида қандай фикрдасиз?
4. Берунийнинг вақтнинг кадри ҳақидаги гапини ўқинг.
5. Беруний ҳақида ҳикоя тузинг.

ТОҒ ЛОЛАСИ

Раззоқ Иброҳим

1


Тоғ лоласи муродга,
Ана, етибди.
Қадами теккан жойга
Байроқ тикибди.



2

Уруғин ким қадаган?
Албатта, шамол.
Алла айтиб сийпалар,
Ўс, деб бемалол.

Шафакдан ранг олиб у,
Ловуллар юзи.
Ярашибди ўзига,
Ёрқин юлдузи.
Ёмғир унинг, азизлар,
Жонидир, жони.
Табиатнинг доимо,
Шудир армони.
Лола, ёмғир... бир улар,
Ажралмас ўртоқ.
Гўзаллик танасига,
Тушмасин ўроқ.



Изоҳли луғат

мурод [а] – мақсадга эришиш, муддао, орзу
шафак [а] – уфқда ҳосил бўладиган кизиллик



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Шеърни ўқиб, кўз олдингизга қандай манзара келди?
3. «Гўзаллик танасига тушмасин ўроқ» иборасини қандай тушундингиз?
4. Тоғ доласини тасвирланг.
5. Шеърни ёд олинг.

ИККИ ҚАРҒА

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир ўрмонда икки қарға яшар экан. Улар овқат топишга эриниб хийла ўйлашибди. Шунда бир қарға иккинчи қарғага:

– Мен хийла ўйладим, ўша хийлани ишлатсак, текин овқатланиб ётаверамиз, – дебди. Қарға гапини давом эттириб: – Биз бир-биримизнинг патимизни бир дона қолдирмай юламиз. Шунда биз ёш қушчалар бўлиб

қоламиз. Бир қушнинг инига борамиз, унинг тухумларини олиб ташлаб жойига ўтирамыз. Она қуш келиб «болам» деб бизни овқатлантираверади, дебди. Иккинчи қарға: – Майли, дебди. Кейин икки қарға бир қуш инига бориб, бир-бирининг патларини юлиб кип-қизил гўштга айланибдилар. Индаги тухумларни олиб ташлаб ўрнига ўтирибдилар. Ўз инига келган она қуш иккинчи қушга: – Мана, болаларимиз ҳам тухумдан чиқибди, – дебди. Улар ҳар хил овқатлар келтириб бераверибдилар. Бир неча кундан кейин икки қарғада аста-секин пат чиқа бошлабди. Шунда улар яна бир-бирларининг патларини юлиб ташлабдилар. Буни кўрган она қуш «болалари»га: –Энди ҳеч ерда овқат қолмади. Энди ўзларинг ўзларингизга овқат топинглар, – дебди. Шунда улар она қушга қараб: – Бизлар овқат бор жойни биламыз. Шу сойликдан бораверсангиз бир боққа борасиз, у ерда ҳар хил курт-кумурсақалар кўп, – дебдилар. Шунда она қуш иккинчи қушга: – Бизнинг «болаларимиз» ёш бўлса ҳам ҳамма жойни биладилар-а, – дебди. Шундан кейин қушлар у ердан ҳам овқат келтириб берибдилар. Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Бир куни ўрмонда қаердандир ўт чиқибди. Ўрмон ёна бошлабди. Шунда ҳамма қушлар ўзларини қутқариб учиб кетибдилар. Бу икки қарға эса патсизликдан учолмай, қилган ишидан пушаймон бўлиб, оловда жизғанақ бўлиб куйиб ўлибдилар.

МАҚТАНЧОҚ ҒОЗ

Бир мақтанчок ғоз бор экан. У ғоз ҳар куни одамлар олдига келиб мақтанаверар экан. Бир куни яна мақтаниб:

– Мен осмонда учаман, сувда сузаман, ерда чопаман, – дебди. Бир доно одам келиб ғоздан:

– Осмонда учганингда сен бургутдек уча оласанми, – деб сўрабди.

Ғоз:

– Йўқ, – дебди. Доно одам;

– Сувда сузганингда балиқдек суза оласанми, – дебди.

Ғоз:

– Йўқ, – дебди. Яна доно одам:

– Ерда чопганингда отдек чопа оласанми, – дебди.

Ғоз:

– Йўқ, – дебди. Шунда одамлар кулишибди:

– Ҳай, мақтанчоқ ғоз. Ҳунаринг оз! – деб уриб кувиб юборибдилар.

Хулоса: баъзи одамлар ҳам худди шу ғоздек мақтаниб дакки ейди.

Нақллари Комилжон Имомов тўлаган.



Савол ва топшириқлар:

1. «Икки қарға» ва «Мақтанчоқ ғоз» нақллари сизда қандай таассурот қолдирди?
2. Икки қарға нима учун ҳалокатга учради?
3. Нима учун одамлар мақтанчоқ ғоз устидан кулишди?
4. Ҳар икки нақлдан хулоса чиқаринг ва «Ишёкмас, мақтанчоқ бола» ҳақида эртак тузинг.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Матн мазмунини қайта ҳикоялаш нима?
2. Матнни кенгайтириб ҳикоя қилинг?
3. Ўқиган айрим асарларингизни тўлиқ айтиб беринг.
4. Матнни қисқартириб ҳикоя қилиш нима?
5. Ижодий қайта ҳикоя қилиш қандай амалга оширилади?
6. Ўқиган шеърларингизни насрий баён қилинг.



Таҳлил қилиш – матни ўқиш, идрок қилиш ва шу мазмунга муносабат билдириш

ҚУЁШ ВА БУЛУТ

Жонни Родари

Қувнок, улуғвор, саховатли қуёш осмон қўйнида сайр қилиб юрган экан. У икки ғилдиракли ўт аравада ўқдай учиб, чор атрофга оташ нурларини сочармиш.

Булут эса момақалдиروق ортидан таъби хира, дарғазаб бўлиб тўнғиллабди:

– Исрофгар, нобудгар! Нурларингни ҳар томонга сочавер, тўкавер! Бисотингдаги бор-йўғингдан ажраб, ҳеч ниманг қолмаганда роса пушаймон бўласан!...

Узумзордаги новдалар пишиб етилаётган ҳар бир узум донаси битта, уддасидан чиқса иккита қуёш заррасини олиб кетиш пайида бўларкан. Ҳар бир ўт, ўргимчак гул ёки томчи сув ўз хиссасини олишга уринишар экан.

– Ҳа, майли, ким кўрса сени шилиб кетяпти. Ҳали кўрамиз, бисотингда олишга ҳеч нима қолмаганда ўшалар сенга раҳмат дейишармикан, – деб жиғибийрон бўлармиш булут.

Қувнок қуёш бўлса гўё ҳеч гап бўлмагандай осмон қўйнида юмалаб, нурларини ким мухтож бўлса, сахийлик билан миллионлаб, миллиардлаб, ҳисобсиз тарқатармиш.

Факат кун ботар пайтида қуёш ўз нурларини ҳисоблаб чиқмокчи бўлибди. Буни қаранг-ки, бирортаси ҳам йўқолмабди, бекор исроф бўлмабди. Булут ҳайратдан дўл бўлиб сочилиб кетибди. Қуёш бўлса шўх-шодон денгиз қўйнига жўнабди.



Изоҳли луғат

саховатли [а] – баланд ҳиммат, саҳийлик
таъби хира [а] – кайфияти бузук
исрофгар [а-ф-т] – беҳуда сарф килувчи
жиғибийрон [ф-т] – ортиқ даражада куйинмок, ўртанмок,
тутакиб кетмок



Савол ва топшириқлар:

1. Ўйланг. Эртас нима ҳақида экан? Қуёш ва булут гапира оладими?
2. Қуёш тасвирланган ўринларни топинг ва қайта ўқинг.
3. Булутнинг норозилигини ифодаловчи ўринларни аниқланг.
4. Сиз ҳаётни қуёшсиз тасаввур қила оласизми?
5. Эртас асосида расм чизинг.

Мустиқил ўқиш

ЯХШИ ОДАМЛАР

Сайдали Маъмур

Нима сероб, нима кўп?
– Денгиздағиғ-ғиғ балик.
Юлдуз мўл-кўл осмонда,
Ерда дарё ва арик.

Нима сероб, нима мўл?
– Тоғда хазина, маъдан.
Укажоним дафтарида
«Беш» баҳо кўп ҳаммадан.

– Нима мўл-кўл, нима кўп?
– Шуълага сероб офтоб.
Бизнинг уйда, оғайни,
Роса ҳам кўпдир китоб.

Нима сероб, болалар?
– Боғда писта, бодомлар.
Аммо ҳамма нарсадан
Кўпдир яхши одамлар!



Савол ва топшириқлар:

1. Яхши одам қандай бўлади?
2. Сиз ёмонлик ва яхшиликка қандай таъриф берар эдингиз?



Жонлантириш – инсон ва жонли мавжудотга хос белгилар табиат ҳодисаларига кўчади

МЕВАЛАР МОЖАРОСИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

Ўрик ўрнидан туриб,
Рангини сарғайтуриб,
Келди тутнинг бошига
Шовкин солиб тик туриб.

Деди: «Эй тут, талпайиб,
Дема ҳар сўз ялпайиб.
Бошгинанга бир урай,
Ерда қолгин шалпайиб.

Сени кўп еган киши,
Бадан қашимоқ иши.
Ортиқчадур устига
Юракбуруғ ташвиши.

Ори, ман сандан кейин,
Сандан юз ҳисса ширин.
Айтиб адо қилмайин
Қайси хуснимнинг бирин.

Ўзим минг дардга даво
Курутса андин бажо.
Ҳатто мағзини олиб,
Солгай қандолат аро.

Мухтасар айлай сўзим,
Мева ичра бир ўзим.
Боғ ичини ёруттар,
Оппок, ойдиндек юзим».



Изоҳли луғат

можаро [а] – ходиса, воқеа
мухтасар [а] – қисқа, лўнда
ойдин – ой нури билан ёруғ кеча
юрақбуруғ – [а] касаллик (ичбуруғ)



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Ўрик сўзлаган ўринларни аниқланг.
2. Ўрик дарахти ва мевасини тасвирланг.
3. Ҳамзанинг «Олча», «Гилос» ҳақидаги шеърларини топиб ўқинг.
4. Шеър мазмуни асосида рус-қирғиз-ўзбек тилида луғат тузинг?



Инсон тасвири – унинг ички ва ташқи киёфасини белгилаш

ЧОЛ ВА УНИНГ НЕВАРАСИ

Бир замонлар ёши бир жойга бориб қолган чол ўтган экан. Кексалик асаридан унинг кўзлари хиралашган, қулоқлари эшитмайдиган, тиззалари эса қалтирайдиган бўлиб қолган экан. У овқатлангани ҳонтахта атрофига ўтирганида, қошиқни зўрға тутар, баъзан қўллари титраганидан овқатни

дастурхонга тўқар, оғзида овқат турмас экан. Чолнинг ўғли билан келини бундан жирканибдилар. Шу боисдан чолга куйидан, печка ёнидаги бурчакдан жой килиб берибдилар. Чол алмисокдан қолган сопол косада овқатланар, лекин доим тўймай коларкан. Ноқобил ўғли ва келинининг кўрсатган бу хўрликларидан чолнинг юраги эзилиб, баъзан кўзларига ёш келаркан.

Кунлардан бир кун сопол коса унинг титроқ қўлларидан тушиб кетибди-да, чил-чил синибди. Келини ғазаб билан чолга қарабди. Бироқ чол ҳеч нима демай хўрсиниб қўйибди. Аччиғи чиққан келин шу кунлик бозорга бориб, бир неча чақага ёғоч идиш сотиб олибди. Қария бундан кейин ана шу идишда овқат ея бошлабди.

Ўғли билан келини стол атрофида ўтирганларида, чолнинг тўрт ёшлар чамасидаги невараси кўчадан майда тахтачаларни кўтариб уйга кирибди.

– Буларни нима қиласан? – сўрабди отаси.

– Булардан тоғорача ясайман, – деб жавоб берибди ўғил, – сизлар қариб қолганингизда ана шу тоғорачада овқат берман.

Эр-хотин бир-бирларига қараб туриб, йиғлаб юборибдилар. Шу захотиёқ чолни стол атрофига ўтказиб яна бирга овқатланадиган бўлибдилар. Ҳатто чолнинг қўллари титраб, баъзан овқатни тўкиб юборганида ҳам индамайдиган бўлибдилар.

Олмон тилидан Саю Саидов таржимаси



Изоҳли луғат

ноқобил [ф-т-а] – қобилиятсиз, лаёқатсиз
хўрлик – таҳкирланиш



Савол ва топшириқлар:

1. Ўйланг. Эртас нима ҳақида?

2. Чолнинг кексалигини тасвирловчи ўринларни аниқланг.
3. Келиннинг кекса қайнотасига муносабатини билдирувчи ўринларни кўрсатинг.
4. Набиранинг жавобини ўйлаб кўринг.

АЛИШЕРНИНГ БОЛАЛИГИ

Ойбек

Алишер бу катта боғ ҳовлининг ҳар бир бурчагини томоша қилиб узоқ юрди. Дарахтларнинг новдаларига осилган рангдор қафаслардаги тўти, булбул, майналарни марок ила томоша қилди. Уларнинг қафас ичра тинимсиз сакрашларини, сайрашларини узоқ кузатди. Қушларга қараб юрадиган махсус хизматкорга эргашиб, унга битмас-туганмас саволлар берди.

Бир пайт қаршисида етти ёшдаги шахзода Ҳусайн пайдо бўлди. Унинг бошида кичкина ипак салла, устида янги бахмал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарига олтин сопли кичик ханжар суқилган. Ҳусайн осмонга сапчиш учун тайёр, оловдай шижоатли бола эди.

– Қушлар, қанизлар оёғига ўралашиб не қилиб юурсен? – деб сўради қак-қаклаб Ҳусайн.

– Қушларни сайр этурмен, бир-биридан кўркам... – деб жавоб берди Алишер.

– Воҳ, қушлар тоифаси бехисобдур, лекин кабутарлардан ўзгаси билан ишим йўқ, дўстим. Юр кўчага, зерикдим.

Шахзода Ҳусайн ва Алишер кўчага отилдилар.

Катта майдонда йигитлар ўқ узиш машқи ила машғул эдилар. Беклар, миршаблар кўп эди.

Болалар қизиқиб томоша қилдилар. Бир томонда икки фил катта-катта хариларни кўтариб лопиллаб, қайдандир ташиб келарди. Филлар устида ўтирган бўз яқтакли икки ориқ чол ўзаро тинмай гаплашиб, баъзан кулиб қўяр эди.

Совут кийган, от минган йигитлар бир қўлларида ёй, бир қўллари билан ўқ узардилар. Улар бир маррага етганда дарҳол қилич-қалқон тутиб қиличбозликка киришар, шовкин-сурон кўтарар, чуввос, хайкириқ билан майдон ўртасида йнкилиб қолар эдилар. Майдон четида бир тўда беклар «Яхши-яхши!», «Балли!», «Офарин!», – деб уларни рағбатлантириб турардилар.

– Жасур йигитлар-а! – деди Ҳусайн катталардек салмоқланиб. – Худо хоҳласа, мен қиличбоз бўлурмен, кўзимга кўринган ёвнинг қалласини сапчадек учурурмен.

Алишер кулди.

– Тушундим, қиличбозликнинг сизга зарурияти каттадир.

– Ҳа, дўстим, – деди Ҳусайн мағрурона, – ақлинг жойида!

Алишер индамади, у майдонда чопиб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопкирроқ, деган ҳаёл билан банд эди.

– Қара, кабутарлар рақсини кўр! – Алишернинг енгини тортди, осмонга қараб Ҳусайн.

Осмонда рақс этиб юрган тўда кабутарларни бир нафас қузатдилар.

– Кабутарлар фаришталарга ўхшайди-я! – деди ўйланиб Алишер.

– Мен ҳўб севадурмен кабутарларни, томошадан чарчашни билмайдурмен, ишким баланд...

Шу тобда Ҳусайн олдида беўхшов ўралган катта саллали, кўзлари хийлакор, ўттизлардан ошган бир йигит, қўллари кўксиди, таъзим ила тўхтади:

– Шахзода, кеч бўлди, рухсат берсалар кетайлик.

– Шахзода, хайр, яхши борсинлар, – деди Алишер ҳам хаяжонда.

Учи туташиб кетган чинорлар хиёбонида икки отлик кўздан ғойиб бўлгач, Алишер аста юриб, ичкарига кирди.



Изоҳли луғат

ханжар – икки томони тигли пичок
 хари – узун йўғон ёғоч
 совут – пўлат симдан тўкилган кийим
 ёй – камалак
 қиличбоз – қилич билан жанг қилувчи



Савол ва топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Боғ ҳовли ва қиличбоз йигитлар тасвирланган ўринларни аниқланг.
2. Алишер ва Ҳусайннинг қизиқишларидан улар ҳақида қандай хулоса чиқариш мумкин?
3. Алишер ва Ҳусайн ҳақида 3 гапдан иборат эссе ёзинг.

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Рауф Толиб

Боғ, далаларда
 Минг битта овоз.
 Гўё табиат
 Бизга сўйлар роз.
 Йўллар кезамиз
 Чорлар дала, боғ.



Табиат сўйлар
Тутамиз кулок.
Айтинг шаркираб
Не деркин сувлар?
Шамоллар не дер
Боғма - боғ увлаб?
Бошимиз узра
Япроқ шилдирар.
Бўлмагин дерми
Ё сояпарвар?
Не деркин кушлар
Сайраб кун бўйи?



Изоҳли луғат

бўй [ф-т] – хид, ис

роз [ф-т] – дилдаги орзу, тилак



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Нима учун сув, шамол, боғ, тоғ, кушлар табиатдан завқландилар?
2. Шеърни ўқиб қандай манзара кўз олдингизга келди?
3. Охирги банд маъносини изоҳланг.
4. Шеър мазмунини айтиб беринг.
5. Сизга шеърнинг қайси қисми ёқди? Шу қисмни ёд олинг.

ОЧКЎЗ ҚУШЧА

(Ташланд эртаги)

Бир замонда жарангдор овозли кичкина қушча бўлган экан. Унинг номи «Бу меники» экан, чунки у ҳар сафар кир-адир ва дарёлар устидан учиб ўтаётди:

– Бу меники, бу меники! – дея чирқилларкан.

Бир кун қушча учиб кетаётди меваси фарқ пишиб ётган бир дарахтга кўзи тушибди. Дарахтнинг меваси шунчалик

кўп эканки, кушча уларни бир ўзи бир йилда ҳам еб битира олмаслиги аниқ экан.

Кушча ўзининг бундай топилмасидан беҳад хурсанд бўлиб, ўша дарахт шохига келиб кўнибди. У шохдан-шохга сакраб, меваларини чўқиб ея бошлабди ва тез орада қорни тўйиб қолибди. Бирок у бу дарахтни бошқа кушлар ҳам топиб олиб, унинг мазали меваларидан еб тугатишидан жуда хавотирланибди. Кушча кўркувга чидай олмай, овозини борича

– Бу меники, бу меники, бу меники! – дея чиркиллабди.

Кушча шунчалик қаттиқ чиркиллабдики, унинг овозини теварак-атрофдаги кушларнинг ҳаммаси эшитибди. Улар бир ходиса юз бермадимикин, деган ҳаёлда зум ўтмай ўша ерга учиб келишибди. Кушлар бу ерда ажойиб, мазали мевалар фарқ пишиб ётганини кўришибди-ю, ёпирилиб ўзларини меваларга уришибди. Бирпасда ҳамма меваларни чўкилаб еб тугатишибди-ю, яна қайтиб учиб кетишибди.

Миттигина очкўз кушча шип-шийдон бўлган дарахт атрофида чир айланганича:

– Бу меники, бу меники! – деб чиркиллаб қолаверибди. Айтишларича, митти кушча дарахт атрофида ҳозир ҳам айланиб учиб юрганмиш.



Саволлар ва топшириқлар:

1. Эртак мазмунини сўзланг.
2. Кушча тасвирланган ўринларни топиб, қайта ўқинг.
3. Сиз кушчани «Бу меники» деб ном олишига қандай қарайсиз?
4. Кушчага ҳос белгиларни сананг, масалан: кичкина, нафси ёмон...

ОЛИЖАНОБЛИК БАҲОСИ

Бир чолнинг уч ўғли бор эди. Бир куни чол ўлимининг яқинлашганини сезиб, ўғилларини ҳузурига чақирди. Уларга бир кимматбаҳо гавҳарни кўрсатиб деди:

– Шу уч ой ичида ким энг олижаноб иш қилган бўлса, бу гавҳар ўшаники бўлади.

Катта ўғли деди:

– Мен бир олижаноб иш қилдим. Шунинг учун гавҳарни менга берасиз.

– Қандай иш қилдинг?

– Бир киши менга кўп молу дунё омонат қўйган эди. Мендан васиқа қоғози ҳам олмади. Омонатни сўраган заҳоти қайтардим, ҳеч нарса таъма қилмадим.

– Бу сенинг бажаришинг керак бўлган, Оллоҳ буюрган вазифа.

Иккинчи ўғил деди:

– Мен бир олижаноб иш қилган эдим.

– Қандай иш экан у, ўғлим?

– Кўлнинг олдидан ўтиб кетаётган эдим. Бир бола сувга йикилиб тушди. Ҳаётимни хавф остига қўйиб бўл-са-да, уни қутқардим ва онасига топширдим. Демак, гавҳар меники.

– Бу инсоний шафкат, – дебди отаси.

Учинчи ўғил деди:

– Мен ҳам бир иш қилдим.

– Қандай иш экан?

– Бир душманим жарнинг ёқасида ухлаб ётган экан, сал кимирласа, жарга қулаб тушарди. Мен уни оҳиста уйғотиб хавфдан огоҳ қилдим.

Ота ўғлини бағрига босиб деди:

– Ўғлим, бу кимматбаҳо гавҳар сеники. Чунки сен душманлик қилишга қодир бўла туриб, уни кечира олдинг

ва бир одамни ҳалокатдан кутқардинг. Шубҳасиз бу ишинг бебаҳо олижанобликдир.



Изоҳли луғат

олижаноблик [а] – одобли, мард, улуғ, асл

омонат [а] – сақлаб бериш

васика қоғози [а] – расмий ҳужжат

таъма [а] – бировдан нарса кутиш



Савол ва топшириқлар:

1. Ўйлаб кўринг. Эртак нима ҳақида?
2. Қиёсланг, ҳар бир ўғил ота топшириғини қандай бажарди?
3. Отанинг кенжа ўғилга айтган сўзини қайта ўқинг. У тўғри мулоҳаза қилдими?
4. Сизнингча, олижаноблик нима? Қандай кишиларни олижаноб дейиш мумкин?
5. «Оллоҳ буюрган вазифа», «инсоний шафқат», «қиммат-баҳо гавҳар» деганда сиз нимани тушундингиз?
6. Ҳар бир ўғилнинг фазилатларини сананг.
1-ўғил:
2-ўғил:
3-ўғил:

СОҚИ ИЛА ОНАСИ

Абдулла Авлодий

Соқи деган бола мактабдан келди-да, онасидан овқат куйиб беришини сўради. Онаси унинг олдига бир коса шўрва келтириб қўйди. Соқи шўрвадан бир қошиқ оғзига олиб, «Она, шўрванинг мазаси йўқ, ичмайман», деб аччиқ билан ўрнидан туриб кетди. Она овқатни ўғлининг олдидан олиб қўяркан, унга таскин берди ва дархол бошқа овқат тайёрлашга киришишини айтди. Бу ўртада у яхши гаплар гапи-

риб, боққа олиб чиқди ва кечгача хазон ташиттирди. Соқи хориб-чарчаб уйга кирди. Қорни очиб овқат сўради. Онаси яна ҳалиги шўрвани иситиб, ўғлининг олдига қўйди.

Соқи шўрвани катта иштаха билан пакқос туширди. Шўрва бениҳоя мазали эди. У бундай шўрвани ҳеч қачон ичган эмасди. Соқи шуларни айтганда, онаси кулиб юборди ва бу овқат ҳалигина ўзи мазасиз, деб ичмасдан кетган шўрва эканини, у меҳнат қилганлиги, ҳаракатда бўлганлиги учун иштахаси очилиб, овқат мазали туюлганини айтди.



Изоҳли луғат

хазон – тўкилган барглар

ЧУМОЛИ

(Масал)

Талъат Солиев

Бир чумоли миттижон,
Чопади у ён-бу ён.
Юким демай каттакон,
Уйчасига ташир дон.

Югуради эрта-кеч,
Чарчашни билмайди ҳеч.
Қаранг, баъзан чўп ташир,
Тахиса ҳам кўп ташир.

Балки янги уй қураар?
Шу сабабдан югураар.
У эртанинг ғамин ер,
«Меҳнат таги роҳат», – дер.



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикоя ва масални ўқинг. Мазмунларини айтинг.
2. Инсондаги қайси фазилатни чумолига ўхшатса бўлади?
3. Масалда ифодаланган мақолни топинг ва мазмунини тушунтиринг.
4. Соқи ва чумолининг сифатларини, сананг!
Масалан: Соқи – меҳнатсевар, меҳрибон, ...
Чумоли – меҳнатсевар, митти, ...

Мустақил ўқиш

ТУЗ ҲАҚИДА ЭРТАК

Яшар эди битта қирол,
Элга эҳсон қилиб тортиқ.
Аммо кумуш, олтинлардан,
Қадрларди тузни ортиқ.

Дерди: – Кумуш одамларга,
Истаган пайт келмайди қор.
Тузни кўпроқ тўплаш керак,
Дур гавҳарнинг кадри бекор.

Туз хаводай зарурлиги
Юртга аён беш кўлдайин.
Бойми ёки камбағалми,
Усиз овқат қилмас тайин.

Қулоқ уқиб, кўз кўрмаган,
Кўп фаройиб иш бўлди.
Тузни бошқа давлатлардан,
Келтирмоқ ташвиш бўлди.

Халта, хуржун, бордонларга,
Эринмасдан жамлаб кўйди.
От, арава тинмай ташиб,
Омборларга ғамлаб кўйди.

Қари қирол хурсанд бўлиб,
Шароб ичиб турган чоғда,
Жала куйиб, ёмғир ёғди,
Эҳ, бечора қолди доғда.

Кўзни очиб юмгунчайин,
Денгиз томон оқди намак.

Кекса қирол йиғлар ўқсиб,
Ўзга чора йўқдир, демак.

Жумбок эрур ҳаёт тарзи,
Хушнуд этмиш эртак кимни?
Якунлайман шунинг билан,
Тузи камрок эртагимни...



Савол ва топшириқлар:

1. Қиролга таъриф беринг.
2. Туз хусусиятини биласизми?

КИМ ГЎЗАЛ?

Турғунбой Ғоштов

Айтишларича, бир шаҳар четида уста Иброҳим исмли кўли гул киши яшаб, ажойиб кўғирчоқлар ясаш билан донг таратган экан. Кунлардан бир куни учта кўғирчоғини тоқчага кўйиб, устахонани ёпиб ўз одатича уйига жўнабди. Устанинг қадам товушлари узоқлашгач, кўғирчоқлардан бири ерга сакраб тушибди-да, уйда ўйинга тушиб айланибди ва шерикларига кичкирибди.

– Ўҳ-хў, кийган шоҳи кўйлагим қандай товланишини, яркирашини қаранг! Кўйлагим, тилларанг тугмачаларим, зар ипакли камзулим гўзал, мен ораларингда энг гўзал кизман!

Кўғирчоқ киз ўртоқларига менсимай боқибди:

– Сизлардаги кийимлар оддий латта-путтадан тикилган, нурсиз, ёқимсиз. Шу ҳам кийимми? Йўқ, йўқ, кийишда ҳам, гўзалликда ҳам ҳеч бирингиз мен билан тенглаша олмайсиз. Менинг жойим мраммар саройларда. Мен сизлар билан қоронғу хоналарингизда яшаб қололмайман, кетаман!

Кўғирчоқ киз деразани очиб кўчага чиқибди. Аввал у тун кўйида дам олаётган шаҳар кўчаларидан юрибди. Тонг

маҳали қуюқ ўрмонга етибди, ҳашаматли мармар саройни ахтарибди.

Қуёш чиқиб атрофни ёритган чоғ қиз караса, кийган кийими тиканакларга илиниб йиртилган,ғижимланган эмиш. «Нима бўлса ҳам камзулим тоза матодан, кимхобдан!» – деб ўзини овутибди...

Қўғирчоқ қиз ҳаммадан гўзаллигини атрофдагиларга мақтангиси келар, лекин ҳеч ким унга эътибор бермас ва уни гўзал деб ҳисобламас экан. Бечора қиз ҳеч қандай ҳашаматли сарой тополмай яна устахонага қайтиб келибди... Дугоналари унинг қайтиб келганига қувониб сакрашибди.

Қўғирчоқ қиз уларга: «Фойдали иш билан шуғулланганларгина барчага гўзал кўринар эканлар, бунга мен аниқ ишондим», – дебди.

Машҳур уста Иброҳим ясаган қўғирчоқ қиз бошидан ана шундай воқеаларни кечирган экан.



Изоҳли луғат

донг таратмок – машҳур бўлмок
мармар [а] – кристал тоғ жинси



Савол ва топшириқлар:

1. Сиз ўқиб чиққан ушбу матн эртақми ёки ҳикоя?
2. Матн мазмунини тўлиқ қайта сўзланг.
3. Қўғирчоқ қизнинг мақтанчоқлигини билдирувчи ўринларни топинг.
4. Қўғирчоқ қиз қандай воқеаларни бошдан кечирди?
5. Қўғирчоқ қизнинг «фойдали иш билан шуғулланганларгина барчага гўзал кўринар экан, бунга аниқ ишондим», деган гапини қандай тушундингиз?
6. Қўғирчоқ қизнинг ёмон фазилатларини сананг.
7. Сизнингча, гўзаллик нимада?

ПИНОККИО

Карло Коллоди

Ертўладаги кичкина бир хужра Жепеттонинг уйи эди: унинг биттаю битта деразаси бўлиб, у ҳам зина тагига очиларди. Уйдаги фақирона жиҳозлар битта ликилдок стул, шалоғи чиққан каравоту бир оёғи калта эски столдан иборат эди.

Жепетто уйига етиб келиши билан дархол кўлига асбоб-ускуналарини олдию ғўлани йўниб, ёғоч бола ясашга киришди.

«Нима деб ном кўйсам экан унга? – деб ўйланиб қолди Жепетто. – Пиноккио дея қолай. Бу исм унга бахт келтиради».

Чол бўлғуси ёғоч боласига исм топгандан кейин, хафсала билан ишлай бошлади. Энг олдин ёғоч боланинг сочини, кейин пешонасини ва ниҳоят кўзларини ясади.



У бурунни эндигина ясаб бўлган ҳам эдики, у ўзидан-ўзи бирдан катталашиб, ўсаверди, хаш-паш дегунча сал кам бир кулоч бўлиб кетди.

Бечора Жепетто бурунни кискартирмоқчи бўлиб, дам кесиб, дам йўниб кўрди, лекин шилким бурун борган сари баттар катталашаверди.

Шунда чол бурунни ўз холига қўйиб, оғиз яшашга киришди.

Лекин ёғоч оғиз хали чала бўлишига карамай, дам кикирлаб кулар, дам кийшайиб чолни масхара қиларди.

Жепетто кайфиятини бузмаслик учун, ёғоч боланинг аломат қилиқларига парво қилмай қўйди, у ишини давом эттирди. Кўғирчокнинг оғзини ясаб бўлгач, унинг энгагини, ундан кейин бўйинини, елкаларини, гавдасини, қўлларини ясади.

Жепетто уни одобли ёғоч бола қилиб тарбияламоқчи эди, лекин шундай фаройиб воқеалар содир бўлдики, Пиноккио дунёда энг тўполончи бола бўлиб чиқди.



Изоҳли луғат

хужра [а] – хона, уйча

факир [а] – камбағал, бечора, ғариб

ғўла [ф-т] – ходадан кесиб олинган бўлак



Савол ва топшириқлар:

1. Матини ўқинг, қайта ҳикоя қилинг. Пиноккио нимадан ясалди? Ўйлаб кўринг нима учун ёзувчи асари уни сўзлатди. У гапира олиши мумкинми?
2. Матидан Жепетто уйининг кўриниши тасвирланган ўринни кўрсатинг.
3. Жепеттога ёғоч бола нима учун керак эди?
4. Жепетто нима учун болага «Пиноккио» номини қўйди?
5. Матидан Жепетто қандай қилиб ёғоч бола ясаганлигини ифодаловчи ўринларни топиб, қайта ўқинг.
6. Пиноккионинг бурнини узайиб кетишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
7. Матн асосида Пиноккионинг расмини чизинг.
8. Пиноккионинг тўполонлари ҳақида оғзаки ҳикоя тўқинг.

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

Ҳар йили 5 май Қирғизистон Республикаси Конституцияси куни деб ҳисобланади. У 1993 йил 5 майда Қирғизистон Жогорку Кенгешининг сессиясида қабул қилинган.

Конституция – давлатнинг ижтимоий ва давлат тизимини, сайлов системасини, мамлакатни бошқариш фаолиятини ташкил этиш тамойилларини, фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи асосий қонундир.

Давлатнинг барча қонунлари конституцияларга асосланади. Демак, Конституция барча қонунларнинг асосидир.



Изоҳли луғат

тамойил – майл, мойиллик, тенденция



Савол ва топшириқлар:

1. Қирғизистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинган?
2. Конституция қандай қонунларни ўз ичига олади?

Умар Одил – ўшлик болалар шоири. Болалар учун «Ўрим қўшиқлари», «Булбулчам» каби шеърлар ёзган.

БАХТНОМА

Меҳнат қил, бу элда
Қаҳрамонликдир.
Меҳнатнинг замини
Хур омонликдир, –
Дея иншо қилди
Ҳар варағида.
Модда - модда қилиб,

Содда - содда килиб
Бахтномамиз.

Илм ол, толе ёр,
Сен ёш граждан.
Чўқкига кўтарил,
Бари – курашда, –
Дея иншо айлади.



Изоҳли луғат

иншо килмок – курмок, барпо қилмок
модда [а] – хужжат, матн, конуннинг ракам билан
ажратилган мустақил бўлими
бахнома [ф-т] – бахт йўлига бошловчи асар
граждан [р] – фуқаро



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг.
2. Бахнома хақида қандай тушунча олдингиз?
3. Ўқитувчингиз ёрдамида Қирғизистон Республикасининг Конституцияси мазмуни билан танишинг.

ҒАЛАБА БАҲОРИ

Уйғун

Улуғ Ватан, гўзал табиат
Оро берар яна ўзига.
Қўшиқ айтгим келади яна,
Қулок солиб қушлар сўзига.

Зотан, бутун борлик, коинот
Қўшиқ айтар севинчга тўлиб,
Табиатнинг бутун овози
Эшитилар бир қўшиқ бўлиб.

Қўшиқ айтар боғда булбуллар,
Сойда сувлар, саҳрода еллар.
Қўшиқ айтар озод насллар,
Хуқуқ олган аймоқлар, эллар.



Қўшиқ айтар кўкда лочинлар,
Ерда ёвни яқсон этганлар.
Қўшиқ айтар ғолиб ва мағрур
Берлин кўчасидан ўтганлар.



Изоҳли луғат

қоинот [а] – борлик, еру осмон, олам
аймоқ – уруғ, элат
насллар [а] – уруғ, зурриёт
лочинлар – йиртқич ов қуши (бу ерда жасур, эпчил,
шижоатли маъносида)



Савол ва топшириқлар:

1. Шоир шеърга нима учун «Ғалаба баҳори» деб сарлавҳа қўйган?
2. Шеърда душман устидан қозонилган ғалабадан кейинги шодлик тасвирланган ўринларни қайта ўқинг.

3. Шеърнинг сўнги тўрт мисрасининг мазмунини тушунтиринг.

ЭНАЖОНИМ ЭРТАК АЙТАДИ

Худойберди Тўхтабоев

Энажоним ҳар гал эртақ бошлашдан олдин бир нафасгина кўзларини юмган кўйи жим бўлиб қоларди, бу гал ҳам шундай килди. Эслаб олса керак-да.

– Қадим-қадим замонда, – деб гап бошлади кейин, – шу ўзимизнинг Фарғона томонда ажойиб инсон яшаган экан. Хушфёъл, хушхулқ. Яна бобожонингга ўхшаб яхши боғбон, сахий-саховатли, яна етим-есирларга бева-бечораларга кўп меҳрибон ҳам бўлган экан. Беш вақт намоз ўқиркан, рўза тутаркан. Мусулмончиликни ўрнига қўяркан, худои таоло мўмину мусулмон бу инсонга тўрт фарзанд ато қилибди, тўртовиям ўғил бўлибди, дегин. Ҳар ўғиллар эканки, тождор пошшоларнинг ҳам хаваси келаркан

– Энажон, катта бўлсам менам ўша йигитлардақа бўламанми? – деб сўрадим.

– Худо хоҳласа бўласан. Гап қўшмай тур-да, ўғлим, адашиб кетаман.

Чолнинг ўғиллари ҳам оталарига ўхшаб меҳнаткаш экан. Улар ҳар куни ўринларига ётганда, э худо, бизга шундай фазилат ато қилгинки, бутун оламдаги одамларга яхшилик қилайлик, бу яхшилик ҳеч адо бўлмасин, деб илтижо қилишаркан. Худо уларнинг илтижосини бажо қилибди ва ҳар бирига алоҳида бир сеҳр ато қилибди. Дуо ўқишса, катта ўғли корга, иккинчи ўғли ёмғирга, учинчи ўғли шамолга, тўртинчи ўғли қуёшга айланиб қолар, яна дуо ўқишса, ўз ҳолларига қайтишаркан. Қиш келсаю, қор бўлмаса, ёмон бўларкан. Одамлар худодан қор сўраб, уёқ-буёқка югуриб қолишаркан. Катта ўғли билган дуосини ўқиркан, бутун

оламга гоҳ шакарқор, гоҳ лайлакқор ёға бошларкан. Болалар севинишиб:

Қор ёғар, қор ёғар,
Далаларга дон ёғар.
Қор ёғар, қор ёғар,
Уйимизга нон ёғар,—

деб ашула айтишаркан. Негаким, қор кўп ёғса, қирларда буғдой яхши унаркан, дарёларда сув кўпаяркан...

Баҳор келса, дарахтлардаги куртаклар озгина нам бўлсайди, дея осмонга тикиларкан. Шунда иккинчи ўғли дуосини ўқиркан: шовиллаб илиққина ёмғир ёға бошларкан. Болалар дўпиларини осмонга отиб:

Ёмғир ёғалок,
Эчки кумалок,
Бойнинг қизини
Қорни думалок,
Ёмғир ёғалок,
Унса тувалок,
Барги шапалок,—

деб ашулалар айтаркан. Ана ундан кейин олам яшнаб - ёшариб кетаркан. Куртаклар оппоқ-оппоқ гул очаркан, катқалок ердан сарик, сафсар чучмомалар униб чиқаркан, қирларда ям-яшил майсалар гуркираркан, кип-қизил лолалар адирларга гилам ёркан, хашаротлар ҳам инларидан чиқиб, Яратганга ҳамду сано ўқишаркан, ашула айтишаркан. Гоҳо ёмғир беҳад кўп ёғаркан, куёш юзини кўрсатмай кўяркан, кўчалар лой бўларкан, далага қўш чиқолмас экан, дарахтлардаги гуллар ғўра бўлолмас экан. Шунда одамлар, э худо, хайдар шамолингни юбор, дея илтижо қилишаркан. Ухлаб қолган учинчи ўғил ўрнидан туриб дарҳол дуо ўқир-

кан, енгил-енгил шамол эса бошларкан. Болалар кўчага югуриб чиқишиб, сакрашиб-ирғишлашиб:

Хайдар шамол эсяпти,
Далаларни кезяпти.
Бўз далага кўш чиқар,
Тўртта эмас беш чиқар,
Хайдар шамол эсяпти,
Булутларни қуяпти,
Энди улар дам олар,
Экин-тикин мўл бўлар, –

деб ашула айтишаркан.

Бўз ерларга дон-дунларни экиш, ариқларни тозалаш, ҳовузларга сув куйиш бошланаркан. Марвартак тутлар аста-секин шира йиға бошларкан. Ўриклар сарғаяркан, гилослар ранг олиб, эй бола, мени есанг-чи, деб чақираркан... Гоҳо куёш қора булутлар ортига бекиниб олиб, ҳафталаб ўзини кўрсатмай ҳам қоларкан. Буғдойлар пишмай, маккалар ўсмай, шолилар униб чикмай тек туришавараркан. Шунда одамлар, э худо, куёшинга айт, жамолини кўрсатсин, дея туну кун илтижо қила бошларкан. Илтижо художўй кенжа ўфилнинг қулоғига ҳам эшитиларкан ва у билган дуосини ўқиркан. Эртасигаёк куёш чарақларкан. Болалар сакрашиб-ирғишлашиб:

Офтоб чикди оламга,
Югуриб бордим холамга,
Хола, хола кулча бер,
Холам дейди, ўтин тер.
Ўтин тердик бир кучок,
Кулча ёпдик бир ўчоқ.
Дол бўлганга ўн кулча,
Кеч қолганга бир кулча,

Жиззаси бор ўзимга,
Яхши айтган сўзимга...

деб кўшиқ айтишаркан.

Шундай қилиб яхши ният қилган киши ҳамиша муродига етаркан. Одамлар ўғлонлардан мамнун бўлиб, дунё тургунча туринг, деб дуо қилишаркан. Бу дуолар ижобат бўлиб, худои таоло уларни ҳеч ўлмайдиган қилибди. Бирига Аёз бобо деб, иккинчисига Баҳор бобо, яна бирига Ҳайдар бобо, кенжасига Қуёш бобо деб ном берибди. Бу боболар ҳозир ҳам тирик экан, дунёни кезиб юришаркан, қор сўраганда қор, ёмғир сўраганда ёмғир ёғдириб беришаркан.

Энажоним эртақни тугатиб, дераза томонга тикилганча жим бўлиб қолди. Мен ҳам ўша томонга тикилиб, анча маҳал жим турдим.



Изоҳли луғат

фазилат [а] – хислат, хусусият

илтижо [а] – дуо, тилак

дархол [ф-г-а] – тезда, дарров

бўз ер – экин экилмай ётган ер

мамнун [а] – хурсанд, шод, кўнгли тўлган, миннатдор



Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг. Ўйлаб кўринг эртақ қайси киссадан олинган?
2. Фарғона томонда ким яшаган экан?
3. Чолнинг ўғиллари худодан қандай фазилат сўрашди?
4. Аёз бобо, Баҳор бобо, Ҳайдар бобо, Қуёш бобо кимлар экан? Уларга хос сифатларни сананг.
5. Матндан табиат манзаралари тасвирланган ўринларни аниқланг.
6. Шеърларни ёд олинг.

Менди Мамазоирова – Қорасув туманидаги Тўлайкан қишлоғида туғилган. У болалар учун кўплаб шеър ва ҳикоялар ёзган. Шу кунларда Менди опангиз Бишкекда яшаб бадий ижод билан машғул.

БУЛОҚЧА

Сукунатни бузиб, тўзитиб,
Қайдан ундинг, қай муборак дам,
Жилдирайсан, куйлайсан не деб,
Шивирлайсан, менинг булоқчам?

Шошма, менга маълум кил, жоним,
Жуда - жуда олисми йўлинг?
Нима ҳақда куйлайсан ёниб,
Нималар дер бу ширин тилинг?

Она ердан унган булоқчам,
Нозик бир сир дилда яширик,
Қишу баҳор йўлингда ҳар дам –
Ким ҳақида тўкийсан қўшиқ?

Кимга қўшиқ элтасан шошиб,
Армонларинг унда мухайё?
Она ерни мен каби жўшиб
Ич-ичингдан севасанми ё?

Қўлоди Мирзо таржумаси



Саволлар ва топириқлар:

1. Шеърни ифодали ўқишга тайёрланинг. Булоқни шоира қандай тасвирлайди?
2. Шоира булоқчадан нималарни сўради?
3. Булоқча жавоб бера оладими?
4. Сиз булоқча ўрнига жавоб беринг.

НҲХАТ УСТИДАГИ МАЛИКА

Ганс Христиан Андерсен

Бор экан, йўқ экан, ўтган замонда бир шахзода яшаган экан. Унинг уйланиш вақти етибди. У ўзига хотинликка, ҳазилакам малика эмас, ҳақиқий маликани олмоқчи бўлибди.

У бутун оламни айланиб чиқиб, ўзига каллиқ топа олмабди. Маликалар-ку кўп-а, лекин улар ҳақиқийми ёки йўқми, қандай қилиб билиб бўлади?!

Бизнинг шахзодамиз уйига кип-қизариб қайтди ва кўп қайғурди, у ҳақиқий маликага жуда-жуда уйлангиси келарди.

Бир куни кечкурун зўр бўрон турди. Ҳаво гулдураб, чакмоқ чакди. Ёмғир челақдан сув куйгандай куйди.

Бирдан биров сарой дарвозасини қоқди, қари қирол дарвозани очгани чиқди.

Дарвоза олдида бир малика турарди. Вой тавба-ей, у кимга ўхшайди-я! Сув унинг сочидан ва кўйлагидан туфлисига караб оқарди. Бечора киз ҳозиргина дарёдан тортиб чиқарилгандай ивиган эди.

Шунга қарамасдан, уўзининг ҳақиқий малика эканлигидан далолат берарди.

Қиролнинг қари хотини:

– «Хўп, биз буни ҳозир синаб кўрамиз», – деб ўйлади, аммо ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмади. У ётоқхонага кирди, каравотдан барча тўшакларни ва ёстикларни олиб ташлади-да, курук тахтанинг устига кичкина бир нўхатни кўйди ундан сўнгра кичкина нўхат устига йигирмата тўшак тагин йигирмата фоз паридан қилинган пар тўшак тўшади.

Маликани ана шу ўринга ётқиздилар.

Эрталаб ундан:

– Яхши ухладингизми? – деб сўрадилар.

– Вой, жуда ёмон ухладим! – деди малика. – Мен бутун тун миужа қоқмадим. Қандай ўринда ётганимни худо билади. Майда тошлар устида ётгандай бўлдим. Энди бутун баданим моматалоқ бўлиб кўкариб кетади. Оҳ, мен жуда ҳам ёмон ухладим.

Шунда ҳаммалари унинг дарҳақиқат чин малика эканига ишондилар.

Ахир у кичкина нўхатни йигирмата тўшак ва йигирмата партўшаклар устидан сезди-ку! Ёлғиз асл маликагина шундай нозик бўла олади.

Шаҳзода унга уйланди.

Кичкина нўхатни эса ажойибхонага юбордилар. Агар биров олмаган бўлса, у ҳозир ҳам ўша ерда турибди.

Қаранг, дунёда шунақа ишлар ҳам бўлар экан.



Савол ва топшириқлар:

1. Ўқинг. Эртас нима ҳақида?
2. Шаҳзода ва малика сифатларини айтинг.
3. Шаҳзоданинг мақсади нима эди?
4. Ҳавонинг айнашини ифодаловчи ўринни топинг.
5. Малика таърифланган ўринларни қайта ўқинг.
6. Ҳақиқий малика қандай қилиб аниқланди?
7. Сизнингча, шаҳзоданинг фақат маликага уйланиши тўғрими?

Мақоллар

Нафсининг ёмони – балонинг кони.

Қуш ҳам ўз нафсидан илинар.

Кўпга югурган оздан қолар.

Мустақил ўқиш

МУҲАММАДНИНГ САВОЛЛАРИ

Учқун

Муҳаммаднинг саволи
Бир-биридан ранг-баранг.
Тўғри жавоб айтолмай,
Акаси бўлар гаранг.

– Отлар ёки хачирлар,
Биздек хаёл сурарми?
Товук, ҳакка ва ва итлар
Тунда тушлар кўрарми?

Нима учун чувалчанг
Юрар икки томонга?
Не сабабдан туялар
Чопиб чиқмас довонга?

Тўғри жавоб тополмай
Дудукланиб дер Ашир:
– Бунга Ибн Ҳаттоб ҳам
Жавоб топмай бош қашир.



Савол ва топшириқлар:

1. Болалар саволларга жавоб беринг.
2. Сиз ҳам қушлар, ҳашоратлар ҳақида савол тузинг.

ҚАФИЛЛАБ ТУРИШНИНГ ҲАҚИ

(Уйғур халқ эртаги)

Бир куни икки киши қозининг олдиға арз билан келишди.
Бирининг қўлида болта, иккинчисиникида – арра.

– Ҳақиқат қилинг, қози почча, – деди болта кўтарган одам. – Биз иккимиз бир одамга ўтин қилиб беришга мардикор тушган эдик. Дарахтни мен кесиб, ўзим ёриб тахладим. Шеригим бўлса аррасини қўлтиклаганича «Ҳа, ур!», «Ҳа, баракалла!» – деб турди, холос. Шунинг учун ҳам хўжайин пулни менга берди. У бўлса пулнинг ярми меники, деб ёпишиб олди. Бу адолатданми?

– Бунга сен нима дейсан? – деди қози арра қўлтиклаб турганга.

– Шеригим тўғри гапирди. Ҳақиқатан ҳам ўтинни ўзи кесиб, ўзи ёрди. Мен эса фақат уни руҳлантириб турдим. У шунча кўп ўтин ёрдики, «Ҳа, ур!», «Ҳа, баракалла!» – дея бериб ўлгунча ҳоридим, – деб жавоб қилибди у.

– Неча марта «Ҳа, баракалла!» – деб бақирдинг?

– Валлоҳи аълам юз, йўғ-э, икки юз бор, – деб жавоб қилди арра кўтарган мардикор.

– Жуда соз, – деди қози, – ундай бўлса ҳамённи икки юз бор осмонга отасан ҳар галда «ха, яхши!», «ха, баракалла!» – деб турасан.

– Майли, – деди суюниб арра қўлтиклаган мардикор.

Шундан кейин қози халтани болта тутгандан олиб, унинг қўлига тутқазди, у халтани икки юз бор осмонга отди ва ҳар сафар «ха, яхши!», «ха, баракалла!» – деб турди. Лекин итдай ҳориди. Кейин қози ҳамённи эгасига узатиб, танбалга деди:

– Тангаларнинг овозини эшитдингми?

– Эшитдим, – деб жавоб қилди у.

– Ундай бўлса хўп яхши. Тангалар дўстингники, улардан чиққан овоз сеники бўла қолсин.

Изоҳли луғат

мардикор [ф-т] – ёлланиб ишловчи киши

ҳамён – пул соладиган халтача

танбал [а] – дангаса, ялқов

кози [а] – шарият қонуни бўйича иш кўрувчи амалдор



Савол ва топшириқлар:

1. Эртақни ўқидингиз. Ўйланг-чи, у нима ҳақида?
2. Матндан мардикорларнинг арз қилаётган ўринларини кўрсатинг.
3. Қози чиқарган ҳукмни қайта ўқинг. Ҳукм адолатлими?
4. Сиз қайси мардикорни айблайсиз? Уларнинг сифатларини қиёсланг.
5. «Ҳа, деган туяга мадор» мақолининг мазмуни эртақ мазмунига тўғри келадими?

ГУЛ ЎСТИРОЛМАГАН БОЛА

(Корея халқ эртаги)

Қадим замонларда мамлакатга донишманд ва бахтли бир қирол ҳукмронлик қилган экан. Унинг қайфини фақат қариллиг-у, бефарзандлик бузар экан, ҳолос. Қунлардан бир кун қирол: «Мамлакатдаги энг виждонли болани топиб, уни ўзимга ўғил қилиб олсам», деб ўйлабди. У ҳамма болаларга гул уруғи улашишни буюрибди-да:

– Қимқи шу уруғдан энг чиройли гул етиштирса, шу менинг ўғлим ёки қизим бўлади, – деб эълон қилибди.

Катта болалар уруғни экиб, роса парвариш қилибди. Лекин ўн кун, ўн беш кун, бир ой ўтса ҳамқи, гултувакка экилган уруғ қилт этмасмиш.

«Бу қанақаси бўлди?» – дебди Сон Ир, у ахири онасидан сўрабди: – Нега мен эккан уруғ униб чиқмади?

Онаси ҳам шундан ташвишланиб юрган экан:

– Тупроқни янгилаб кўр-чи, – дебди.

Сон Ир гул тувакдаги тупроқни алмаштирибди. Бу сафар ҳам уруғ кўкармабди.

Қирол гулларни кўрадиган кун етиб келибди. Кўпгина болалар ясанишиб-тусанишиб, тувакда ўзлари ўстирган

гулларни кўтариб йўлга чиқишибди. Уларнинг ҳаммаси валиахд бўлиш орзусида экан. Хўш, кейин нима бўлибди, денг? Негадир қирол гулларга қараб ҳамма болаларнинг олдидан ўтиб кетаверибди. Унинг чехрасида шодликнинг учкуни ҳам кўринмабди. Иттифоқо, у бир уйнинг олдида бўш гултувак кўтариб йиғлаб турган Сон Ирни кўриб қолибди. Ўша болани чақириб келишни буярибди.

– Нима учун сен бўш гултувакни ушлаб турибсан? – деб сўрабди у.

– Сон Ир пик-пик йиғлаб, кунлардан бир куни бировнинг боғидан эгасига билдирмасдан олма узганини, шунинг учун бўлса керак, қанча уринса ҳам уруғни ундира олмаганини гапириб берибди.



Бу гапни эшитиб қирол Сон Ирни кўтариб олибдида:

– Мана менинг пок виждонли ўғлим, – дебди.

Одамлар орасида ғовур-ғувур бошланибди.

– Қирол нима учун гултуваги бўш болани ўғил қилиб олди?

Шунда кирол тушунтириб берибди: –Эй халойиқ, мен болаларга улашган гул уруғи қайнатилган эди.

Шундан кейингина одамлар киролнинг фикрини тушунишибди. Ранг-баранг гуллар кўтариб турган болаларнинг юзлари уялганидан кип-қизариб кетибди. Чунки уларнинг ҳаммаси бошқа гул уруғи топиб эккан эканлар-да.



Изоҳли луғат

валиахд [а] – тахт вориси



Савол ва топшириқлар:

1. Эртақни ўқинг.
2. Подшоҳнинг орзуси нима эди?
3. Подшоҳнинг гулларни кўраётганда ташки кўриниши қандай ўзгарди?
4. Подшоҳ Сон Ирга қандай баҳо берди?
5. Сон Ирга бошқа болаларни киёсланг, унга хос хусусиятни айтинг.

СУЛУВОЙ

Яйра Саъдуллаева

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир аёлнинг биттаю битта қизи бўлган экан. Унинг исми Сулувой экан. Онаси «Сулувой эрка бўлиб ўсмасин, кўпчилик қатори одобли, хушфеъл бўлсин», деб кўп уринибди. Аммо Сулувой инжиклик, тантиклик қилаверибди. Ҳатто овқатини ҳам ўзи емас, едириб қўясиз, деб ойисига инжиклик қилар экан. Уст-бошини ҳам ойиси кийдириб қўяркан. Кунлардан бир куни онаси Сулувойга:

– Оппоқ қизим, энди катта бўлиб қолдинг. Ўртоқларингга ўхшаб ўзингни тутиб ол. У-бу ишга қараш, – деса, Сулувой дод солиб йиғлабди. Унинг додидан безор бўлган ойиси бошқа индамай қўйибди.

Бир куни Сулувой уйда ёлгиз қолиб жуда зеркибди. Кейин секин-аста эшик олдига чикибди, кўшни ховлига мўралабди. Бундай қараса, кўшнисининг уйи жудаям чиройли, озода эмиш. Ёз пайти экан-да! Ҳаммаёққа сув сепилган, гулларнинг хушбўй ҳиди атрофга атирдек таралармиш. Ерганина тушса, топса бўлармиш.

Шаркираб оқаётган анҳор бўйидаги каравотда дугонаси Барнонинг бувиси ва кўшни кизлар ўтиришганмиш. Барнонинг бувиси кизларга ҳадеб нималарнидир уқтираётган эмиш. Сулувой боришниям, бормасниям билмай туриб қолибди. Сулувойнинг мўралаб турганини кўриб колган Барно жуда севиниб кетибди-да, ёнига чакирибди. Сулувой тортинибгина кизларнинг олдига борибди. Қараса, уларнинг бири дўппи тикаётганмиш, бири дастрўмол четига чатаётганмиш.

– Кела кол кизим, ўтир, – дебди буви Сулувойга, Сулувой чикиб, унинг ёнига чўккалабди.

– Сен ҳам тикишни биласанми? – сўрабди буви Сулувойдан.

– У эркатой-ку, ҳеч нарсани билмайди, – дебди кизлардан бири.

– Нега бундай дейсан. Бу яхши киз. – дебди Барнонинг бувиси Сулувойнинг юзидаги ўзгаришни кўриб.

– Овқатини ҳам ойиси едириб кўяди!

– Кийим-бошини ҳам ўзи киймайди, – дейишибди кизлар.

– Шунақами? – ҳайрон бўлибди буви Сулувойга қараб, – майли, майли, Сулувой яхшилаб ўтириб олгин, – дебди-да буви ёнидаги оқ сурпдан дастрўмоллик йиртиб унга узатибди.

– Мана сурп. Анави нинага хоҳлаган ипингни ўтказ.

– Тикишни билмайди, – дебди кизлардан бири. Бу гап Сулувога жуда таъсир этибди. Нахотки, шу кизлар қилган ишни

килолмасам, дебди ўзига-ўзи. У ипни игнага ўтказгунча роса қийналибди. Қатимини узун олган экан, игнани сурпга санчимасданок, ипга чигал тушибди. Бунинг фаркига бормаган Сулув игнани юқорига тортай деган экан, бирдан бармоғига игна санчилибди. Шундан кейин:

– Вой қўлим! Игна кириб кетди, – деб йиғлаб юборибди Сулув. Ўтирганларнинг ҳаммаси ўрниларидан туриб кетишибди.

– Қани-қани кўрсат-чи!

Сулунинг бармоғида бир томчи кон кўринибди.

– Игна мени ёмон кўради, – дебди яна Сулув кўз ёшларини артаркан.

Барнонинг бувиси эса, Сулувойнинг бошини силаб бундай дебди:

– Кимки иш қилишни билмаса, шунақа қийналади, қизим. Сен ҳам игна тутишни яхши ўрганиб олсанг чевар бўлиб кетасан. Қўлингга игна ҳам кирмайди.

Бувининг гапларидан анча тетикланган Сулувой бундан буён дангасалик қилмасликка аҳд қилибди.



Изоҳли луғат

чигил – чалкашиб, чигаллашган ип



Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг.
2. Сулувой тасвирланган ўринларни аниқланг.
3. Сулувой кўшни ҳовлига нима учун ҳавас билан қаради?
4. Барнонинг бувиси Сулувойга қандай насиҳат қилди?
5. Сулувойга хос фазилатларни айтинг.
6. Сулувой билан Барнони бир-бирига қиёсланг.
7. Сиз ўзингиз мустақил ишларни бажарасизми?

Бўри, тулки, қуён ва олмахон қадим замонда қалин дўст экан. Бўри кўпол, дағал, жаҳли тез, тулки эса айёр, чакма-чақар, бахил экан. Қуён билан олмахон жуда мулойим, хуш-феъл, оқкўнгил экан. Улар бошқаларнинг қувончидан доим севинар эканлар. Шунинг учун ҳам ўрмондаги жониворлар, хатто шер ҳам олмахон билан қуённи ҳурмат қилар экан.

Айёр тулки бўрининг ҳузурига борганда, доимо қуён билан олмахонни бирга олиб борар экан. Чунки бўрининг жаҳли чиқса, бечора қуён ёки олмахонни унга рўпара қилиб, ўзи қочиб қоларкан.

Қуёнлардан бир қуён ўрмон подшоҳи шернинг туғилган қуён бўлиб, у ҳамма ҳайвонларни меҳмонга чакирибди. Бу хабарни эшитган ҳайвонлар шерниқига келаверибди. Эшак қарнайчи, эчки сурнайчи, лайлак ногорачи бўлиб хизмат қилишибди. Зиёфат зўр бўлибди. Зиёфат охирлаганда айиқ қолди:

– Меҳмонлар ўзларингча тарқалманглар, шеримизнинг сизларга айтадиган гапи бор экан, – дебди. Шер ўрнидан туриб:

– Жониворларим, бугун меҳмондорчиликда ҳамманинг ҳаракатларини, юриш-туришларини кузатиб турдим. Шунинг учун одобли жониворга мукофот беришга қарор қилдим. Қуён билан олмахон бу мукофотга лойиқ деб топдим, – дебди.

– Қани, бу ёққа кел қуёнжон!

Қуён одоб билан аста-секин шернинг олдига бориб таъзим қилибди.

Шер ундан:

– Баракалла, мени хурсанд этдинг, хўш, дўстинг олмахон қани? – деб сўрабди.

– Ана, ўтирибди, – дебди куён.

– Нима бало, қариб қолибманми, олмахонни кўрмабман, – дебди шер. Шуида тулки лаганбардонлик қилиб:

– Йўқ, подшоҳим, ҳали ёшсиз, олмахоннинг ўзи кичкина, – дебди.

Олмаҳон ҳам таъзим қилиб куённинг ёнига келибди.

Ҳамма шер қандай мукофот бераркин деб турибди. Шер секин ўрнидан туриб, куёнга бир боғ сабзи, олмахонга эса халтачада ёнғоқ берибди.

– Энди мен уларга нега совға берганимни айтиб бераман. Бўри овқат еганда тишларини ғижирлатиб, лабларини чапиллатиб, сўлакларини оқизиб ейди. Яна гоҳ у ўртоғи, гоҳ бу ўртоғининг товоғига қўл чўзади. Тулки бўлса жойида бир пас ҳам жим ўтирмайди, бўлар-бўлмас гапларни гапиради. Ҳиринглаб кулиб, еб турган овқатини товоққа ташлайди. Ундан қолган овқатни ким ейди? Ўзингиз айтингчи, шу одобданми? – дебди шер.

– Йўқ, – ўтирганларнинг ҳаммаси бир овоздан жавоб беришибди.

Бу гап тулки билан бўрига ёкмаса ҳам, шердан кўрканидан индамай тураверишибди. Шер бўлса гапида давом этибди.

– Куён билан олмахон овқатни шошмай ейишди. Мана, кўринглар, увоклар ҳам тўкилгани йўқ, яна жойларида жимгина ўтиришди. Бошқаларнинг бекорчи гапларига қўшилганлари ҳам йўқ. Қани айтинглар-чи, мен мукофотни бошқа кимга беришим керак?

Ўша куни ҳамма шерниқидан хурсанд бўлиб қайтибди. Аммо бўри билан тулки хафа экан. Улар куён билан олмахондан ўч олиш йўлини кидира бошлабдилар.

Тулки куён билан олмахонни бўрига чақибди.

– Янги гапдан хабаринг борми? – деб сўрабди.

– Куён билан олмахон сени ўрмондаги жониворларнинг энг хунуги дебди.

Бўрининг жуда ҳам аччиғи чикибди-да, уларни яниб кўйибди.

Тулки куён билан олмахонни алдаб бўрининг олдига олиб келишини ўз бўйнига олибди. У куённи олдига борибди. Куён тулкини ҳар вақтдагидек кутиб олибди.

– Янгиликдан хабаринг борми? – деб сўрабди куёндан.

– Нима экан?

– Олмаҳон сен билан мени меҳмонга айтди. У янги уйга кўчибди, – дебди тулки. Содда куён тулкининг гапларига ишонибди. Олмаҳоннинг янги уйи деб, тулки уни бўри яшириниб турган жойга олиб борибди. Шу пайт дарахтлар орасида кўзларини ола-кула қилиб бўри чикибди.

– Хўш олифта куён, менинг тўғримда қандай гаплар тарқатиб юрибсан?

– Бўривой, сен ҳақингда ҳеч қандай гап бўлгани йўқ. Биласан-ку, менинг ҳеч ким билан ишим йўқ...

– Хўш, бўлмаса тулки бу гапларни кимдан эшитди?

Шунда куён тулкининг хийласини сезиб, қутулиш учун бир сакраган экан, думи нимагадир илиниб қолибди. Жон ҳолатда сакраган экан узилиб кетибди. Бундай орқасига қараса, думи бўрининг оғзида эмиш. Уйига зўрға етиб келибди-ю ҳушидан кетибди. Кўзини очиб қараса, унинг тепасида олмахон турган эмиш.

Ўша кун икки ўртоқ ўрмон аҳлига тулкининг кабиҳлиги ҳақида гапиришибди. Куённинг жароҳати тезда битиб кетибди. Тулки ўз қилмишидан уялиб писиб юрадиган бўлибди. Олмаҳон ўшандан бери дарахтда яшайдиган бўлибди. Лекин баъзан-баъзан ерга тушиб куён билан учрашиб турар эмиш.



Изоҳли луғат

бахил [а] – қизғанчиқ, хасис, нокас
яниб қўймоқ – дўк, пўписа қилмоқ
жароҳат [а] – яраланган жой



Савол ва топшириқлар:

1. Матнини ўқинг. Бўри, тулки, қуён, олмахон тасвирланган ўринларни аниқланг.
2. Нима учун шер қуённи мукофотлади?
3. Нима учун бўри билан тулки норози бўлди?
4. Тулки қандай ҳийла ишлатди?
5. Нима учун олмахон дарахтда яшар экан?
6. Тулки, бўри, шер, қуён, олмахон қандай инсонларга ўхшатилади? Дафтарингизга ёзинг. Масалан: тулки – айёр одам.

ҲИКОЯТ

Бир кўлда икки ўрдак ва бир тошбақа яшардилар. Қўшни бўлганлари учун улар бир бирлари-билан дўст ва иттифок эдилар. Бирдан ғаддор фалак уларни тинчгина турмушини бузди. Уларнинг ҳаёт манбаи сув камая бошлади. Буни кўрган ўрдаклар тошбақа ёнига келиб дедилар: – Видолашмоққа келдик, эй азиз дўстимиз, саломат қол!

Тошбақа бу гапни эшитиб, нола қилди ва кўз ёшларини оқизиб деди: –Эй менинг азиз дўст ва меҳрибон биродарларим! Сувнинг озайиши мен учун яна ҳам дахшатлидир, мен сувсиз яшай олмайман. Энди мурувват вақти келди, мени ҳам ҳалос этмоқ учун бир тадбир кўринглар.

Ўрдаклар дедилар: Сендан айрилиш ва ҳижрон дардини чекиш биз учун ҳам янада оғир. Сендан ажралиб қаерга кетмайлик ва қандай нозу неъмат ичида яшамайлик, бизга татимайди. Лекин сен ўз дўстларинг насиҳатларига қулоқ солмайсан, ўз фойдангни тушунмайсан. Сени ҳам бирга олиб

кетишимизни хоҳласанг, бир шартимиз бор: осмонга кўтарилгандан кейин бизни ким кўрмасин ва нима демасин индамайсан, оғзингни маҳкам юмиб кетаверасан.

Тошбақа деди: – Розиман. Айтганингизни қиламан: тишимни тишимга қўйиб, ҳеч нафасимни чиқармайман.

Ўрдақлар бир новда топиб келтирдилар. Тошбақа унинг ўртасидан тишлади, ўрдақлар икки бошдан тишлаб, осмонга кўтарилдилар. Одамлар уларни кўриб таажжуб билан ўнг ва сўлдан: «ўҳ-хў, ановини қаранглар, ўрдақлар тошбақани учириб олиб кетяпти», – деб қичқира бошлабдилар. Тошбақа бир муддат индамай борди, кейин ўзини тута олмай, кўролмаганни кўзи чиксин, демоқчи бўлиб оғиз очган эди ҳамки, ерга тушиб чилпарчин бўлди.

Ўрдақлар бу воқеа ҳаммага ибрат бўлсин деб уни ҳар ерда гапириб юрдилар.

(«Калила ва Димна»дан)



Изоҳли луғат

иттифок [а] – инोक, ақил

гаддор [а] – хоин, сотқин

мурувват [а] – яхшилик, саховат, ҳиммат

фалак [а] – осмон, кўк



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикоятни ўқинг. Ролларга бўлиб қайта ўқинг.
2. Тошбақа ва ўрдақ қандай инсонларга ўхшайди?
3. Гаршиннинг «Саёҳатчи курбақа» эртагини ўқинг ва ҳикоят мазмунига солиштиринг.
4. Сиз яна қандай эртақларни ўқигансиз?

ШОҲДОР ОНА БУҒУ ҲИКОЯСИ

Бу жуда қадимда бўлиб ўтган. Замонларнинг замонида бир қирғиз қабиласи улкан ва муздай дарё бўйида яшарди. Бу дарёни Энасой деб аташарди. У ҳақида шундай кўшиқ ҳам тўқилган:

Сендан улкан дарё борми, Энасой,
Сендан азиз тупроқ борми, Энасой.
Сендан чуқур дард ҳам борми, Энасой,
Сендан озод кучок борми, Энасой.

Кунлардан бир куни ғаройиб воқеа содир бўлди. Ўша куни қирғиз қабиласи Энасой бўйида ўзининг буюк оқсоқолини дафн этмоқда эди. Кутилмаганда душман ҳамла қилди. Қирғин-барот жанг бўлди. Енгилмас қирғиз қабиласи бир ҳамла билан қириб ташланади.

Душманлар бой ўлжа билан қайтишар экан, ўрмонда икки бола – бир ўғил ва бир қизни учратиб қолишди, шу заҳоти қирғиз элининг энг охириги вакиллари подшоҳлари ҳузурига олиб бордилар. Подшоҳ чўтир юзли Баймоқ кампирни чақириб шундай дебди.

– Мана буларни ўрмонга обориб шундай қилгинки, шу билан қирғиз зоти тугасин, хаёлда ҳам қолмасин, номи абадий ўчсин. Бошла, чўтир Баймоқ кампир, айтганимни дарҳол бажо келтир...

Чўтир Баймоқ кампир болаларни жарга улоқтирмоқчи бўлганда:

– Тўхта, доно, оқила кампир, гуноҳсиз болаларни жувонмарг қилма, – деган овоз келди.

Чўтир Баймоқ кампир қайрилиб қаради-ю, хайратда қолди: қаршисида ғаройиб она буғу турарди. Унинг йирик-йирик кўзлари маъноли ва ғамгин боқарди. У сутдек оқ, қорни бўталокнинг юнгидек кўнғир юнг билан копланган.

Шохлари бўлса гўзаллик тимсоли: сербуток, гўё кузги дарахтнинг бир бўлак шохи.

– Кимсан? Нега одамга ўхшаб гапираяпсан? – сўради чўтир Баймоқ кампир.

– Мен она буғуман, – жавоб берди у, – қўйиб юбор болаларни, доноларнинг доноси, уларни менга бер.

– Нима қиласан уларни?

– Одамлар менинг икки эгизимни, икки буғу боласини ўлдирди. Мен ўзимга бола излаб юрибман.

– Ха, майли шундай бўладиган бўлса, болаларни тез узоқ ўлкаларга олиб кетгин, – деди охири чўтир Баймоқ кампир. Она буғу чўтир Баймоқ кампирга миннатдорчилик билдирди. Бола билан кизга эса:

– Энди, мен сизларнинг оналарингман, сизлар эса менинг болаларимсизлар, – деди. – Сизларни узоқ юртга, қорли тоғ ва дарахтзорлар қўйнига жойлашган илик денгиз – Иссиқкўлга олиб кетаман.

Шундай қилиб Шохдор Она буғу ўз болаларини қорли тоғ ва дарахтзорлар қўйнига жойлашган илик денгиз Иссиқкўлга етказиб келди.

– Мана шу янги Ватанингиз бўлади, – деди Шохдор Она буғу.

Шунинг билан, бола ва кизча қирғиз авлодининг аждодлари сифатида, мангу жаннатмакон Иссиқкўлда ўзларига янги макон топдилар.

«Қирғиз тилини ўрганамиз» китобидан олинди



Изоҳли луғат

қабила [а] – насл-насаб жиҳатдан бир хил бўлган кишилар тоифаси, гуруҳи

оқсоқол – қабила бошлиғи, кекса одам

хамла [а] – хужум

қирғинбарот – қонли қаттиқ жапг

буғу – кийикларнинг бир тури



Савол ва топшириқлар:

1. Матни диққат билан ўқинг ва мазмунини қайта сўзланг.
2. Шохдор Она буғу киёфаси тасвирланган ўринларни топиб, қайта ўқинг. Шохдор Она буғу ниманинг тимсоли?
3. Матни ўқиб, қирғиз халқи тарихи ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Матндан хулоса чиқаринг.

АЛМАТАЙНИНГ ХИЙЛАСИ

Эсен Тиллабоев

Ўша куни кечкурун, овқатланиб бўлишгач, Тўлқинбек ажабланиб бобосига деди:

– Оппоқ дада, хайронман, тулки деган маккор кинода ҳам, эртақда ҳам доим бошқаларни алдайверади-да. Бир эртақда бўрини алдайди, бирида чолнинг аравасидаги балиқларини битта кўймай йўлга ташлаб қароқчилик қилади. Тулкини бирортаси чув туширган эртақ ҳам борми? Мабодо бўлса, ўша эртақни айтиб беринг-чи?

– Хийлагар тулкининг қилмишлари сенинг ҳам жаҳлингни кўзғатибди-да, ўғлим, – деб бобоси қикирлаб кулди.

– Бир сариғёғдай сақлаб юрган ноёб эртагим бор, уни ҳеч кимга айтмаган эдим. Сен мунчалик сўраб қолдинг, майли, сенга айтсам, айтиб бера қолай. Яхшилаб тингла. Оппоқ даданнинг эртаги деб кейин ҳам айтиб юрарсан.

– Бўпти-бўпти! – деб суюниб кетибди Тўлқинбек.

Бобоси эртақ бошлади:

– Қадим замонда кишлокнинг чеккасида Алматай деган одам яшаб ўтган экан. Ўзи тегирмончи экан, тегирмонининг орқасида узумзори бўлар экан. Бир йили узумлар фарқ пишган вақтида шингиллари кундан-кунга камаяверибди. «Бунинг сирини билайин-чи», – деб, тегирмон дарчасидан боққа тикилиб ўтирса, бир тулки оҳиста ишқомга яқинлашибди.

Сара узум бошларини тушириб ея бошлабди. Эртаси куни Алматай токнинг остига қопқон қўйиб, уни хас-хашак билан яширибди. Шу десанг, тулки келибди, узумдан ебди ҳам, кайтишида қопқонга илинибди. Илинибди-ю факат думи илинибди. Қопқондан қутилиш мақсадида тулки ўзини у ёқ-бу ёққа урибди. Бир амаллаб қутилибди, бироқ думи қопқонда қолибди, ўзи ўла-тирила кочиб қолибди. Яқин орадаги тўқайга аранг етиб борибди. Унинг ҳолини кўрган шериклари:

– Ё тавба, қуйруғинг кани, чўлтоқ бўл қолибсан-ку! Ажаб-ажаб! – дея мазахлаб қулишибди.

Кўнгли озор еган тулки бир шумликни ўйлаб топибди:

– Биродарлар, бўлар иш бўлди. Бунга нафеи балойим айбдор. Уни қўйинглар - буни қўйинглар, бир хушчакчаклик қилайлик. Мен бир ўйинни биламан, уни сизларга кўрсатайми? – дебди.

– Қани, кўрсат-чи, – дейишибди шериклари.

Шунда тулки бир ердан сим топиб келибди-да, у билан биродарларини бир-бирига мотаб боғлабди.

– Мен теваракни қарайин-чи, ногоҳон бургут келиб қолмасин, – дебди тулки хавотир олгандай бўлиб.

– Оббо! Бургут ботир учиб келмоқда. Фалокат босди, қочайлик!

Тулкилар потираб ўзини тўрт томонга ташлабди, натижада думлари чирт-чирт узилибди. Ҳаммасининг думлари биттасида қолибди. Буни кўрган чўлтоқ тулки уни хаппа тишлаб узиб олибди ва енгил нафас олиб, қониқиш билан:

– Мана энди сизлар ҳам чўлтоқсиз, мен ҳам чўлтоқ, – дебди-да, кир томонга жўнабди. Шу пайт унинг тепасида пайдо бўлган баҳайбат бургут қудратли қанотларини ёзганча унга панжа уриб чангалига олибди...

Эртагини айтиб бўлган бобо бир оз жимликдан сўнг бошини кўтариб, деди:

– Шундай, ўғлим, тулки қаерда бўлса, муғомбирлигини қўймайди. Илло тулкининг ҳам жазосини берар куч борлигини ҳозир эшитдинг. Зотан тулкимижозлар одамлар орасида ҳам бор. Буни билиб қўй. Эртагимнинг мазмунини тушундингми, бўтам?

– Ҳа, тушундим, оппоқ дада, – дея ўйчан жавоб берди Тўлкинбой.

Қўлдош Мирзо таржимаси



Изоҳли луғат

куйрук – дум

озор [ф-т] – азоб, жабр

муғомбир [а] – алдоқчи, айёв, қув



Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикояни ўқинг. Ҳикояда иштирок этувчи тимсолларни аниқланг ва ролларга бўлиб ўқинг.
2. Нима учун ҳикоя «Алматынинг ҳийласи» деб номланган?
3. «Тулки, мижоз» маъносини изоҳланг.
4. Алматы ва тулкига хос сифатларни таққосланг.

ЁЗ КЕЛИБ - ЁЗ КЕЛИБ

Пўлат Мўмин

Бахш этар илҳомлар

Ёз келиб, ёз келиб.

Дил олгай оромлар

Ёз келиб - ёз келиб.

Кезадир саратон

Тонглари – сара тонг.

Минг ҳузур улашиб

Ёз келиб - ёз келиб.

Атрофни кезаман
Юрт завқин сезаман
Гул фаслин яратар
Ёз келиб - ёз келиб.

Тўкадир кўрини,
Сочадир нурини,
Қуёшим ўлкамга
Ёз келиб - ёз келиб.

Меҳнаткаш аҳлини,
Тоғ, сойлар салқини,
Чорлайдир ўзига
Ёз келиб - ёз келиб.

Аслида серҳиммат,
Мўл этар ноз-неъмат,
Мўминлар юртига
Ёз келиб - ёз келиб.



Изоҳли луғат

сара [ф-т] – энг яхши, аъло, сархил
серҳиммат [а] – яхшилик, марҳамат, ёрдам, саховат,
олижаноблик

ноз-неъмат – анвои мева, озиқ-овқатлар

мўминлар [а] – мусулмон, Оллоҳнинг борлигига имон
келтирган киши



Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ўқинг. Нима учун ёз фасли одамларга ёқади?
2. Шеърдаги 3-4-бандларнинг мазмунини сўзлаб беринг.
3. Ўша бандларни ёд олинг.
4. Ёз манзараси мавзусида расм чизинг.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Табиат манзараси тасвирланган матнларни айтинг.
2. Инсонга хос фазилатлар табиатга кўчган ўринларга мисол келтиринг.
3. Матнлардан тимсоллар ҳолати тасвирланган ўринларга мисол келтиринг.
4. Инсон ташқи қиёфаси тасвирланган ўринларга мисол келтиринг.
5. Инсонларга хос сифатлар табиат ҳодисалари ва ҳайвон, қушларга кўчган ўринларга мисол келтиринг.
6. Қиёслаш, сифатлаш деганда нимани тушундингиз?

Мақоллар

Тинч элнинг боғи гуллар.

Тинчлик – бахт, соғлик – тахт.

БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ

Ойбек

Бобом кичкина, зах, қоронғи хужрасида ўтирибди. Омонатгина, эшиги кичкина совук хужра. Бобом елкасига калин пахталик чопонини ташлаган, бошига эски кир телпагини бостириб кийган. Қошлари ўсиқ, соқоли узун, тишлари йўқ. Аллақандай чуқур хаёл оғушида, бошини куйи солиб, жим ўтирибди.

Оёғим билан аста эшикни итараман-да, бобомга мошхўр-да олиб кираман.

– Мошхўрда... Қайноқкина, олинг, бува, – дейман қосани узатиб ва танчага тиқиламан.

Бобом ғивирлаб кўрпача тагидан бир нарса олади-да, менга узатади:

– Ма, ол! Лекин бувинг билмасин, укдингми? – дейди юзларига табассум ёйилиб.

Бобомнинг кўлидан бир ховуч попук ва қанд оламан. Севинганимдан энтикиб кетаман. Бобом ҳам мамнун холда бошини аста кимирлатиб, дейди:

– Калитни топиб, сандиқни секин очдим-да, шу попукларни сенга деб олдим. Лекин зинҳор бувинг била кўрмасин. Кампир зикна... – дейди ёғоч қошиқ билан мошхўрдани шопириб.

Бувим уйда йўқ, Лабзакка, амманикига кетган. Поччам доим бош оғрик. Эчки сўйиб кўчириқ ва худойи қиламиз, деб кеча бувимни олиб кетишган.

Бобом секин-секин нон қавшаб, мошхўрдани ичади. Мен бўлсам, попукларни, қандни курс-курс чайнайман.

Бобом ошни ичиб тугатади, бир-икки кекиради, бирдан хикичок тутаети. Ҳикичоғи босилишини кутаман.

– Бува, гапиринг ўтган замонлардан, – ялинаман қандни чайнаб.

– Ўғлим тек ўтир, чўпчаклар эсимдан чикиб кетди, кўп билардим, – дейди бувам соқолларини силаб.

– Айтинг, жон бува, биласиз, сизда жуда чўпчак кўп, – дейман хиралик қилиб.

– Хувари ўлмагур, қариб қолдим. Билганларим ҳаммаси ёддан кўтарилди-кетди. Ёшлигимда узун-узун чўпчакларни кўп билардим, ҳаммасини унутдим. Ақл-фаросатдан ажра-япман. Чўт қокиб, ҳисоб-китобни бирпасда боплардим, – дейди бобом, балки ўйлаб-ўйлаб, ёдига туширар. «Ўхў, ўхў» деб яна қаттиқроқ йўталиб оладида, секин сўзларни битта-битта салмоқлаб гапиреди:

– Эсда қолмаган, бутунлай ҳаммасини унутганман, – дейди-да, бобом яна ўйланиб қолади ва бир ондан сўнг давом этади: Эртагиё, эртаги, эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчук чакимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри бақовул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи қалта бўри бор. Кунларнинг бирида Тулки кетаётган эди, бир Товус думини сетора-сетора қилиб келаверди. Шунда Тулки айтдики: «Эй, Товус, ажаб-ажаб ўйинларинг бор экан, бир яхшилаб ўйнаб бергин». Товус думини сетора-сетора қилиб, ўйинга тушаверди. Тулкининг қорни оч эди, ўйнаб турган пайтида уни ушлаб олди. Бир вақт Товус қараса, Тулкининг авзойи бузук, уни емоқчи бўлиб турипти. Товус: «Эй тулки нима қиялсан?» деди. Тулки айтди: «Менинг қорним оч эди, сени егим келиб қолди». Товус: «Хўп майли, мени егин, лекин кўз олдимда бир фотиҳа ўкиб есанг, ҳеч армоним қолмас эди», деди. Шунда тулки пичир-пичир қилиб, қўлини кўтарди: «Омин, оллоҳу акбар», деган эди, Товус Тулкининг олдидан

«вар» этиб учди-кетди... Бўлди, тамом! Қариллик ўлгур ёмон экан. Дармоним йўқ, уйку босгани босган... – бир оз сукут этади-да, кейин бошини чайқаб дейди: – Лекин жаҳонни хўп кездик. Туя миниб саҳроларда хўп юрдик...

– Бува, айтинг, яна айтинг! Қўшиқни жуда яхши кўраман, – дейман бобомнинг соколларини силаб.

– Бас, ўғлим! Эсимга тушса, эрта-перта айтиб бераман, – дейди бобом қуришиқ қўллари билан пешонамни силаб.

– Хўп, бува, эртага, – дейман бобомнинг фикр тўла кўзларига тикилиб, тиззасини кучоклайман.

Бобом аста кўзларини юмади-да, аллақандай узок бир хаёлга кетади.

ҚЎЛҚОП БИЛАН БОЛТА

Е. Пермик

Чол вафот этиб, ундан тўнғич ўғлига кулба, ўртанчасига сигир, кенжасига қўлқоп билан болта мерос қолди. Тўнғич ўғил кулбасида таралла-бедод яшай бошлади, ўртанчаси сут-катиқ сотиб олишни касб қилиб олди, кенжа ўғил бўлса, қўшиқ айтиб болта ишлатиш орқали кун кўришни лозим топди.

Орадан йил ўтди, йил ўтса ҳам мўл ўтиб, таралла-бедод тўнғич ўғилнинг кулбаси қийшайди, танбал ўртанча ўғилнинг сигири сут бермай қўйди, меҳнаткаш кенжатоиннинг қўлқопи билан болтаси ёғоч йўнар, ром ясарди, у шаҳарлар бунёд этиб, кўприк, тегирмонлар қурадди. Кенжа ўғил охири ўзига иморат тиклади, сигир сотиб олди.

– Инимизнинг болтаси сеҳрли болтага ўхшайди, – деди тўнғич ўғил ўртанчага. – Ке, ўғирлаймиз, ўша болтани!

Улар ўғирланган болтага ёғоч йўниш, ром яшаш, иморат тиклаб, кўприк қуришни буюришди. Аммо болта буйруқни бажармай, тек тураверди.

– Болтанинг бир ўзи ҳеч нарса қилолмайдиганга ўхшайди, – деди ўртанча ака. – Ке, қўлқопни ҳам ўғирлаймиз.

Шундай қилиб акалар қўлқопни ҳам ўғирлашди. Аммо тагин ҳеч нарсага эриша олишмади.

Дурадгор кенжатоёй янги болта билан янги қўлқоп сотиб олди. Яна қўшиғини бошлаб ишга киришиб кетди. У қўшиқ айтганда чопкиндилар ўзидан ўзи чор атрофга сачрагани сачраган эди!

– Демак, ҳамма гап қўшиқ айтишда экан-да, – деган қарорга келишди тўнғич ака билан ўртанча ака. – Яхшиси, инимизнинг қўшиғини ўрганиб оламиз.

Улар кенжатоёйнинг қўшиғини ўргана бошлашди. Қўшиқ содагина бўлса ҳам маъноси чуқур эди. Унда болта ўткиру, лекин ёлғиз болтанинг ўзи ҳеч нарса бажара олмайди, чипта қўлқоп эпчил қўллардагина иш дўндириши мумкин, деб куйланарди. Майли, даромади кам, аммо даромадсиз қолдирмайди. Дурадгор ҳаракат қилса, ҳар куни чой пули ишлаб турарди. Акалар қўшиқни ўрганиб олишди. Уни юракдан тушуниб, қарабсизки, ишлари ҳам юришиб кетди. Дурадгорликни эгаллаб, хушчакчак қўшиқлар айтадиган бўлишди. Эндиликда учала ака-ука биргаликда куйлашади. Қўшиқлари қўлқоп билан болта ҳақида, қўл захматини улуғлашар, инсонларни тўғри йўл танлашга даъват этишарди.

Эндиликда болта жудаям ўзгариб кетди. Учратиб қолсанг, уни танимайсан ҳам. Ажабтовур механизмлари бор. Қўлқоп киймай ушлолмайсан. Қўлқоп бўлганда ҳам жўн, хонаки эмас, асл, чиройли матодан фабрикада тикилган қўлқоп бўлиши керак.

МУНДАРИЖА

Мустақиллик муборак, хур Қирғизистон!	3
Жигарларга тилақларим. <i>М. Шайхзода</i>	5
Олтин куз	6
Олтин куз. <i>Ш. Саъдулла</i>	6
Она юртинг – олтин бешигинг. <i>О. Ҳожиева</i>	7
Ўлка. <i>Э. Воҳидов</i>	8
Эгиз фарзанд. <i>М. Жонгозиев</i>	9
Кечки олма. <i>В.А. Сухомлинский</i>	10
Илмли минг яшар. <i>Н. Мақсудий</i>	11
Устоз. <i>А. Исмоилов</i>	13
Сукутнинг хосияти.....	13
Тугунчадаги пул. <i>С. Рисбаев</i>	15
Ширин - шакар мевалар. <i>Лайло Соя Салим</i>	18
Ваъда берди. <i>К. Ерсарин</i>	22
Боғда. <i>Ҳўғун</i>	24
Ахиллик – улуғ бахт. (<i>Қирғиз халқ эртаги</i>).....	26
Ақл ва бойлик. (<i>Ўзбек халқ эртаги</i>).....	27
Алломиш. (<i>Ўзбек халқ эртаги</i>).....	29
Сув билан суҳбат. <i>З. Диёр</i>	30
Ҳасса. <i>Х. Тўхтабоев</i>	32
Суҳбат. <i>Я. Саъдуллаева</i>	33
Қурбака ва чумоли (<i>Масал</i>).....	35
Сейтек.....	36
Чумчуқча. <i>М. Муродов</i>	38
Какликнинг уяси. <i>С. Жусуев</i>	39
Сой суви ҳақида эртак. <i>З. Аълам</i>	41
Кўчат ўтказ. <i>С. Барноев</i>	42
Мақоллар ва топишмоқлар.....	43
Одобли Турғун. <i>Ойбек</i>	44
Оққуш, Чўртан балик ва қисқичбака. <i>Н. Кризов</i>	46
Болам. <i>Бердақ</i>	47
Китоб. <i>М. Муродов</i>	49
Китоб. <i>А. Токомбаев</i>	50
Саҳийлик. <i>А. Авланий</i>	51
Очкўзлик. <i>А. Авланий</i>	52
Бахиллик. <i>А. Авланий</i>	53
Эркин уялиб қолди. <i>Ў. Рашид</i>	54

Таъзим. <i>Т. Расулов</i>	55
Уйга меҳмон келса. <i>Э. Жумаев</i>	57
Арслон билан ит. <i>Л. Н. Толстой</i>	59
Раҳмат демас Аҳмадга. <i>Н. Боқизода</i>	61
Чавгон. <i>Р. Азизхўжаев</i>	63
Қаламнинг ўкинчи. <i>Шухрат</i>	64
Рўзгор дафтари. <i>А. Зокиров</i>	65
Биринчи қор. <i>Шухрат</i>	67
Қиш эртаги. <i>А. Аҳмедова</i>	68
Чана. <i>Е. Раҳимова</i>	73
Шоҳ ва шоир	76
Ҳикматлар	77
Иби Синонинг шогирдлари	78
Менга озгина сув бер	79
Мирзо Улуғбек	80
Улуғбекни сўроқлар. <i>Э. Шодмонов</i>	81
Тошкент. <i>Э. Маликов</i>	84
Доноларнинг доноси.....	85
Яхшидан боғ қолади	85
Навойи ҳикматлари	87
Бир қабутар. <i>А. Навоий</i>	88
Оқилона жавоб. (<i>Ривоят</i>).....	89
Қарға ва чумчук. <i>Ж. Курашев</i>	90
Болари ва пашша	91
Қадрдон парта	92
Қўбиз қандай пайдо бўлган?	94
Қўбиз тинглаб. <i>Т. Адишбоев</i>	95
Оқ калпок. <i>Т. Адишбоев</i>	96
Жимжилок (<i>Эртак</i>).....	98
Бир бўри ҳақида. <i>О. Одишхонов</i>	100
Мақтанчок	101
Аввал ўйлаш керак. <i>Н. Рўзимухамедов</i>	103
Тулки ва узум. <i>И. А. Крилов</i>	104
Қалдирғоч ҳиммати. (<i>Ривоят</i>).....	105
Хўроз ила бўри	107
Ҳикоят. <i>А. Навоий</i>	109
Ойнадаги қурбака	110
Ассалом, баҳор! Баҳор келди ўртоқлар. <i>З. Диёр</i>	112

Сумалак - ўттиз малак	113
Меҳнат дарсида. <i>А. Расул</i>	114
Ким ойисини қандай яхши кўради? <i>С. Фафуров</i>	115
Ота - она дуоסי. <i>С. Очил</i>	116
Қайтар дунё. (<i>Афсона</i>).....	117
Ҳамал. <i>Ш. Раҳмон</i>	119
Баҳор ёмғири. <i>Т. Қожамбердиев</i>	120
Меҳриғиё. <i>Қ. Мирзо</i>	121
Чирок	124
Қишлоғимнинг киши. <i>О. Холдор</i>	126
Жала	127
Жаннати одамлар. <i>Х. Тўхтабоев</i>	128
Наврўз байрами	130
Берунийнинг дам олиш қуллари. (<i>Ривоят</i>).....	131
Тоғ доласи. <i>Р. Иброҳим</i>	132
Икки қарға	133
Мактанчок ғоз	134
Қуёш ва булут. <i>Ж. Родари</i>	136
Яхши одамлар. <i>С. Маъмур</i>	137
Мевалар можароси. <i>Х.Х. Ниёзий</i>	138
Чол ва унинг певараси	139
Алишернинг болалиғи. <i>Ойбек</i>	141
Табиат кўйида. <i>Р. Толиб</i>	143
Очкўз қушча. (<i>Ташланд эртаги</i>).....	144
Олижаноблик баҳоси	146
Соқи ила онаси. <i>А. Авлоний</i>	147
Чумоли. <i>Т. Солиев</i>	148
Туз ҳақида эртак	149
Ким гўзал? <i>Т. Ғошпов</i>	150
Пиноккио. <i>К. Коллоди</i>	152
Қирғизистон Республикасининг Конституцияси.....	154
Б а х т н о м а. <i>У. Одил</i>	154
Ғалаба баҳори. <i>Уйғун</i>	155
Энажоним эртак айтади. <i>Х. Тўхтабоев</i>	157
Булокча. <i>М. Мамазоирова</i>	161
Нўхат устидаги малика. <i>Г. Х. Андерсен</i>	162
Мухаммаднинг саволлари. <i>Учқун</i>	164
Қағиллаб туришнинг ҳақи. (<i>Уйғур халқ эртаги</i>).....	164

Гул ўстиролмаган бола. (<i>Корейс хал эртаги</i>).....	166
Сулувой. <i>Я. Саъдуллаева</i>	168
Нега куённинг думи калта. <i>Н. Факихўжаев</i>	171
Ҳикоят	174
Шохдор Она Бугу ҳикояси	176
Алматайнинг хийласи. <i>Э. Тиллабоев</i>	178
Ёз келиб – ёз келиб. <i>П. Мўмин</i>	180
Болалик хотиралари. <i>Ойбек</i>	183
Қўлқоп билан болта. <i>Е. Пермяк</i>	185

Акибатхан Исманова, Турсунхан Салимова

АДАБИЙ ОКУУ

Жалпы билим берүүчү мектептин 3-классы
үчүн окуу китеби
(Өзбек тилинде)

Акибатхон Исманова, Турсунхон Салимова

АДАБИЙ ҮҚИШ

Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик

Бош муҳаррир *А. Урибоев*
Тех муҳаррир *Д. Аббосова*
Мусаххих *С. Набиева*
Рассом *А. Жэмбаев*

Босмахонага 15.12.2013й. берилди. Босишга рухсат этилди 27.12.2013й.
Формат 70x100 1/16. Uzb Times New Roman гарнитураси. Ҳажми 12 босма тобок.
9700 нусхада. Буюртма №1002.

«KIRLand» ЖЧК
720083, Қирғиз Республикаси, Бишкек ш., Аламедин-1 к/р., 75
E-mail: kirland@infotel.kg

the 1990s, the number of people in the UK who are aged 65 and over has increased from 10.5 million to 13.5 million, and the number of people aged 75 and over has increased from 4.5 million to 6.5 million (Office for National Statistics 2000).

There is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. The Department of Health (2000) has set out a strategy for the NHS to meet the needs of the elderly population. This strategy is based on the following principles: (1) to ensure that the elderly population has access to the services they need; (2) to ensure that the elderly population is able to live independently; (3) to ensure that the elderly population is able to participate in the community; and (4) to ensure that the elderly population is able to live in their own homes.

The Department of Health (2000) has also set out a number of key objectives for the NHS to meet the needs of the elderly population. These objectives are: (1) to reduce the number of elderly people who are admitted to hospital; (2) to reduce the length of stay of elderly people in hospital; (3) to reduce the number of elderly people who are admitted to care homes; and (4) to reduce the number of elderly people who are admitted to residential care.

The Department of Health (2000) has also set out a number of key actions for the NHS to meet the needs of the elderly population. These actions are: (1) to improve the quality of care for elderly people; (2) to improve the access to services for elderly people; (3) to improve the support for elderly people; and (4) to improve the information for elderly people.

The Department of Health (2000) has also set out a number of key indicators for the NHS to meet the needs of the elderly population. These indicators are: (1) the number of elderly people who are admitted to hospital; (2) the length of stay of elderly people in hospital; (3) the number of elderly people who are admitted to care homes; and (4) the number of elderly people who are admitted to residential care.

The Department of Health (2000) has also set out a number of key challenges for the NHS to meet the needs of the elderly population. These challenges are: (1) to ensure that the elderly population has access to the services they need; (2) to ensure that the elderly population is able to live independently; (3) to ensure that the elderly population is able to participate in the community; and (4) to ensure that the elderly population is able to live in their own homes.

The Department of Health (2000) has also set out a number of key opportunities for the NHS to meet the needs of the elderly population. These opportunities are: (1) to improve the quality of care for elderly people; (2) to improve the access to services for elderly people; (3) to improve the support for elderly people; and (4) to improve the information for elderly people.

The Department of Health (2000) has also set out a number of key messages for the NHS to meet the needs of the elderly population. These messages are: (1) to ensure that the elderly population has access to the services they need; (2) to ensure that the elderly population is able to live independently; (3) to ensure that the elderly population is able to participate in the community; and (4) to ensure that the elderly population is able to live in their own homes.